

# **ДИКТАТУРАДАН ДЕМОКРАТИЯГА**

**Озод қилишнинг концептуал асослари Тўртинчи А.Қ.Ш.  
нашри**

**Жин Шарп  
Алберт Эйнштейн номли Институт**

---

FROM  
DICTATORSHIP  
TO  
DEMOCRACY

*A Conceptual Framework for Liberation*

---

Third U.S. Edition

to Bokhadik  
Charles  
good wishes  
for  
Gene Sharp 19 Jan 2009

Gene Sharp

The Albert Einstein Institution

---

Ушбу публикациядаги барча материаллар ижтимоий мулкдир. Манбадан цитата келтириш, таржима, қайта нашр учун Алберт Эйнштейн номли Институтни хабар қилмоқ шартдир.

Биринчи нашр, Май 2002й. Иккинчи нашр, Июнь 2003й. Учинчи нашр, Феврал 2008й. Тўртинчи нашр, Май 2010й.

“Диктатурадан демократияга” китобининг дастлабки нашри 1993 йилда Бангкок шаҳрида, Хит Пянг (Khit Pyaing, New Era Journal) бирлашмаси билан Бирманинг Демократияни тиклаш комитети тарафидан қилинган. Кейин ўттиз бир тилга таржима қилиниб Сербия, Индонезия, Таиланд ва бошқа мамлакатларда нашр этилган. Бу эса А.Қ.Ш.нинг тўртинчи нашри.

Америка Қўшма Штатларида босилган.

Қайта ишлаб чиқарилган қоғозда босмахонадан чиққан

Алберта Эйнштейн Ташкилоти Шарқий Бостон, Массачусетс 02118, А.Қ.Ш.

Тел: А.Қ.Ш. +1 617-247-4882 Факс: А.Қ.Ш. +1 617-247-4035 E-mail: einstein@igc.org Website: www.aeinstein.org ISBN 1-880813-09-2

## МУНДАРИЖА

<b>МУҚАДДИМА</b>	<b>5</b>
<b>1- БОБ. ДИКТАТУРА ТЎҒРИСИДА РЕАЛ ТАСАВВУР</b>	<b>8</b>
Давом этаётган муаммо	9
Озодликка зўравонлик орқали эришиш	11
Тўнтаришлар, сайловлар, чет эллик кутқарувчилар	13
Аччиқ ҳақиқатга дуч келиш	15
<b>2- БОБ. МУЗОКАРАЛАР ХАВФЛИЛИГИ</b>	<b>16</b>
Музокаралар афзаллиги ва камчиликлари	17
Музокаралар давомида позицияларнинг топширилиши?	18
Музокараларда ҳокимият ва одиллик масалалари	19
“Кўнгилчан” диктаторлар	21
Қай йўсиндаги сулҳ?	22
Умид манбалари	22

<b>3-БОБ. КУЧ ҚАЕРДАН ОЛИНАДИ?</b>	<b>23</b>
“Маймунлар ҳукмдори” тўғрисидаги масал	24
Сиёсий ҳокимиятнинг зарур манбалари	25
Демократик ҳокимият марказлари	28
<b>4- БОБ. ДИКТАТУРАНИНГ ЗАИФ ТОМОНЛАРИ</b>	<b>30</b>
Кимсанинг нозик жойини топиш	30
Диктатураларнинг заиф томонлари	31
Диктатуранинг заиф томонларига ҳужум қилиш	33
<b>5- БОБ. МАВЖУД ҲОКИМИЯТ</b>	<b>33</b>
Нозўравон кураш олиб бормоқ	34
Куч ишлатилмайдиган қурол ва тартиб-интизом	35
Ошкоралик, махфийлик ва юқори стандартлар	38
Кучлар нисбатини ўзгартириш	39
Ўзгаришларнинг тўртта механизми	39
Сиёсий бўйсунмасликни демократлаштириш самараси	41
Нозўравон курашнинг мураккаблиги	42
<b>6- БОБ. СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ</b>	<b>43</b>
Амалий режалаштириш	43
Режалаштириш қийинчиликлари	44
Стратегик режалаштиришнинг тўртта муҳим атамаси	47
<b>7- БОБ. СТРАТЕГИЯНИ РЕЖАЛАШТИРИШ</b>	<b>49</b>
Воситаларни танлаш	51
Демократияни режалаштириш	51
Ташқи кўмак	52
Бош стратегияни ишлаб чиқиш	53
Кампания стратегиясини режалаштириш	55
Ҳамкорлик қилишни рад этиш ғоясини тарқатиш	58
Қатағон ва қарши чоралар	59
Стратегик режага содиқлик	59
<b>8- БОБ. СИЁСИЙ БЎЙСУНМАСЛИК АМАЛИЁТИ</b>	<b>59</b>
Танланадиган қаршилик кўрсатиш	60
Рамзий даъват	61
Жавобгарликни тақсимлаш	62

Мўлжални диктаторлар ҳокимиятига қаратиш	63
Стратегияни ўзгартириш	65
<b>9- БОБ. ДИКТАТУРАНИ ҚУЛАТИШ</b>	<b>65</b>
Озодликни кенгайтириш	67
Диктатурани қулатиш	69
Муваффақиятга масъулиятли муносабатда бўлиш	70
<b>10- БОБ. УЗОҚ МУДДАТЛИ ДЕМОКРАТИЯ ПОЙДЕВОРИ</b>	<b>71</b>
Янги диктатура таҳдиди	72
Тўнтаришларнинг олдини олиш	72
Конституцияни ишлаб чиқиш	73
Демократик муҳофаа сиёсати	74
Меҳнат билан эришилган масъулият	75
<b>БИРИНЧИ ИЛОВА. КУЧ ИШЛАТИЛМАЙДИГАН ҲАРАКАТЛАР УСЛУБЛАРИ</b>	<b>76</b>
<b>ИККИНЧИ ИЛОВА. МИННАДДОРЧИЛИКЛАР ВА ДИКТАТОРЛИКДАН ДЕМОКРАТИЯГА КИТОБИНИНГ ХИКОЯСИГА ТЕГИШЛИ МУЛОҲАЗА</b>	<b>85</b>
<b>УЧИНЧИ ИЛОВА. ТАРЖИМА ВА НАШР ҲАКИДА МУЛОҲАЗА КЕЛГУСИДА ЎҚИБ ЧИҚИШ УЧУН</b>	<b>87</b>

## Муқадимма

### Диктатурадан демократияга Озод этишнинг концептуал асослари

Мени диктатуранинг олдини қандай олиш ёки уни қандай йўқ қилиш мумкинлиги тўғрисидаги масалалар кўп йиллар давомида ташвишга солиб келди. Бундай қизиқишни қисман одамзод бу каби тузумлар томонидан эзилиши ёки қириб ташланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қатъий ишонч билан тушунтириш мумкин. Ишонч эса инсон ҳуқуқларига риоя қилиш муҳимлиги, диктатура хусусиятлари (Арасту ва тоталитаризм таҳлилчилари) ва диктатуралар тарихи (айниқса, фашистлар ва Сталин тузуми) тўғрисидаги мақолалар билан мустаҳкамланди.

Мен қатор йиллар мобайнида фашистлар бошқаруви даврида яшаган ва азоб-укубат чеккан, концентрацион, яъни махсус лагерларда бўлган кўплаб одамлар билан танишдим. Норвегияда фашистларга қарши жанг қилган ва тирик қолганлар билан танишдим, кимлар ҳалок бўлгани ҳақида билиб олдим.

Нацистлар чангалидан кутулиб қолган яхудийлар ҳамда уларни кутқаришга ёрдам берган одамлар билан гаплашдим.

Турли мамлакатларда коммунистик бошқарув давридаги террор ҳақидаги маълумотлар асосан адабиётдан ва маълум даражада шахсий манбалардан олинди. Менга ушбу тузумлар даҳшати диктатура истибдод ва эксплуатациядан кутқариш учун ўрнатилгани аён бўлгач, янада қўрқинчли туюлди.

Кейинги ўн йилда Панама, Польша, Чили, Тибет ва Бирма каби мамлакатларда замонавий диктатуранинг ҳақиқатда мавжуд эканлиги ушбу давлатлардан келган одамлар билан бўлиб ўтган учрашувлар туфайли янада яққол намоён бўлди. Хитойнинг коммунистик тажовузкорлигига қарши курашган Тибет аҳолиси, 1991 йилнинг августида эски тузум тарафдорлари тўнтаришини енгган россияликлар ва тинч йўл билан ҳарбий бошқарувга қайтишнинг олдини олган тайликлардан диктатуранинг асл башараси тўғрисида тез-тез маълумотлар олиб турдик.

Норвеги бошқаруви даврида Панамага, совет қатағони давом этган даврларда Вильнюсга, Пекиндаги байрамона озодлик намоёиши бўлиб ўтган ва ўша мудҳиш тунда пиёдаларнинг зирхланган машиналари илк бор киритилган Тяньаньминь майдони, шунингдек, Мейнерплау чангалзорларидаги «озод Бирма» демократик муҳолифат штабига борганимизда шафқатсизликларга қарши жўшқинлик ва ғазаб, мард эркак ва аёлларнинг қаҳрамонлигидан ҳайратланиш ҳисси янада кучайди.

Баъзида мен одамлар қурбон бўлган жойларни бориб, ўз кўзим билан кўрдим. Масалан, Вильнюсдаги телеминора ва қабристон, Ригада одамлар отиб ўлдирилган сайилгоҳ, Шимолий Италиядаги фашистлар қаршилиқ кўрсатиш ҳаракати аъзоларини отиб ташлаган Феррара маркази, Мейнерплаудаги бевақт ўлиб кетган одамлар жасади билан тўлган оддий қабр шундай жойлар сирасига киради. Ҳар қандай диктатура ўзидан кейин кўплаб қурбонлар ва вайронгарчилик қолдиришини ўйласанг, хафа бўлиб кетасан киши.

Бу борада ташвишланиш ва орттирилган тажриба золимона ҳукмронликнинг бошланишининг олдини олиш, диктатурага қарши оммавий қирғин-баротларсиз муваффақиятли курашиш, диктатурани енгиш ва янги истибдод тузуми пайдо бўлишига йўл қўймаслик мумкинлиги ҳақида қатъий ишонч туғдиради.

Диктатурани кам йўқотишлар билан муваффақиятли ағдаришнинг самарали услубларини атрофлича ўйлаб топишга ҳаракат қилдик. Бунда диктатурани, қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари, инқилоблар, сиёсий ғоялар, ҳукумат тизимлари ва айниқса амалий нозўравон курашни кўп йиллик ўрганиш натижаларидан фойдаландик.

Бунинг натижасида ушбу нашр пайдо бўлди. Гарчи бу иш мукамал бўлмасда, кучли ва самарали озодлик ҳаракатини ташкил этиш ва режалаштириш ҳамда унинг янада самарали амалга оширилишида ёрдам бериши мумкин, деган фикрдамиз.

Бунда асосий эътибор заруратга қараб ва атайлаб диктатурани йўқ қилиш ва янгисининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик бўйича умумий муаммога қаратилмоқда. Муаллиф бирон-бир муайян мамлакатнинг ҳаракати учун таҳлил ва маслаҳатлар тавсия қилмоқчи эмас. Бироқ ушбу умумий таҳлил диктаторлик тузуми воқеликлари билан рўбарў турган кўплаб мамлакатлардаги одамлар учун фойдали бўлади, деб умид қиламиз. Улар ушбу таҳлилни ўз мамлакатларида юз бераётган вазиятга нисбатан қўлланиш даражасини ва ундаги асосий тавсиялар уларнинг озодлик курашида фойдали ҳисобланиши ёки фойда келтириши мумкинлигини баҳолаши лозим.

Ушбу ишнинг тайёрланишида иштирок этган кишиларга миннатдорлик билдирамиз. Муаллифнинг махсус ёрдамчиси Брюс Женкинс ушбу нашрнинг моҳияти ва тақдмоти муаммоларини аниқлаш, қийин жихатларни (айниқса стратегияга нисбатан) аниқ тасаввур этишга доир муҳим тавсиялари, таркибий тузилишини қайтадан тайёрлаш ва муҳаррир тузатишларини киртишдаги ёрдами билан катта ҳисса қўшди. Стивен Коудидан ҳам муҳаррарлик тузатишлари учун миннатдоримиз. Доктор Кристофер Круглер ва Роберт Хелви муҳим танқидий мулоҳазалар ва маслаҳатлар берди. Доктор Хейзел Макферсон ва Патриция Паркмен Африка ва Лотин Америкасидаги кураш хусусида ахборот тақдим этди. Ушбу ишда бошқаларнинг ёрдамидан фойдаланилган бўлсада, муаллиф ўтказилган таҳлил ва хулоса учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Таҳлил давомида диктатурага қарши кураш осон ва қурбонлар талаб қилинмайдиган иш экани қайд этилмаган. Ҳар қандай кураш шакли қийинчиликлар ва йўқотишларсиз бўлмайди. Табиийки, диктаторларга қаршилик кўрсатишда қурбонлар талаб этилади. Бироқ муаллифнинг мазкур таҳлил қаршилик кўрсатиш етакчилари учун ҳаракатнинг кучини оширадиган

ва йўқотишларнинг қиёсий даражасини камайтирадиган стратегияни ишлаб чиқишда кучли омил бўлишига ишончи комил.

Шунингдек, ушбу таҳлилни маълум бир диктатурани қулатиш билан бир қаторда қолган бошқа барча муаммоларнинг ҳам барҳам топишига ёрдам беради, деб тушунмаслик керак. Тузумнинг қулаши хаёлпарастликка олиб келмайди.

Аксинча, у ўта ҳаққоний ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ўрнатишда, адолатсизлик ва тазйиқ ўтказишнинг бошқа барча шакллари бартараф этиш борасида астойдил ишлаш ҳамда узок муддатли саъй-ҳаракатлар учун имкониятлар очиб беради. Муаллиф диктатурани ағдариш йўллари билан қисқача танишиш ҳалқ тазйиққа учраётган ва озодликка эришиш истаги кучли бўлган ҳамма жойда фойда келтиришига умид қилади.

**Жин Шарп**

**2008 йил 6 октябрь,**

**Альберт Эйнштейн номидаги институт Boston, Massachusetts**

**Жин Шарп**

### **1-боб. Диктатура тўғрисида реал тасаввур**

Кейинги ўн йилда кўпгина ички ҳамда ташқи диктаторлик тузумлари халқларнинг уюшган қаршилигининг босими остида қулади ёки заифлашди. Кўпинча чуқур илдиз отган ва мустаҳкамдай туюлган бундай тузумлар одамларнинг баҳамжиҳат сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий бўйсинмаслигига қаршилик кўрсата олмади.

1980 йилда Эстония, Латвия, Литва, Польша, Шарқий Германия, Чехословакия, Словения, Мадагаскар, Мали, Боливия ва Филиппинда халқларнинг асосан можароларсиз қаршиликлари туфайли диктаторлик тузумлари қулади. Непал, Замбия, Жанубий Корея, Чили, Аргентина, Гаити, Бразилия, Уругвай, Малави, Тайланд, Болгария, Венгрия, Заир, Нигерия ва собиқ совет иттифоқининг турли мамлакатларида (бундай ҳолат 1991 йил августда эски тузум тарафдорларининг тўнтариш қилишга уриниши устидан ғалаба қозонишда муҳим роль ўйнади) можароларсиз қаршиликлар демократияни янада яқинлаштирди.



Бундан ташқари сўнгги йилларда Чили, Бирма ва Тибетда ҳам одамларнинг оммавий сиёсий бўйсунмаслиги намоён бўла бошлади (1). Ваҳоланки, бундай кураш амалдаги диктатура ёки истилога чек қўя олмади, ушбу ҳолат қатағон тузумнинг шафқатсиз қиёфасини жаҳон ҳамжамиятига кўрсатди ва аҳолига унга қарши курашиш бўйича муҳим тажрибага эга бўлиш имконини берди.

(1) Ушбу матнда фойдаланилган “Сиёсий бўйсунмаслик” атамаси Роберт Хелви томонидан жорий этилган. “Сиёсий бўйсунмаслик” сиёсий мақсадларда қатъий ва фаол қўлланиладиган нозўравон кураш (норозилик, ҳамкорликни ва аралаштиришни рад этиш) ҳисобланади. Ушбу атама нозўравон курашнинг пацифизмга ва ахлоқий ёки диний “нозўравон”га тенглаштирилиши туфайли юзага келган чалкашлик ҳамда нотўғри тушунчага жавоб тариқасида пайдо бўлди. “Бўйсунмаслик” ҳукуматга итоат этмаслик йўли билан ва тобе бўлишдан бўйин товлаш орқали ошқора қарши чиқишни англатади. “Сиёсий бўйсунмаслик” ушбу (сиёсий) фолият ҳамда унинг мақсади (сиёсий ҳукмронлик) қўлланиладиган вазиятни тасвирлайди. Ушбу термин одатда, аҳолини диктатуранинг куч манбаларига мунтазам ҳужум қилиши ва шу йўлда стратегик режалаштириш ҳамда норозилик акцияларидан қасддан фойдаланиш орқали ҳукумат муассасаларини унинг назоратидан озод этиш мақсадидаги ҳаракатларини белгилашда ишлатилади. Мазкур ишда сиёсий бўйсунмаслик, нозўравон қаршилиқ ва нозўравон кураш атамаларидан бир хил маънода фойдаланилмоқда, зеро, охирги икки атама кенг тоифадаги мақсадлар (ижтимоий, сиёсий, психологик ва ҳоказо мақсадлар) учун курашга тааллуқлидир.

Юқорида зикр этилган мамлакатларда диктатуранинг ағдарилиши жамиятнинг шафқатсиз тузумдан мерос бўлиб қолган қашшоқлик, жиноятчилик, қоғозбозлик ва атроф-муҳитни вайрон қилиш каби бошқа муаммоларини ҳал қилмади. Бироқ бундай яқка ҳокимликнинг ағдарилиши зулм қурбонларининг азият чекишини камайтирди ва жамиятни янада кенг сиёсий демократия, шахсий эркинлик ҳамда ижтимоий одиллик асосида қайта қуришга йўл очиб берди.

### **Давом этаётган муаммо**

Утган ўн йил мобайнида дунёда демократлаштириш ва эркинликни кенгайтиришга интилиш пайдо бўлди. Сиёсий ҳуқуқлар ва фуқаролик

эркинликлари билан боғлиқ ҳолатнинг йиллик халқаро шарҳини тузадиган Фридом Хаус ташкилоти маълумотларига кўра, дунёнинг “озод” мамлакатлар рўйхатига киритилган давлатлари сони сўнгги ўн давомида анча кўпайган.

	Озод	Қисман озод	Озод бўлмаган
1983	55	76	64
1993	75	73	38
2003	89	55	48

Бироқ ушбу ижобий интилиш ҳанузгача золимона ҳукмронлик шароитида яшаётган халқларнинг кўпчилиги билан чекланган. 1993 йилнинг январь ҳолатига кўра, Ер шари аҳолисининг 5,45 миллиардининг 31 фоизи “озод бўлмаган”, яъни сиёсий ҳуқуқ ва фуқаролар эркинлиги ҳаддан ташқари чекланган мамлакатлар ва ҳудудларда истиқомат қилган (3). “Озод бўлмаган” давлатлар тоифасига киритилган 38 та мамлакат ва 12 та ҳудуд қатор ҳарбий диктатуралар (Бирма ва Суданда), анъанавий катагон монархияси (Саудия Арабистони ва Бутанда), ҳукмрон сиёсий партиялар (Хитой, Ироқ, Шимолий Кореяда), чет эллик истилочилар (Тибет ва Шарқий Тиморда) томонидан бошқарилмоқда ёки ўтиш даври босқичида турибди.

Айни пайтда кўпгина мамлакатлар тезкор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар ҳолатида турибди. Гарчи ўтган ўн йилда “озод” давлатлар сони кўпайган эса-да, кўпгина мамлакатларнинг бу каби тезкор улкан ўзгаришлар йўлида қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилиши ва диктатуранинг янги шакллари бошидан кечириб эҳтимоллиги юқориликча қолмоқда. Ҳарбий гуруҳлар, жиззакчи шахслар, сайланган арбоблар, шунингдек, ақидапараст партиялар доимо ўз эркини мажбуран ўтказишга интиломоқда. Давлат тўнтаришлари эса одат бўлиб қолади. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлардан кўплаб халқлар фойдалана олмайди.

Афсуски, ўтмиш биз билан бирга қолган. Диктатура муаммоси чуқур. Кўпгина мамлакатлар халқлари ўн йиллаб, балким юз йиллаб ички ёхуд ташқи зулмдан азият чекди. Кўпинча давлат шахслари ва ҳукмдорларига сўзсиз итоат этиш одат бўлиб қолган. Экстремал вазиятларда жамиятнинг ҳукуматга бўйсунмайдиган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳаттоки, диний институтлари атайлаб заифлаштирилган, тузумга бўйсундирилган ёки ҳаттоки гапга кирадиган янгилари билан алмаштирилган ва давлат ҳамда ҳукумат тепасида турган партиялар томонидан жамиятни бошқариш учун

фойдаланилган. Одамлар кўпинча бир-биридан ажратиб қўйилди, биргаликда озодликка эришиш, бир-бирига ишониш ёки ўз ташаббуси билан ҳаракат қилишга лаёқатсиз бўлиб қолди.

Бунинг натижасини эса олдиндан айтиш мумкин: аҳоли заифлашиб, ўзига бўлган ишончни йўқотмоқда ва қаршилик кўрсатишга ожиз бўлиб қолмоқда. Одамлар кўпинча диктатурага нисбатан нафратини ва эркинликка интилишини ҳаттоки, оила аъзолари ҳамда дўстларига ҳам айтишдан жуда қўрқиб қолган. Одамлар ошкора қаршилик кўрсатиш тўғрисида ўйлашдан ҳаддан ташқари чўчишади. Лекин бундан қандай наф бор? Бунинг ўрнига улар бухуда қийналмоқда ва келажакка умидсиз қарамоқда.

Замонавий диктатурада аҳвол аввалгидан ҳам ёмон бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Илгари одамлар қаршилик кўрсатишга ҳаракат қиларди. Қисқа оммавий норозиликлар ва намойишлар бўлиб турарди. Балким одамлар вақтинча ўз ҳис-туйғуларини ифода этарди. Бошқа пайтларда эса айрим шахслар ва кичик гуруҳлар бирон-бир принцип ёки ўзининг бўйсинмаслигини исбот қилган ҳолда, мард аммо умидсиз ҳаракатларни амалга оширарди. Бундай хатти-ҳаракатлар олижаноб сабабларга эга бўлсада, одамларнинг кўркувини ва итоат этиш одатини енгиш учун етарли эмасди. Бу эса диктатуранинг ағдаришнинг муҳим талаби ҳисобланади. Афсуски, бундай ҳаракатлар ғалаба қозониш ёки умидларни рўёбга чиқариш ўрнига азоб-уқубатлар ва қурбонлар сонини кўпайтирди, холос.

## **Озодликка зўравонлик орқали эришиш**

Бундай вазиятларда нима қилиш керак? Бу борадаги аниқ имкониятлар фойдасиздек туюлади. Негаки, конституциявий ва қонуний тўсиқлар, суд қарорлари ва жамоатчилик фикрини одатда диктаторлар менсимайди. Одамлар шафқатсизлик, қийноқлар, йўқолиб қолишлар ва қотилликларга жавоб тариқасида диктатурага қарши фақат куч қўллаш орқали курашиш мумкин, деган хулосага келишлари тушунарли. Баъзида ғазабланган қурбонлар барча имкониятлар ўзларига қарши бўлишига қарамай, куч ишлатиш ёки урушнинг мавжуд ҳар қандай воситаси ёрдамида ушбу иллатга қарши курашиш учун бирлашди. Бундай одамлар кўпинча катта азоб-уқубатлар чекиб ва жонини фидо қилиб, мардонавор курашди. Баъзида улар муайян натижаларни қўлга киритсада, камдан-кам ҳолларда озодликка

эришган. Шиддатли кўзғолонлар шафқатсиз қатағонга сабаб бўлиб, бу одамларни аввалгидан ҳам ночор аҳволга солиб кўяди.

Зўравонлик услубларининг афзаллиги қандай бўлишидан қатъи назар шу нарса аниқки, бундай одамлар зўравонлик воситасига таянган ҳолда, золимлар деярли ҳар доим устунлик қилиб келган кураш турини танлайди. Диктаторлар куч ишлатишга аъло даражада қуроллантирилган. Демократиянинг бундай тарафдорлари хатти-ҳаракатларининг давомийлигидан қатъи назар шафқатсиз ҳарбий воқелик охир-оқибат юз бериши муқаррар. Диктаторлар деярли ҳар доим ҳарбий техника, қурол-аслаҳа, транспорт ва қуролли кучларга эгалиги туфайли устун бўлиб келган. Демократлар қанчалик мард бўлмасин (деярли ҳар доим) уларга қарши тура олмаган.

Мабодо оддий қуролли кўзғолон амалга ошмайди деб эътироф этилса, айрим муртадлар партизанлар урушини бошлашга кўшилади. Бироқ партизанлар уруши зулмдан азоб чеккан аҳолига камдан-кам ҳолларда фойда келтиради ёки ҳеч қандай фойда келтирмайди ҳамда демократияни таъминламайди. Партизанлар ҳаракати айниқса ўз халқи орасида йўқотишлар катта бўлган ҳолларда аниқ ечим бўла олмайди. Бундай ёндошув тегишли назария ва стратегик таҳлил мавжудлигига, баъзида эса халқаро ёрдам берилишига қарамай, мағлубиятдан сақлаб қололмайди. Партизанлар уруши одатда узок вақтга чўзилади. Бунда кўпинча ҳукумат тепасида турган доиралар аҳолини катта қийинчиликлар ва ижтимоий вайронгарчиликлар эвазига бошқа жойга кўчиради.

Партизанлар кураши ғалаба қозонган ҳолда ҳам, кўпинча муайян ва узок вақт салбий структуравий оқибатларга олиб келади. Ҳужум қилинаётган тузум кўриляётган қарши ҳаракат чоралари оқибатида зудлик билан янада кучаяди. Агарда партизанлар ғалаба қозонадиган бўлса, янги тузумда кучайган қуролли кучларнинг марказлашган таъсири, кураш давомида жамиятнинг мустақил гуруҳлари ва институтлари, органларнинг заифлашуви ёки уларга путур етиши натижасида кўпинча олдингисига қараганда якка ҳокимлик янада авжига чиқади. Зеро, жамиятнинг ушбу бўғинлари демократик жамиятни куриш ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида жуда зарур ҳисобланади. Диктатура душманлари бундай вазиятда бошқа имкониятларни кўриб чиқиши лозим бўлади.

## Тўнтаришлар, сайловлар, чет эллик қутқарувчилар

Диктатурага қарши ҳарбий тўнтариш қабиҳ тузумни йўқ қилишнинг анча енгил ва тез услуби бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ бундай услубнинг жиддий камчиликлари бор. Энг муҳими ушбу кураш тури ҳам ҳукумат ҳамда қуролли кучлар устидан назорат ҳукмронлигини аҳоли ва намоёндалар ўртасида аввалги тузумда бўлганидек, адолатсиз тақсимлайди. Ҳукумат тепасида турувчи баъзи шахс ва тўдаларнинг йўқ қилиниши бошқа гуруҳга уларнинг ўрнини эгаллаш имконини беради. Назарий жиҳатдан бундай гуруҳ чекланган демократик ислохотлар учун чидамлироқ ва очиқ бўлиши мумкин. Аммо бунинг акси бўлиши эҳтимолчилиги катта.

Янги тўда ўз ўрнини мустақамлаб олгач, аввалгисига нисбатан янада шафқатсиз ва шуҳрапараст бўлиши мумкин. Албатта, барча умид боғлаган янги тўда демократия ва инсон ҳуқуқлари тўғрисида ташвиш чекмасдан ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишга қодир. Бу диктатура муаммосини ҳал қилишнинг маъқул йўли ҳисобланмайди.

Диктатурада сайловлар муайян сиёсий ўзгаришлар воситаси сифатида кераксиз ҳисобланади. Масалан, Совет Иттифоқи ҳукмронлиги остидаги Шарқий блок мамлакатларида айрим диктаторлик тузумлари ҳалқпарварлик таассуротини ҳосил қилиш учун номзодлар кўрсатишга рухсат берган. Бироқ бундай сайловлар ҳалқнинг диктаторлар томонидан танланган номзодларни маъқуллашини таъминлайдиган референдум томонидан қатъий назорат қилинарди, холос. Диктаторлар кучли тазйиқ остида янги сайловларга рози бўлиши мумкин. Бироқ бу борада улар ҳийла ишлатиб, ҳукумат хоналарига ўз найрангига ўйнайдиган кўғирчоқларни ўтқазиб қўяди. Агарда муҳолифат томонидан кўрсатилган номзодлар, 1990 йил Бирма ва 1993 йил Нигерияда бўлгани каби, сайловларда иштирок этиш имконига эга бўлса, натижалар эътиборга олинмайди, “ғолиблар” кўрқитилиши, ҳибсга олиниши ва ҳаттоки, ўлдирилиши мумкин. Ваҳолонки, диктаторлар ҳокимиятни уларни ўз тахтидан ағдариб ташлайдиган сайловларга рухсат бериш учун эгалламайди.

Айни пайтда шафқатсиз диктатурадан қийналаётган ёки жазодан қочиш учун сургун қилинган кўпгина жабрланган одамлар мустақил озодликка эриша

олишига ишонмайди. Уларнинг фикрича, халқини бошқаларнинг ёрдами билан қутқариш мумкин. Бундай одамлар ташқи кучларга умид қилади. Улар диктаторни қулатишга фақат халқаро кучлар ёрдам бериши мумкин, деб ҳисоблайди.

Жабрланганлар самарали ҳаракат қилишга қодир эмаслиги ҳақидаги фикр муайян давр учунгина тўғри бўлиши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, жабрланган халқ кўпинча курашни хоҳламайди ва вақтинчалик унга қодир ҳисобланмайди. Чунки шафқатсиз диктатурага қарши туришда ўз кучига ишонмайди ва ундан қутилиш йўлини билмайди. Шу сабабли аксарият одамлар бу борада бошқалардан умид қилаши тушунарли. “Жамоатчилик фикри”, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, маълум бир давлат ёки халқаро иқтисодий ва сиёсий санкциялар ана шундай ташқи куч бўлиши мумкин.

Бундай сценарий қулай кўриниши мумкин, лекин ташқи қутқарувчига умид қилиш жиддий муаммоларни ҳам юзага келтиради. Бундай умид мутлақо бухуда бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Одатда хорижий қутқарувчи ёрдамга келмайди, чет эл давлати аралашганда ҳам унга ишониб бўлмайди.

Бу борада хорижий аралашувга ишониш билан боғлиқ бир қанча ноҳуш жиҳатларни қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқдир:

- Хорижий давлатлар кўпинча ўз иқтисодий ёки сиёсий манфаатларини таъминлаш мақсадида диктатурага тоқат қилади ёхуд бевосита ёрдам беради.
- Хорижий давлатлар бошқа мақсадга эришиш учун жабрланган халққа хоинлик қилишига унга озод бўлишда ёрдам бериш бўйича ўз сўзида турмаслиги мумкин.
- Айрим хорижий давлатлар мамлакатни иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий томондан назорат қилиш мақсадида диктатурага қарши чоралар кўриши мумкин.
- Хорижий давлатлар фақат ички қаршилик ҳаракати диктатурага халқаро ҳамжамият эътиборини жалб этган ҳолда, ушбу шафқатсиз

тузумни жойидан қимирлатишни бошлагандан кейингина ижобий мақсадларда фаол аралашishi мумкин.

Диктатура асосан ҳокимиятнинг мамлакат ичида тақсимланиши оқибатида пайдо бўлади. Аҳоли ва жамият диктатурага қарши жиддий муаммолар яратиш учун ожизлик қилади. Негаки бойлик ва ҳокимият унчалик кўп бўлмаган одамлар кўлида бўлади. Гарчи диктатура халқаро ҳамжамият хатти-ҳаракатидан самарали фойдалангани ёки заифлашгани билан уни давом этиши ички омилларга боғлиқдир.

Бироқ халқаро ҳамжамият тазйиқи жуда фойдали бўлиши ва шу тариқа мамлакат ичида кучли қаршилик ҳаракатини қўллаб-қувватлаши мумкин. Масалан, бундай ҳолатда халқаро алоқани узиш, эмбарго эълон қилиш, дипломатик муносабатларни узиш, халқаро ташкилотлар таркибидан чиқариш, БМТ органлари томонидан қоралаш ва ҳоказолар катта ёрдам бериши мумкин. Шунда эса-да, кучли ички қаршилик ҳаракати бўлмаса, бундай чораларнинг кўрилиши даргумон.

### **Аччиқ ҳақиқатга дуч келиш**

Хулоса чиқариш осон эмас. Кам талофат кўриб, диктатурани самарали ағдариш биринчи навбатда тўртта вазифани амалга оширишни талаб қилади:

- Жабрланган аҳолининг қатъиятини, ўзига ишончини ва қаршилик кўрсатиш кўникмаларини мустаҳкамлаш даркор;
- Мазлум аҳолининг мустақил ижтимоий гуруҳлари ва институтларини мустаҳкамлаш зарур;
- Қудратли ичкиқаршилик кучини ташкил этиш лозим;
- Озод этишнинг катта оқилона стратегик режасини ишлаб чиқиш ва уни ҳаётга моҳирона тадбиқ этиш керак.

Озодлик учун кураш ўзига ишониш ва мамлакат ичида курашувчилар гуруҳини мустаҳкамлашни талаб этади. Чарльз Стьюард Парнелл 1879-1880

йилларда Ирландиянинг ўз тақдирини ўзи белгилаш кампаниясида даъват қилганидек: “Ҳукуматга ишонишдан маъно йўқ...Биз ўз ишончимизга таянишимиз даркор... Биргаликда саъй-ҳаракатларингиз билан ўзингизга ёрдам беринг... ожизларнинг куч-қудратини оширинг... жипслашинг, уюшқоқлик билан ҳаракат қилинг... ва сиз ғалаба қозонасиз.

Сизнинг саъй-ҳаракатларингиз билан муаммо ҳал қилиш учун пишгандагина, ҳа, фақат шундагина у ўз ечимини топиши мумкин”. (Патрик Сарсфилд О`Герарти, Ирландиянинг иттифоқдаги тарихи, 1880-1922. Лондон: Метуэн, 1952, 490-491-бетлар).

Оқилона стратегия, интизомли ва қатъий ҳаракат ҳамда реал куч-қудрат мавжуд бўлганда диктатура муҳолифатнинг мустақил кучи олдида охири-оқибат қулайди. Бироқ бунинг учун камида юқорида қайд этилган тўртта талабни бажариш лозим.

Юқорида келтирилганидек, пировард натижада диктатурадан халос бўлиш халқнинг ўз кучи билан озод бўлиш қобилиятига боғлиқ. Муваффақиятли сиёсий бўйинмаслик, яъни сиёсий мақсадлар учун зўравонликларсиз курашиш мисоллари шуни кўрсатадики, аҳолининг ўз кучи билан озод бўлишга эришиш услублари мавжуд, бироқ бундай услублар тегишли равишда ишлаб чиқилмаган. Бу услубларни келгуси бобларда батафсил кўриб чиқамиз. Аммо дастлаб диктатурани заифлаштириш воситаси сифатида музокаралар масаласини кўриб чиқамиз.

## **2-боб. Музокаралар хавфлилиги**

Айрим одамлар диктатурага қарши курашишнинг кескин муаммолари олдида (1-бобда баён этилган) пассив тобе бўлиш ҳолатига тушиб қолади. Бошқалар эса демократияга эришиш ишончини йўқотган ҳолда, ижобий элементларни сақлаб қолиш ва шафқатсизликларга чек қўйиш илинжида уларнинг назарида гўёки, абадий бўлиб қоладиган диктатура билан “ярашиш”, “муросага келиш” ва “музокаралар” орқали келишиб олиш зарур, деган хулосага келиши мумкин. Бир қарашда аниқ йўлни танлаш имкони бўлмаганда бундай ёндошув ўзига жалб қиладигандек кўринади.



Шафқатсиз диктатурага қарши жиддий кураш ёмон натижаларга олиб келиши мумкин. Нима учун айнан ушбу йўлни танлаш керак? Наҳотки, ўзини ақлли тутиш ва музокаралар учун йўл излаш, диктатурани аста-секин тугатиш имкониятларини топиш мумкин эмас? Наҳотки, демократлар диктаторларни инсонийликка даъват этиб, уларни ўзининг мутлақ ҳукмронлигини босқичма-босқич қисқартиришга ишонтиролмайдими ва балким, алал-оқибат демократик ҳукуматни ўрнатиш имконини беришга чақири олмайди?

Баъзида ҳақиқат ҳар доим ҳам бир томонда бўлмайди, дейишади. Эҳтимол, демократлар қийин вазиятларда яхши ниятлар билан ҳаракат қилган диктаторларни тушунмаётгандир? Бошқалар эса, диктаторлар мамлакатнинг бошига тушган қийин вазият юзага келганда агарда диктаторлар рағбатлантириб кўндирилса, уларнинг ўзи тахтдан воз кечади, деб ҳисоблайди. Шунингдек, ҳамма томон ўйинда иштирок этса, диктаторлар “дуранг”га рози бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас, дейиш мумкин. Бундан ташқари, агар демократик муҳолифат зиддиятни тинч музокаралар йўли билан (балким тажрибали шахслар ёки бошқа мамлакатлар ҳукуматлари воситачилигида) ҳал қилишга тайёр бўлса, бундан кейин келгуси курашда таваккал қилиш ва жабр кўриш зарурати бўлмаслиги ҳақида ҳам гапириш мумкин. Бундай ҳолат зўравонликларсиз ва ҳарбий ҳаракатларсиз ҳам олиб борилаётган қийин курашга нисбатан афзал эмасми?

### **Музокаралар афзаллиги ва камчиликлари**

Музокаралар қарама-қаршиликларда муайян турдаги муаммоларни ҳал қилишда жуда фойдали восита ҳисобланади. Уларни агарда ўринли бўлса, менсимаслик ёки рад этиб бўлмайди.

Жиддий аҳамиятга эга бўлмаган масалалар ҳал қилинаётган айрим ҳолларда музокаралар зиддиятни ҳал қилишнинг муҳим услубига айланиши мумкин. Ишчиларнинг меҳнат ҳақини ошириш бўйича иш ташлаши қарама-қаршиликларда музокара ролининг катта аҳамиятга эга эканига яхши мисол бўла олади: эришилган келишув маошни даставвал, келишган томонларнинг ҳар бири таклиф этган миқдор оралиғидаги ўртача суммагача оширилишига олиб келиши мумкин. Бироқ расмий касаба уюшмалар иштирокидаги меҳнат зиддиятлари шафқатсиз диктатуранинг давом этиши ёки сиёсий эркинликни

ўрнатиш муаммолари ҳал қилинадиган қарама-қаршиликлардан мутлақо фарқ қилади.

Дин тамойилларига, инсон ҳуқуқлари ёки жамиятни келажакда ривожлантириш муаммоларига тааллуқли жиддий хусусиятга эга масалалар кўтарилганда, музокаралар муаммони ўзаро маъқул тарзда ҳал қилиш услуби ҳисобланмайди. Айрим жиддий масалалар бўйича муроСага келиб бўлмайди. Фақат ҳокимиятни демократлар фойдасига тақсимлашдаги ўзгартишлар ушбу масаланинг бир хил ҳал қилинишини таъминлайди. Бундай ўзгартишларга музокараларда эмас, фақат курашда эришиш мумкин. Бу музокараларга ҳеч қачон таянмасликни англатмайди. Гап шундаки, музокаралар қудратли демократик муҳолифат бўлмаганда кучли диктатурани йўқ қилишнинг амалий услуби ҳисобланмайди.

Албатта, музокара ўтказиш имконияти юзага келмаслиги ҳам мумкин. Мустақкам ўрнашиб олган ва ўзига ишонган диктаторлар демократик муҳолифатлар билан музокара олиб боришдан бош тортиши мумкин. Ёки музокаралар бошлангандан сўнг демократия тарафдорлари изсиз йўқолиши мумкин.

### **Музокаралар чоғида ўринларни топшириш**

Диктатурага қарши муҳолифат таркибидаги ва музокаралар олиб бориш тарафдори бўлган айрим шахслар ҳамда гуруҳлар кўпинча хайрли мақсадларга эга бўлади. Айниқса, шафқатсиз тузум билан қуролли тўқнашувлар ҳал қилувчи ғалаба қўлга киритилмай йиллаб давом этганда, ҳар қандай сиёсий йўналишдаги одамлар тинчликни хоҳлаётгани ўз-ўзидан аён бўлади. Диктаторлар ҳарбий устунликка эга бўлиб, ўз халқи орасида қурбонлар сони кўпайганда ва чидаб бўлмас даражада вайронгарчиликлар содир этилганда музокаралар демократлар учун жуда керак бўлади. Бундай вазиятда демократларда ўзларининг айрим мақсадларига эришиш ва зўравонлик ҳамда унга куч ишлаштиш йўли билан қарши чоралар кўришга нуқта қўйишда ёрдам берадиган ҳар қандай бошқа имкониятлардан фойдаланиш кераклиги тўғрисидаги фикрлар пайдо бўлади.

Диктатура томонидан демократик муҳолифат билан музокаралар ўтказиш орқали “тинчлик” ўрнатиш бўйича билдирилган таклифлар табиийки,

носамимий ҳисобланмайди. Диктаторлар ўз халқига қарши урушни тўхтатсагина, зўравонликни истаган пайтида ўзлари тугатиши мумкин. Улар ҳеч қандай музокараларсиз ва ўз ташаббуси билан инсон ҳурмати, қадр-қиммати ва ҳуқуқларини қайта тиклаши, сиёсий маҳбусларни озод этиши, қийноқларга чек қўйиши, ҳарбий операцияларни тўхтатиши, ҳукумат таркибидан чиқиб, халқдан кечирим сўраши мумкин.

Якка ҳокимлик кучли бўлиб, жаҳлни чиқарадиган қаршиликлар мавжуд бўлганда диктаторлар мухолифатни “тинчлик” тузиш баҳонасида таслим бўлишга мажбурлаш учун улар билан музокара ўтказишга қарор қилиши мумкин. Музокараларга чақириш жозибадор кўриниши мумкин, лекин музокаралар чоғида жиддий хавфлар ҳам туғилиши мумкин.

Иккинчи томондан, агар мухолифат жуда кучли бўлса ва диктатура учун ҳақиқий хавф туғдирса, диктаторлар ҳокимият ва бойликнинг катта қисмини иложи борича ўз қўлида сақлаб қолиш мақсадида музокара ўтказишни таклиф этиши мумкин. Демократлар ушбу ҳар икки ҳолатда ҳам диктаторларга ўз мақсадларига эришишида ёрдам бермасликлари лозим.

Демократлар музокаралар чоғида диктаторлар томонидан қўйилган тузоқдан эҳтиёт бўлишлари керак. Гап сиёсий эркинлик масаласи ҳақида борганда диктаторларнинг музокара ўтказишдан кўзлаган мақсади демократларни ўз ўрнини тинч йўл билан бўшатиб беришга мажбурлаш ва зўравонликни ўз томонида сақлаб қолишга уриниши бўлиши ҳам мумкин. Музокаралар бундай қарама-қаршиликлардаги ҳал қилувчи кураш охирида асосий роль ўйнаши мумкин. Бу курашда диктаторлар ҳокимияти йўқ қилинган, улар мамлакатдан қочиб кетишга йўл излайди.

## **Музокараларда ҳокимият ва одиллик масалалари**

Агар ушбу тезис музокаралар мавзусини муҳокама қилиш учун ниҳоятда кескин туюлса, бу ҳақидаги хайёлий таассуротга чек қўйиш лозим. Бу борада музокаралар қай йўсинда ўтказилаётгани тўғрисида аниқ тушунча талаб этилади.

“Музокара” икки томон стол атрофида ўтириб, тенглик асосида улар ўртасидаги низони юзага келтирган зиддиятни муҳокама қилиш ва ҳал қилишни англамайди. Бунда икки жиҳатни эсдан чиқармаслик лозим. Биринчидан, музокаралар давомида эришилиши мумкин бўлган келишув моҳияти бир-бири билан таққослаб бўлмайдиган низоли қарашлар ва мақсадларнинг қиёсий адолатлилиги билан белгиланмайди. Иккинчидан, музокаралар давомида эришилиши мумкин бўлган келишув моҳияти кўпинча ҳар бир томоннинг мавжуд кучи билан аниқланади.

Бу борада бир қанча мураккаб масалаларни эътиборга олиш лозим. Иккинчи томон музокара столида келишишни хоҳламаса, томонларнинг ҳар бири ўз мақсадига эришиш учун нима қилиши мумкин? Битим тузилгандан сўнг иккинчи томон битим тузилганига қарамай ўз мақсадига эришиш учун сўзида турмасдан мавжуд кучлардан фойдаланса, томонларнинг ҳар бири қандай йўл тутади?

Муаммони музокара йўли билан ҳал қилиш муҳокама қилинаётган масалалар одиллигини баҳолаш орқали эришилмайди. Гарчи бу қизгин муҳокамалар воситаси бўлиб хизмат қилсада, музокараларнинг аниқ натижалари томонларнинг ушбу жараёндаги мутлақ ва қиёсий кучини баҳолаш туфайли пайдо бўлади. Демократлар ўзларининг энг кам талаблари рад этилмаслиги учун нима қилиши мумкин? Диктаторлар ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш ва демократларни йўқ қилиш учун қандай ишларни амалга ошириши мумкин? Бошқача айтганда, битим томонларнинг ҳар бири ўз имкониятини қарши томон имкониятлари билан таққослашва ошқора кураш нималарга олиб келиши мумкин деган фикрлашлар натижасида тузилади.

Шу билан бирга, томонларнинг ҳар бири келишувга эришиш учун нималардан воз кечишига ҳам эътибор қаратиш лозим. Муваффақиятли музокараларда бир-бирига ён бериш, ўзаро розилик мавжуд бўлади. Томонларнинг ҳар бири талабларининг бир қисмидан воз кечиш, ўз мақсадининг бир қисмига эга бўлади.

Демократик кайфиятдаги кучлар экстремал якка ҳокимлик вазиятларида диктаторларга нималарни бериши мумкин? Демократик кайфиятдаги кучлар диктаторларни қандай мақсадлар билан кўндириши мумкин? Демократлар диктаторларга бўлғуси ҳукуматдаги конституция билан мустаҳкамланган

барқарор ўрнини бўшатиб бериши керакми? Бунда демократиянинг моҳияти нимадан иборат?

Музокаралар муваффақиятли ўтаётгани тахмин қилинсада, бундан кейин ҳаёт қандай бўлади, деган савол туғилади? Ҳаёт демократлар курашни бошлаганда ёки давом эттиргандаги ҳолатга қараганда яхши бўладими ёхуд ёмон?

### **“Кўнгилчан” диктаторлар**

Диктаторлар ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун турли сабаб ва мақсадларни кўзлайди: ҳокимият, амал, бойлик, жамиятни қайта қуриш ва ҳоказо. Улар ўзининг ҳукмронлигидан айриладиган бўлса, бу мақсадларнинг бирортаси ҳам амалга ошмаслигини эсдан чиқармаслик лозим. Модомики, музокаралар ўтказиладиган бўлса, диктаторлар ўз мақсадларини сақлаб қолишга интилади.

Диктаторлар битим доирасида демократик муҳолифат томонидан ён берилишига эришиш мақсадида хоҳлаган ваъдасини беришини ва сўнгра бу битимни қуполлик билан бузишини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим.

Агар демократлар қатағонни тугатишга жавоб тариқасида қаршилиқни тўхтатишга розилиқ берадиган бўлса, уларнинг хафсаласи пир бўлиши мумкин. Қаршилиқнинг тўхтатилиши камдан-кам ҳолларда қатағоннинг камайишига олиб келади. Диктаторлар ички ва халқаро муҳолифат таъсири батараф этилгач, аввалгидан ҳам шафқатсиз жабр-зулм қилиши мумкин. Халқ қаршилигининг инқирозга юз тутиши кўпинча диктаторлик ҳокимияти ва шафқатсизлигини чегаралаб турадиган бараварлаштирувчи кучнинг йўққа чиқишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда мустабид ҳокимлар хоҳлаган ишини қилиши мумкин. “Бизга золимга қаршилиқ кўрсатиш учун етмаётган куч қанча бўлса, унинг ҳокимияти ҳам шунчалик кучга эга”, – деб ёзган эди Кришналар Шридхарани (5).

Низода вазиятни ўзгартириш учун жиддий муаммолар бўйича масала юзага келганда музокаралар эмас, балки қаршилиқ кўрсатиш муҳимдир. Деярли барча ҳолларда диктаторларни ҳокимиятдан маҳрум этиш учун қаршилиқ кўрсатиш давом этиши даркор. Кўпчилик ҳолатларда муваффақият битим

тўғрисидаги музокаралар билан эмас, балки қаршилик кўрсатишнинг барча энг қулай ва кучли воситаларидан етарли даражада фойдаланиш орқали белгиланади. Бизнингча, озодлик курашчилари учун мавжуд энг кучли восита – бу куйида батафсил қайд этилганидек, сиёсий бўйсунмаслик ёки жанжалларсиз кураш ҳисобланади.

### **Сулҳнинг қандай тури?**

Диктаторлар ва демократлар сулҳ тўғрисида музокара олиб борадиган бўлса, бу қандай хавfli оқибатларга олиб келиши мумкинлигини жуда чуқур ўйлаб кўриш лозим. “Тинчлик” сўзини ишлатаётганларнинг ҳаммаси ҳам озодлик ва одилликни кўзда тутувчи тинчликка эришаётгани йўқ. Шафқатсиз истибдодга тобе бўлиш ва минглаб одамларга йиртқичларча муносабатда бўлган диктаторларга ён бериш ҳақиқий тинчлик ҳисобланмайди. Гитлер бир неча марта тинчликка даъват қилган эди. Лекин у буни ўз измига бўйсиндириш деб тушунган. Диктаторлар учун тинчлик кўпинча қамоқхона ёки қабр тинчлигидан бўлак ҳеч нарса ни англамайди.

Бу борада бошқа хавflлар ҳам мавжуд. Музокараларда баъзида хайрли ниятларни музокаралар мақсади ёки уни ўтказиш жараёни билан чалкаштиришади. Бундан ташқари музокараларнинг демократик иштирокчилари ёки бу борада музокаралар бўйича ёрдам бериш учун таклиф этилган хорижий экспертлар диктаторларни бир зумда давлат ҳокимиятини эгаллаб олгани, инсон ҳуқуқларини бузгани ва шафқатсизлиги туфайли рад этиб келинган маҳаллий ва халқаро даражадаги қонунийлик билан таъминлаши мумкин. Чунки диктаторлар қонуний мақомсиз ҳукуматни узок вақт бошқара олмайди. Тинчлик тарафдорлари эса уларга бундай мақомни бермасликлари лозим.

### **Умид манбалари**

Юқорида қайд этилганидек, мухолифат етакчилари демократия учун курашдан умид йўқлиги туфайли музокараларга киришишга мажбур бўлиши мумкин. Бироқ бу вазиятни ўзгартириш ҳам мумкин. Диктатура абадий эмас. Диктатура зулми остида яшаётган одамлар заифлашиб қолмайди. Диктаторларга ҳокимият тепасида абадий қолишга йўл қўймаслик керак. “Олигархия ва золимона ҳукмронликнинг умри бошқа давлат тузумига

қараганда анча қисқа.. Золимона ҳукмронлик ҳеч қаерда узоқ вақт мавжуд бўлмаган”, деган эди Арасту. Замонавий диктатурлар ҳам жуда нозик. Уларнинг заифлигини оғирлаштириб, шу тариқа диктаторларнинг ҳокимиятига путур етказиш мумкин. (Бундай ожизлик 4-бобда батафсил кўриб чиқилган).

Замонавий тарих диктураларнинг заифлигини аниқламоқда ва улар қисқа вақт ичида қулаши мумкинлигини кўрсатмоқда. Польшада коммунистик диктурани ағдариш учун ўн йил (1980-1990 йиллар) талаб этилган бўлса, 1989 йил Шарқий Германияда ва Чехословакияда бу тузум санокли ҳафталар ичида тугатилди. 1944 йилда Сальвадор ва Гватемалада мустаҳкам ўрнашиб олган шафқатсиз ҳарбий диктаторларни қулатиш учун тахминан икки ҳафта кураш олиб борилди. Эрон шоҳининг ҳарбийлаштирилган қудратли тузumi бир неча ой ичида ағдарилди. 1986 йилда Филиппин диктатори Маркос халқ ҳокимияти томонидан бир неча ҳафтада тахтдан ағдарилди. АҚШ ҳукумати эса президент Маркосни мухолифат кучи аён бўлганидан сўнг қўллаб-қувватламай қўйди. 1991 йилнинг августида Совет Иттифоқида эски тузум тарафдорлари томонидан сиёсий бўйсинмаслик ёрдамида уюштирилган тўнтариш бир неча кун ичида бартараф этилди. Натижада узоқ йиллар мобайнида унинг ҳукмронлиги остида бўлган кўп халқлар кунлар, ҳафталар ва ойлар ичида ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Куч ишлатилмайдиган воситалар муайян вақт талаб этадиган бир пайтда, куч ишлатиладиган ҳаракатлар ҳар доим тез иш бериши ҳақидаги эски тушунча ноҳақлиги аниқ бўлиб қолди. Гарчи, чуқурлашиб кетган вазиятни ва жамиятни ўзгартириш учун кўп вақт талаб этилсада, диктатурага қарши куч ишлатилмайдиган услублар ёрдамида курашиш баъзида жуда тез кечиши мумкин.

Музокаралар бир томондан, давомли қирғин-барот урушининг, иккинчи томондан капитуляциянинг ягона муқобили ҳисобланмайди. Бу ерда, шунингдек, 1-бобда келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики, тинчлик ва озодликка эришаётган учун яна бир имконият – сиёсий бўйсунмаслик мавжуд.

### **3-боб. Куч қаердан олинади?**

Ҳам озод ҳам тинч жамиятга эришиш албатта, оддий иш эмас. Бу борада катта стратегик қобилият, уюшқоқлик ва режалаштириш талаб этилади. Энг муҳими, у куч талаб қилади. Демократлар ўз кучидан самарали фойдаланиш қобилиятисиз диктатурани ағдариб ташлашга ва сиёсий озодликка эришишга умид қила олмайди.

Буни қандай амалга ошириш мумкин? Демократик муҳолифат диктатура ва унинг кенг қамровли ҳарбий ҳамда полиция тизимини ағдариб ташлаши учун қандай кучни сафарбар этиши мумкин? Бунинг жавоби кўпинча сиёсий кучни тушунишни эътиборга олмасликдан иборат. Унинг моҳиятини ўрганиш унчалик қийин эмас. Бу борадаги айрим асосий тушунчалар жуда осон.

### **“Маймунлар ҳукмдори” тўғрисида эртак**

Ўн тўртинчи асрда яшаган хитойлик оқин Лю Жининг масалида сиёсий ҳокимиятнинг эсдан чиқарилган тушунчаси жуда аниқ ифода этилган (7).

“Чу феодал давлатида хизматкор сифатида маймунларни ушлаб турган бир чол яшаган. Чу аҳолиси уни “Жу гонг” (маймунлар ҳукмдори) деб аташган.

Чол ҳар тонг маймунларни ўз ҳовлисида йиғиб, энг кекса маймунга қолганларни тоққа олиб чиқиш ва дарахт ва буталардан мева териб келишни буюрар экан. Қоидага кўра, ҳар бир маймун терган мевасининг ўндан бир бўлагини чолга бериши керак эди. Бу ишни қилмаганлар шафқатсиз калтакланарди. Ҳамма маймун қаттиқ азоб чексада, лекин шикоят қилишга ботинолмасди.

Бир куни кичкина маймунча қолганлардан сўради: “Бу дарахт ва буталарни чол экканми?” Қолганлар: “Йўқ, уларнинг ўзи ўсган”, – дейишди. Шунда кичкина маймунча яна сўради: “Чиндан ҳам чолнинг рухсатисиз мева тера олмаймизми?” Қолганлар: “Тера оламиз”, – деб жавоб қайтарди. Кичкина маймунча яна давом этибди: “Унда нима учун биз чолга бўйсунимиз керак, нима учун унга хизмат қилишимиз керак?”



Кичкина маймунча гапани тугатмасдан барча маймун унинг сўзларини тушунди ва жонланди.

Маймунлар ўша кеча чолнинг ухлаб қолганини кўриб, уларни ушлаб турган тўсиқларни ва қозикдеворни бутунлай бузиб ташлади. Улар чол омборхонада сақлаётган меваларни ҳам олиб, ўрмонга кетди ва қайтиб келишмади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай чол очликдан оламдан ўтди”.

Ю-ли-зи шундай деган эди: “Баъзилар ўз халқини адолатли тамойиллар эмас, балки ҳийла-найранг билан бошқаради. Бу билан улар маймунлар ҳукмдорига ўхшамайдими? Улар ўзларининг аҳмоқлигидан шубҳаланмайди ҳам. Халқи эс-ҳушини йиғиштириб олиши билан уларнинг ҳийла-найранглари иш бермай кўяди”.

### **Сиёсий ҳокимиятнинг зарур манбалари**

Принцип мураккаб эмас. Диктаторлар ўзлари бошқараётган одамларнинг ёрдамига муҳтож. Негаки бу ёрдамсиз улар сиёсий ҳокимият манбаларини таъминлаш ва сақлашга қодир эмас. Сиёсий ҳокимиятнинг бундай манбалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Обрў, одамларнинг ҳокимият қонуний ҳисобланиши ва бу ҳокимиятга бўйсунуш уларнинг ахлоқий бурчи экани тўғрисидаги ишончи;
- Инсон ресурслари, ҳукмдорларга бўйсунадиган, ҳамкорлик қиладиган ёки ёрдам кўрсатадиган шахслар ҳамда гуруҳларнинг сони ва аҳамияти;
- Тузумга муайян ҳаракатларни амалга ошириш учун ва ҳамкорлик қилувчи шахслар ҳамда гуруҳлар томонидан тақдим этиладиган зарур қобилият ва билимлар;
- Номоддийомиллар, одамларни ҳукмдорларга итоат этиш ва ёрдам кўрсатишга мажбурлайдиган, руҳий ва мафкуравий омиллар;

- Моддий ресурслар, ҳукмдорларнинг бойликни назорат қилиш ёки улардан фойдаланиш даражаси, табиий, молиявий ресурслар, иқтисодий тизим, шунингдек, алоқа ва транспорт воситалари;
- Итоат қилмайдиган ёки ҳамкорлик қилишдан бўйин товлайдиганларни бўйсундириш ва ҳамкорлик қилишга мажбурлаш учун кўрқитиш мақсадида қўлланадиган, тузумнинг мавжуд бўлиши ҳамда сиёсатини юритиш учун керакли санкциялар ва жазолар;

Бироқ, ушбу манбалар аҳолининг мазкур тузумни қабул қилиши, унга бўйсунishi, кўплаб одамлар ва жамиятнинг аксарият институтларининг у билан ҳамкорлик қилишига боғлиқ. Буларнинг иштирокини эса кафолатлаб бўлмайди.

Тўлиқ ҳамкорлик қилиш, итоат этиш ва қўллаб-қувватлаш кучнинг зарур манбалари сонини кўпайтиради ва албатта, ҳар қандай ҳукуматнинг ҳокимлик имкониятларини кенгайтиради.

Иккинчи томондан, халқ ва институтларнинг тажовузкорлар ва диктаторлар билан ҳамкорлигининг қисқариши туфайли ҳукмдорлар учун зарур бўлган куч манбалари ҳам заифлашиши мумкин. Ҳукмдорлар ҳокимияти бундай манбаларсиз кучсизланиб, охир-оқибат йўққа чиқади.

Диктаторлар хоҳлаган ишини қилиш имкониятларига хавф туғдирувчи ҳаракат ва ғояларга ўта таъсирчанлиги табиийдир. Шу боис диктаторлар бўйсунмайдиган, иш ташлайдиган ва ҳамкорлик қилишдан бўйин товлайдиганларни кўрқитиш ва жазолашни афзал кўради. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Қатағон ва ҳаттоки, шафқатсизлик тузумга фаолият кўрсатиш имконини берадиган бўйсунishi ва ҳамкорлик қилишнинг керакли даражасига қайтишини ҳар доим ҳам таъминламайди.

Модомики, куч манбалари қатағон бўлишига қарамай заифлашса ёки узок вақтгача тўсиб қўйилса, ишончсизлик ва парокандалик диктатура учун бошланғич натижага айланади. Сўнгра диктатура ҳокимиятининг заифлашуви муқаррар. Вақт ўтиши билан куч манбаларининг йўққа чиқиши тузумни фалаж ёки ожиз қилиб қўйиши, жиддий вазиятларда эса, унинг барбод бўлишига олиб

келиши мумкин. Диктатура ҳокимияти сиёсий жиҳатдан ишдан чиқиши туфайли аста-секин ёки тезда барҳам топади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар қандай ҳукуматнинг эрксеварлиги ёки золимлиги даражаси, халқнинг озод бўлиб қолиш қатъияти ва уни озодликдан маҳрум этишга қарши курашиш истаги ва қобилиятининг ифодасидир.

Тарқалган фикрга қарши ўлароқ, ҳатто тоталитар диктатуралар ҳам ўзлари бошқараётган аҳоли ва жамиятга боғлиқ. 1953 йилда сиёсатшунос Карл В.Дойч таъкидлаганидек: “Тоталитар ҳокимият фақат уни ҳаддан зиёд кўп ишлатмагандагина кучли. Агар тоталитар ҳокимиятдан бутун аҳолига қарши мунтазам фойдаланишга тўғри келадиган бўлса, унинг узоқ вақт давомида кучли бўлиб қолиши даргумон. Чунки тоталитар тузумлар ўз фуқароларини бошқариш учун бошқа бошқарув шакллариغا нисбатан кўпроқ куч талаб қилади. Бундай тузумларга кўпроқодамларнинг оммалаштирилган ва мустаҳкам бўйсиниш одати зарур: бундан ташқари уларнинг зарурат юзага келганда аҳоли аксарият қисмининг фаол ёрдамига ҳам таянишига тўғри келади” (8).

Ўн тўққинзинчи асрда яшаган инглиз ҳуқуқ назариячиси Жон Остин умиди пучга чиққан аҳоли олдида диктатуранинг аҳволини тасвирлаб берган. Остин аҳолининг аксарияти ҳукуматни йўқ қилишга қатъияти етса ва бунинг учун жазога ҳам тайёр бўлса, у ҳолда манфур ҳукуматни, шу жумладан уни қўллаб-қувватловчиларни ҳукумат қудрати ҳаттоки, хорижий ёрдам ҳам қутқариб қололмаслигини таъкидлайди. Назариячининг фикрича, курашаётган халқни доимий итоакорликка қайтариб бўлмайди (9).

Бундан олдин эса Никколо Макиавелли: “бутун жамиятни ўз душмани деб билган ҳукмдор ўзини хавф-хатардан йироқ қила олмайди; шафқатсизлик кўлами қанчалик кенг бўлса, унинг тузуми ҳам шунчалик заифлашиб борваеради”, деган эди (10).

Норвегияда мард қаршилик курашчилари нацистлар истилосига қарши ва 1-бобда эслатиб ўтилган Польша, Германия, Чехословакиянинг ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг коммунистик тажовуз ва диктатурага қаршилик кўрсатган ҳамда алал-оқибат Европада коммунистик бошқарувнинг ағдарилишига ёрдам

берган жасур халқлари ушбу ҳолатларни амалда сиёсий қўллашни намоён этди. Бу албатта, янги воқеа эмас. Уруш-жанжалларсиз қаршилик кўрсатиш ҳоллари тахминан эрамиздан аввалги 494 йилдан буён маълум: ўшанда плебейлар (эркин, аммо юридик жиҳатдан ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган қуйи синфга мансуб кишилар) ўзларининг римлик зогадон хожаларини ёрдамдан маҳрум этган (11). Жанжалсиз кураш турли даврларда нафақат Европа, балки Осиё, Африка, Америка, Австралия ва Тинч океани ороллари халқлари томонидан ҳам қўлланган.

Шундай қилиб, ҳукумат ҳокимиятининг қанчалик назорат қилиниши ёки назоратсиз қолишини белгиловчи учта муҳим омил қуйидагиларни ўз ичига олади: (1) аҳолининг ҳукумат ҳокимияти чегарасини ўрнатишга нисбатан интилиши; (2) фуқароларнинг мустақил ташкилотлари ва институтларининг ҳокимият манбаларини биргаликда тўсиб қўйишининг қиёсий қобилияти; (3) аҳолининг розилик бериш ва қўллаб-қувватлашдан воз кечишининг нисбий қобилияти.

## **Демократик ҳокимият марказлари**

Давлатдан мустақил кўплаб нодавлат гуруҳлар ва институтларнинг мавжудлиги демократик жамият хусусиятларидан бири ҳисобланади. Масалан, оилалар, диний ташкилотлар, маданий уюшмалар, спорт клублари, иқтисодиёт институтлари, касба уюшмалари, талаблар уюшмаси, сиёсий партиялар, қишлоқлар, яшаш жойи бўйича ассоциациялар, боғбонлар тўғарақлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари, музика гуруҳлари, адабиёт жамиятлари ва ҳоказолар шу жумласидан. Бундай органлар ўз мақсадига интилиши, шунингдек, ижтимоий мақсадларга эришишда ўзларининг ёрдами билан жуда муҳимдир.

Бундан ташқари мазкур органлар катта сиёсий аҳамиятга ҳам эга. Улар гуруҳлар ва институционал асосни таъминлайди. Одамлар унинг ёрдамида жамиятни бошқаршига таъсир кўрсатиши, бошқа гуруҳлар ёки ҳукумат уларнинг манфаатларини ноҳақ камситиб, фаолият юритиши ёхуд ўз мақсадига эришишда тўсқинлик қилаётган бир пайтда уларга қаршилик кўрсатиши мумкин. Бундай гуруҳларнинг аъзоси бўлмаган айрим шахслар

одатда нафақат ҳукумат ёки диктутарага, балки жамиятнинг қолган қисмига ҳам катта таъсир кўрсата олмайди.

Албатта, бу каби органлар мухторияти ва эркинлиги диктатура томонидан тортиб олинса, аҳоли ночор аҳволга тушиб қолади. Бундан ташқари агар бундай институтлар марказий тузумнинг диктаторлик назорати остида бўлса ёки назорат остидаги янги ташкилотлар билан алмаштирилса, улардан жамиятнинг айрим шахслари ва қатламларига ҳукмронлик қилиш учун фойдаланилади.

Бироқ бундай мустақил фуқаролик институтларининг мухторияти ва эркинлиги сақлаб қолиш ёки қайтаришнинг иложи бўлса (ҳукумат назоратидан), улар сиёсий бўйсунмасликни қўллашда жуда муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли ва институтлар томонидан сиёсий бўйсунмасликни қатъият билан оммавий қўллаш юқорида диктатурани йўқ қилиш ёки заифлаштириш бўйича келтирилган мисолларнинг умумий хусусияти ҳисобланади.

Юқорида зикр этилганидек, ушбу куч марказлари аҳолига диктаторлик бошқарувига тазйиқ ўтказиш ёки қаршилик кўрсатишда ёрдам берадиган институционал асосни таъминлайди. Келажакда бу марказлар озод жамиятнинг муҳим таркибий асосининг бир қисмига айланади. Шу тариқа уларнинг мустақиллигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш кўпинча озодлик кураши муваффақиятининг мажбурий шартини саналади.

Агар диктатура жамиятнинг мустақил органларини барбод қилса ёки назорат остига оладиган бўлса, курашчилар янги мустақил ижтимоий гуруҳлар ёки институтлар ташкил этиши, сақланиб қолган ёхуд қисман назорат қилинадиган органларга демократик бошқарувни қайтариши муҳимдир. 1956-1957 йилларда Венгриядаги инқилоб вақтида бир неча ҳафтага бўлсада, институтлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг бирлашган тизимини ташкил этган кўплаб ҳақиқий демократик кенгашлар фаолият кўрсатди. 1980 йилнинг охирида ишчилар Польшада яширин Бирдамлик касба уюшмаларини ташкил этди, айрим ҳолларда эса коммунистик бошқарув остида бўлган расмий касба уюшмаларни ҳам ўз назоратига бўйсиндирди. Бу каби институционал ўзгаришлар жуда муҳим сиёсий натижаларга эга олиб келиши мумкин.

Албатта, бу диктатурани кучсизлантириш ва ағдариб ташлаш осон ёки ҳар бир уриниш муваффақият келтиради, дегани эмас. Шубҳасиз, кураш қурбонларсиз бўлмайди. Диктаторлар малайлари аҳолини ҳамкорликни тиклашга мажбурлаш ва бўйсундириш учун қарши зарба бериши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бироқ юқорида келтирилган ҳокимият таҳлили диктатурани қасддан ағдариб ташлаш мумкинлигини кўрсатади. Диктатура оқилона қўлланиладиган сиёсий итоатсизликка нисбатан ўта таъсирчан қилиб қўядиган ўзига хос хусусиятларга эга. Қуйида ушбу ҳолатларни батафсил кўриб чиқамиз.

#### **4-боб. Диктатуранинг заиф томонлари**

Диктатура кўпинча мустаҳкам бўлиб туюлади. Разведка хизмати, қуролли кучлар, қамокхоналар, концентрацион лагерлар ва жазо отрядларни ҳокимиятнинг бир қанча вакиллари томонидан назорат қилинади. Давлат маблағлари, унинг табиий ресурслари ва ишлаб чиқариш қувватлари кўпинча диктаторлар томонидан ўзларининг якка ҳокимлик ниятларини амалга ошириш учун ўзбошимчалик билан талон-тарож қилинади.

Демократик муҳолифат кучлар эса аксинча, ўта заиф, самарасиз ва кучсиз кўринади. Мустаҳкамлик ночорликка нисбатан бу тарзда тушуниш самарали курашни ишончсиз қилиб қўяди.

Аmmo бу ҳаммаси эмас.

#### **Кимсанинг нозик жойини топиш**

Грек афсонасида гўёки ожиз бўлмаганларнинг ожиз томони яхши баён этилган. Бундай афсоналарнинг бирида айтилишича, Ахиллес ҳеч ҳам яралаб бўлмасди, қилич унинг танасига санчилмасди. Ривоятларга кўра, Ахиллесни болалигида онаси сеҳрли Стикс дараёсида чўмилтирган экан. Шунинг учун унинг суви Ахиллеснинг танасини барча хавфлардан сақлар экан. Бироқ битта муаммо бор эди. Болани оқим олиб кетмаслиги учун товонидан ушлаб тургани

сабабли сеҳрли сув тананинг ушбу қисмига тегмаган экан. Ахиллес улғайгач, ҳамма душман қуроли унга хавф туғдира олмайди, деб ҳисобларди. Аммо Троя учун урушда душман аскарлари Ахиллеснинг заиф жойини билганларнинг кўрсатмасига кўра, уни ярадор қилиш мумкин бўлган ягона жойи – ҳимоясиз товонини кўзлайди. Жароҳат ҳалокатли эди. Бугунги кунда ҳам “Кимсанинг нозик жойи” ибораси инсоннинг, режа ёки муассасанинг ҳужум пайтида ҳимоя қилинмайдиган нозик жойини англатади.

Бу шафқатсиз диктаторларга ҳам тааллуқлидир. Диктаторлар уларнинг нозик томони аниқланиб, ҳужум айнан шу жойга қаратилса, кам талофат кўрган ҳолда тезлик билан йўқ қилиниши мумкин.

### **Диктатураларнинг заиф томонлари**

Диктатураларнинг заиф томонлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Тизимни бошқариш учун зарур бўлган кўплаб одамлар, гуруҳлар ва институтларнинг ҳамкорлиги чекланган ёки тақиқланган бўлиши мумкин.
2. Аввалги тузум сиёсатининг талаб ва натижалари айни пайтда унинг низо сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш қобилиятини бир қадар чеклайди.
3. Тизим ўз фаолияти давомида сустр ишлаши, янги вазиятга мослашиши қийин бўлиши мумкин.
4. Мавжуд вазифаларни бажариш учун ажратилган одамлар ва ресурслар янги талабларни амалга оширишга қайта йўналтирилиши осон эмас.
5. Тобе одамлар бошлиғининг норози бўлишидан кўрқиб, диктаторлар томонидан қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ноаниқ ёки тўлиқсиз ахборот бериши мумкин.
6. Мафкура ноаниқ, тизим афсона ва рамзлари беқарор бўлиши мумкин.

7. Воқеъликни идрок қилишга таъсир қилувчи кучли мафкура мавжуд бўлса, унга қатъий риоя қилиш ҳақиқий шароит ва эҳтиёжларга эътиборсизликни юзага келтириши мумкин.
8. Бюрократик аппарат самарадорлиги ва ваколатини пасайтириш ёки ҳаддан ташқари назорат ва бошқариш сиёсатни ҳамда тизимнинг фаолият юритишини самарасиз қилиб қўйиши мумкин.
9. Ички институционал можаролар ва шахсий рақобат ҳамда адоват диктатуранинг фаолият кўрсатишига зарар етказиши ёки ҳатто, уни парчалаб юбориши мумкин.
1. Зиёлилар ва талабалар юзага келатган шароитлар, чеклашлар, ақидапарастлик ва қатағонга жавобан норозилигини намоён этиши мумкин.
1. Жамият вақт ўтиши билан тузумга нисбатан лоқайд, шубҳа билан қаровчи ёки душманга айланиши мумкин.
2. Минтақавий, синфий, маданий ёки миллий можаролар кескинлашиши мумкин.
3. Диктатура ҳокимиятининг ҳукмронлиги ҳар доим бир мунча беқарор, вақти-вақти эса жуда ҳам беқарор бўлиши мумкин. Айрим шахслар тизимда ўз ўрнини сақлаб қолиш билан бирга, лавозими ошиши ёки бошқа жойларга ўтказилиши, четлатилиши ва бошқа шахслар билан алмаштирилиши мумкин.
4. Айрим полиция ва қуроли кучлар доиралари обрўли диктаторлар иродасига қарши ўз манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиши мумкин, тўнтаришларни ҳам ташкил қилиши мумкин
5. Янги диктатурага ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун вақт талаб этилади.
6. Диктатура доирасидаги қарорлар жуда кам сонли одамлар томонидан қабул қилиниши туфайли муҳокама қилиш, сиёсат юритиш ёки хатти-ҳаракатларда хатолар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.
7. Тузум бундай хатоларни четлаб ўтиш учун назоратни ва қарорлар қабул қилишни номарказлаштиради, унинг марказий даражадаги ҳокимиятни назорат қилиши янада заифлашиши мумкин.



## **Диктатуранинг заиф томонларига хужум қилиш**

Демократик мухолифат бундай заиф томонларни билган ҳолда, тизимда туб ўзгаришларга эришиш ёки уни йўққа чиқариш мақсадида “нозик жой”ни атайлаб оғирлаштириши мумкин.

Бундай ҳолатда барча диктатуралар гўёки, мавжуд куч-қудратига қарамай ўзининг заиф томони, ички самарасизлиги, шахсий адоват, институционал самарадорликсиз, ташкилотлар ва идоралар ўртасида қарама-қаршиликларга эга, деган хулосага келиш мумкин. Бундай ожизликлар вақт ўтиши билан тузум самарадорлигини пасайтириш ва уни шароитларни ўзгартириш ҳамда қатъий қаршилик кўрсатишда заифлаштириб қўйиш тенденциясига эга бўлади. Тузумнинг ҳамма режалари ҳам амалга ошавермайди. Масалан, айрим ҳолларда Гитлернинг бевосита буйруқлари бажарилмаган, чунки унга бўйсунганлар бу топшириқларни бажаришдан бўйин товлаган. Баъзида эса диктаторлик тузumi юқорида қайд этилганидек, тез ағдарилиши ҳам мумкин.

Бу диктатуралар хавфсиз ва қурбонларсиз қулайди, дегани эмас. Озодлик учун курашнинг ҳар қандай йўналиши хавф-хатар ва юз бериши муқарра азоб-уқубатларни кўзда тутуди, амалга ошиши учун вақт талаб этади. Бундан ташқари ҳеч қандай хатти-ҳаракат ҳар қандай вазиятда ҳам тез муваффақиятга эришишни кафолатламайди. Бироқ диктатуранинг маълум заиф жойларига қаратилган кураш унинг кучли томонларига йўналтирилган курашга нисбатан муваффақият қозониш учун кўпроқ имкониятга эга. Муваффақият эса бу кураш қандай олиб борилишига боғлиқ..

## **5-БОБ. Мавжуд ҳокимият**

1-бобда диктатурага қарши қуролли қаршилик ҳаракати унинг энг заиф жойига эмас, балки аксинча, энг кучли жойига зарба бераётганини таъкидлаб ўтган эдик. Қаршилик ҳаракати қуролли кучлар, қурол-аслаҳа билан таъминлаш, қурол тайёрлаш технологияси ва ҳоказолар соҳасида рақобатни танлаб, ўзини ноқулай аҳволга солиб қўймоқда. Диктатура эса бу борада деярли ҳар доим устунликка эга. Бунда хорижий давлатларнинг ёрдамига таяниш хавфи ҳам муҳокама қилинганди. 2-бобда музокараларни диктатурани йўқ қилишнинг услуби сифатида танлаш муаммосини кўриб чиққан эдик.

Ушбу ҳолатда демократик мухолифатга муайян устунлик берадиган ва диктатуранинг аниқланган заиф томонларини оғирлаштирадиган қандай йўллар мавжуд? Қандай ҳаракат услуби сиёсий ҳокимиятнинг 3-бобда муҳокама қилинаётган назариясига асосланиши мумкин? Бу борада сиёсий бўйсунмаслик альтернатив танлов ҳисобланади.

Сиёсий бўйсунмаслик қуйидаги хусусиятларга эга:

Сиёсий бўйсунмаслик, курашнинг охири, диктатура томонидан танланган воситалар билан ҳал қилинишини тан олмайди.

Диктатуранинг сиёсий бўйсунмасликка қарши курашиши қийин.

Сиёсий бўйсунмаслик диктатуранинг заиф томонларини анча оғирлаштириши ва унинг куч манбаларини тўсиб қўйиши мумкин.

Сиёсий бўйсунмаслик, амалда, кенг тарқалиши ёки аниқ мақсадга қаратилиши мумкин.

Сиёсий бўйсунмаслик диктаторларнинг мулоҳаза юритиши ёки хатти-ҳаракатларида хатоликка йўл қўйишига олиб келади.

Сиёсий бўйсунмаслик, аҳоли ёки жамоат гуруҳларини ва институтларини айрим шахсларнинг шафқатсиз ҳокимиятини йўқ қилиш учун курашга самарали жалб қилиши мумкин.

Сиёсий бўйсунмаслик демократик жамият барпо этиш ва уни сақлаш имкониятларини кенгайтирган ҳолда, жамиятда мавжуд ҳокимиятни тақсимлашга ёрдам беради.

### **Нозўравон кураш олиб бормоқ**

Сиёсий бўйсунмасликдан қуролли кучлар каби турли ҳаракатларни юзага келтириш мақсадида рақибларга таъсир ўтказиш, зиддиятни тинч йўл билан ҳал қилиш учун шароит яратиш ёки манфур тузумни йўқ қилиш каби турли мақсаларда фойдаланиш мумкин. Бироқ сиёсий бўйсунмаслик, зўравонликдан фарқ қиладиган услублар билан амалга оширилади. Ҳар икки услуб ҳам кураш воситаси бўлишига қарамай турли услубларни кўзда тутуди ва турли оқибатларга олиб келиши мумкин. Қуролли қарама-қаршиликни амалга ошириш услублари ва натижалари яхши таниш. Жисмоний қуроллар

кўркитиш, мағлубиятга учратиш, йўқ қилиш ва вайрон қилиш мақсадида қўлланилади.

Нозўравон кураш куч ишлатишга нисбатан курашнинг анча мураккаб ва кўп турли восита ҳисобланади. Бундай курашда куч ишлатишнинг ўрнига аҳоли ва жамоат институтлари томонидан фойдаланиладиган психологик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий қуроли қўлланилади. Норозилик, иш ташлаш, ҳамкорлик қилишдан бош тортиш, бойкотлар, халқнинг ўзини ўзи идора қилиши шулар жумласидандир. Юқорида зикр этилганидек, мадомики ҳар қандай ҳукумат ҳамкорлик қилиш, аҳоли ва жамоат институтларини бўйсундириши орқали зарур куч манбаларини тўлдиришга қодир экан, у мамлакатни ҳам идора қилиши мумкин. Сиёсий бўйсунмаслик куч ишлатишдан фарқли ўлароқ, ҳокимиятнинг бундай манбаларини ўзига хос тарзда тўсиб қўйиш қобилиятига эга.

### **Куч ишлатилмайдиган қурол ва тартиб-интизом**

Битта ёки иккита услубга, масалан иш ташлаш ва оммавий намойишга умид қилиш сиёсий бўйсунмасликнинг аввалги кампанияларининг кенг тарқалган хатоси ҳисобланади. Ҳозир қаршилик кўрсатиш стратегиясига курашни заруратга қараб жалб этиш ёки уни тарқатиб юбориш имконини берадиган кўплаб услублар мавжуд.

Бугун куч ишлатилмайдиган ҳаракатларнинг тахминан икки юзта аниқ услуби маълум. Амалда эса, бу услублар анча кўп. Бундай услублар учта умумий тоифага бўлинади: норозилик ва ишонтириш, ҳамкорлик қилишдан бош тортиш ҳамда аралаштириш. Нозўравон норозилик ва ишонтириш услублари асосан рамзий намойишлар, жумладан, маросимлар, юришлар ва пикетларни (54 та услуб) ўз ичига олади. Ҳамкорлик қилишдан бош тортиш учта кичик гуруҳга бўлинади: (а) ижтимоий ҳамкорликни рад этиш (16 та услуб), (б) иқтисодий ҳамкорликдан воз кечиш, жумладан бойкотлар (26 та услуб) ва иш ташлашлар (23 та услуб), сиёсий ҳамкорлик қилишдан бош тортиш (38 та услуб). Очлик эълон қилиш, куч ишлатмасдан босиб олиш ва ўзини ўзи параллел равишда идора қилиш каби психологик, жисмоний, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий воситалардан фойдаланган ҳолда нозўравон аралаштириш, охириги гуруҳни ташкил этади (41 та услуб). Ушбу мақолада 198 та услуб рўйхати илова сифатида киритилган.

Ўқитилган фуқаролар томонидан амалга ошириладиган оқилона стратегия ва тегишли тактика матнига киритилган пухталиқ билан танлаб олинган, изчил

ва кенг қўлланиладиган кўплаб услублардан фойдаланиш ҳар қандай ноқонуний тузум учун жиддий муаммоларни юзага келтириши мумкин. Бу барча диктатураларга тааллуқлидир.

Нозўравон кураш услублари қуролли кураш воситаларидан фарқли ўлароқ, бевосита муҳим масалаларга қаратилиши мумкин. Масалан, диктатура муаммоси асосан сиёсийлиги туфайли, бу борада, нозўравон курашнинг сиёсий шаклларида фойдаланиш зарур. Бу шакллар диктаторларнинг қонунийлигини тан олмаслик ва уларнинг тузуми билан ҳамкорлик қилишдан воз кечишни қамраб олиши лозим. Ҳамкорликни рад этиш ҳам маълум бир сиёсатга қарши йўналтирилиши мумкин. Вақти-вақти билан сезилар-сезилмас ёки махфий тарзда вақтни қасдан кечиктириш ва чўзиш мумкин. Айти пайтда ошқора итоатсизлик, оммавий намоёишлар ва иш ташлашлар ҳамманинг кўз ўнгида ҳам ўтказилиши мумкин.

Иккинчи томондан, диктатура иқтисодий тазйиқдан яхши ҳимояланмаган ёки аҳолининг кўп шикоятлари иқтисодиёт билан боғлиқ бўлса, бундай ҳолатда бойкотлар ёки иш ташлашлар каби иқтисодий ҳаракатлар қаршилиқ кўрсатиш учун энг қулай услублар ҳисобланади. Диктаторларнинг иқтисодий тизимдан фойдаланиш билан боғлиқ уринишларига чекланган кўламда умумий иш ташлашлар, ишни секинлаштириш ва ўрнини ҳеч ким босолмайдиган экспертларнинг ишлашдан бош тортиши (ёки йўқолиб қолиши) билан қаршилиқ кўрсатиш мумкин. Танлаб олинган турли хил иш ташлашлардан ишлаб чиқариш, хомашёни транспортда ташиш, етказиб бериш ва маҳсулотни тақсимлашнинг асосий пайтларида фойдаланиш мумкин.

Нозўравон курашнинг айрим услублари одамлардан уларнинг кундалиқ ҳаёти билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишни, масалан варақа тарқатиш, яширин газета чиқариш, очлик эълон қилиш ва кўчада ўтирган ҳолда норозилиқ уюштиришини талаб қилади. Баъзи одамлар учун бундай услублар айрим ҳоллардан ташқари, қийин бўлиши мумкин.

Нозўравон курашнинг бошқа услублари эса, аксинча, одамлар бошқача тарзда бўлсада, ҳар кунгидек яшашни давом эттиришини талаб қилади. Мисол учун, одамлар иш ташлаш ўрнига ишга келади, лекин одатдагидан кўра, атайлаб секин ва самарасиз ишлайди. Кўпинча атайлаб “хатоликлар”га йўл қўйилади. Кимдир маълум бир вақтда “қасал” бўлиб қолади ёки “ишлай олмайди” ёхуд шунчаки ишлашдан бош тортиши мумкин. Яна кимдир диний маросимларда иштирок этади. Уларнинг бу ҳаракати нафақат диний, балки сиёсий эътиқодни ҳам ифода этиши мумкин. Одамлар болаларни уйда ёки махфий курсларда

Ўқитиш йўли билан уларни тарғибот ишларидан ҳимоя қилиши мумкин. Айримлар эса, аввал қабул қилмаган, лекин “тавсия қилинаётган” муайян ташкилотларга аъзо бўлишдан бош тортади. Одамларнинг оддий фаолиятидаги бу каби ҳаракатлари ва уларнинг одатдаги ҳаётидан маълум даража четлашиши миллий озодлик курашида иштирок этишини анча енгиллаштиради.

Нозўравон кураш ва зўравонлик мутлақо турли услублар ёрдамида амалга оширилсада, сиёсий бўйсунмаслик кампанияси чоғида ҳатто, чекланган даражада куч ишлатиш орқали қаршилик кўрсатиш зиён келтириши мумкин. Негаки, бу, курашни диктаторлар анча устун бўлган доирага (қуролланиш) суриб қўяди. Нозўравон хатти-ҳаракатларда тартиб-интизомга риоя қилиш муваффақият калити ҳисобланади ва у диктаторлар ҳамда уларнинг агентларининг фитнаси ва шафқатсизлигига қарамай, қўллаб-қувватланиши даркор.

Куч ишлатадиган рақибга қарши нозўравон ҳаракатлар тартиб- интизомига амал қилиш ушбу курашни ўзгартиришнинг тўртта механизмининг самарали ишлашига ёрдам беради (пастда келтирилган). Шунингдек, нозўравон ҳаракатлар тартиб-интизоми сиёсий кураш жараёнида ҳам ўта муҳимдир. Ушбу жараёнда тузумнинг муҳолифатнинг нозўравон ҳаракатига қарши очик-ойдин шафқатсизлиги диктаторлар позициясига сиёсий зарба бериб, уларнинг сафларида норозиликни юзага келтиради, қаршилик иштирокчиларини аҳоли, тузумнинг оддий тарафдорлари ва учинчи шахслар томонидан қўллаб-қувватланишини янада мустаҳкамлайди.

Бироқ, баъзи ҳолларда диктатурага қарши чекланган даражада бўлса ҳам куч ишлатилиши муқаррар. Тузумга нисбатан ғазаб ва нафрат зўравонликни авжига чиқариб юбориши мумкин. Бундан ташқари айрим гуруҳлар гарчи куч ишлатмасдан курашишнинг муҳимлигини тан олсаларда, зўравонликни тўхтатишга рози бўлмайди. Бундай ҳолларда сиёсий бўйсунмасликдан воз кечмаслик лозим. Аммо бу борада куч ишлатилмайдиган ҳаракатларни чеклаш ва куч ишлатилмайдиган ҳаракатларни янада кенг ёйиш талаб этилади. Бу географик жойлашув, аҳоли гуруҳлари, ҳаракатлар ўтказилиши мўлжалланган вақт ва мақсадларга нисбатан зарурдир. Акс ҳолда зўравонлик сиёсий бўйсунмасликдан янада кучли ва муваффақиятли фойдаланишга ҳалокатли таъсир кўрсатиши мумкин.

Тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, сиёсий бўйсунмаслик давомида қурбонлар ва азият чекканлар бўлиши тахмин қилинсада, уларнинг сони

куролли курашлар чоғида ҳалок бўладиган одамларга қараганда анча кам бўлади. Бундан ташқари курашнинг ушбу тури қотиллик ва золимликнинг олдини олиш имконини беради.

Нозўравон кураш ҳукумат ва унинг жазоларидан кўрқишни йўқотишни (ёки кўрқувни идора қилишни) кўзда тутди ва шунга интилади. Кўрқувнинг йўқолиши ёки уни идора қилиш диктаторларнинг аҳоли устидан ҳукмронлигини йўққа чиқаришнинг асосий элементи ҳисобланади.

### **Ошкоралик, махфийлик ва юқори стандартлар**

Махфийлик, алдамчилик ва яширин фаолият юритиш нозўравон курашдан фойдаланадиган ҳаракат учун жиддий муаммони келтириб чиқаради. Кўпинча сиёсий полиция ва махфий хизматлардан мақсад ҳамда режаларни яширишнинг иложи йўқ. Махфийлик ҳаракатнинг истиқболлилиги нуқтаи назаридан кўрқувга боғлиқ бўлибгина қолмай, балки унинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Бу эса қаршилиқ кўрсатиш руҳини синдириб, ушбу ҳаракатда иштирок этадиган одамлар сонини камайтиради. Шу билан бирга, махфийлик кўпинча рақибнинг хабар етказувчиси ёки агенти ким бўлиши мумкинлиги тўғрисида ҳаракат ичида ноҳақ шубҳа ва айбловнинг юзага келишига сабаб бўлиб, ҳаракатнинг куч ишлатмаслик қобилиятига таъсир қилиши мумкин. Режа ва мақсадларнинг ошкоралиги эса махфийликдан фарқли ўлароқ, аксинча ҳаракат жуда қудратли эканлиги ҳақида тасаввурнинг пайдо бўлишига ёрдам беради. Албатта, сиртдан қараганда ушбу муаммо анча мураккабдек туюлади, лекин қаршилиқ ҳаракатида махфийликни талаб қиладиган муҳим жиҳатлар ҳам бор. Муайян ҳолатларда нозўравон курашнинг ривожланишидан воқиф бўлган ва диктатуранинг кузатув воситаларини билганлар учун воқеани ишончли маълумотга асосланган ҳолда баҳолаш талаб этилади.

Яширин нашрларни таҳрир қилиш, чоп этиш ва тарқатиш, мамлакат ичида радиоэшиттиришлардан ноқонуний фойдаланиш, диктатура операциялари тўғрисида разведка ахборотини тўплаш юқори даражада махфийликни талаб қиладиган махсус ҳаракатлар ҳисобланади.

Нозўравон курашда тартиб-интизомни сақлаш қарама-қаршилиқнинг барча босқичларида талаб этилади. Кўрқмаслик ва нозўравон кураш тартиб-интизомига риоя қилиш ҳар доим талаб этилади. Шунинг эътиборига эришилганда, муайян ўзгаришларни амалга ошириш учун кўпинча кўплаб одамларнинг иштироки талаб этилади. Айни пайтда бунга ҳаракатни ташкил

этишнинг юқори стандартларини қўллаб-қувватлаш орқалигина эришиш мумкин.

### **Кучлар нисбатини ўзгартириш**

Стратеглар сиёсий бўйсунмасликдан фойдаланадиган қарама-қаршилик ҳаракат ва қарши ҳаракатлар узлуксиз қўлланадиган ўзгарувчан кураш майдони ҳисобланишини эсдан чиқармаслиги лозим. Бундай курашда нисбий ва мутлақ кучлар нисбати доимо ва тез ўзгариши мумкин. Бу ҳолат қаршилик иштирокчилари қатағонга қарамай, куч ишлатмасдан астойдил ҳаракат қилишни давом эттирганда юзага келиши мумкин.

Бу каби зиддиятли вазиятда курашда иштирок этувчи томонлар кучлари нисбатининг вариантлари куч ишлатиладиган қарама-қаршиликларга қараганда анча кўп бўлиб, улар тез пайдо бўлади ва сиёсий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган турли оқибатларга олиб келади. Бундай хилма-хиллик туфайли қаршилик иштирокчиларининг муайян ҳаракатлари маълум вақт ёки бу ҳаракатлар амалга ошириладиган жой доирасидан четга чиқадиган оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу каби натижалар одамлар орасида кенг тарқалиб, у ёки бу гуруҳни кучайтириш ёхуд заифлаштиришга ёрдам беради.

Бундан ташқари, куч ишлатилмайдиган ҳаракатни қўллайдиган гуруҳ рақиб гуруҳининг нисбий кучини маълум даражада кучайтирадиган ёки камайтирадиган таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, диктаторлар шафқатсизлигига куч ишлатмасдан интизомли ва мардонавор қаршилик кўрсатиш диктаторларнинг аскарлари ва аҳоли орасида безовталиқ, норозилик, ишончсизлик ёки экстремал ҳолатларда қўзғолон кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай қаршилик диктатурани кенг миқёсда халқаро ҳамжамият томонидан қоралашга олиб келиши ҳам мумкин. Шунингдек, сиёсий бўйсунмасликдан оқилона, тартибли ва изчил фойдаланиш қаршилик кўрсатишда одатда диктатурани пассив қўллаб-қувватлайдиган ёки бу каби қарама-қаршиликларда бетараф бўладиган одамларнинг ҳам кенг иштирок этишига сабаб бўлиши мумкин.

### **Ўзгаришларнинг тўртта механизми**

Нозўравон кураш тўртта услуб ёрдамида ўзгаришларга олиб келади. Биринчи механизмнинг қўлланиш эҳтимоли кам. Агарда рақиб гуруҳи аъзолари нозўравон қаршилик кўрсатишнинг жасур иштирокчиларига нисбатан қўлланилган жазо чораларидан руҳан таъсирланса ёки қаршилик ҳаракати амалга ошираётган ишнинг адолатлилиги мақсадга мувофиқлигига ишонч

ҳосил қилса, улар қаршилик ҳаракати иштирокчиларининг мақсадларини қабул қилиши мумкин. Бу ишончни ўзгартириш механизми дейилади. Нозўравон ҳаракат давомида ишончни ўзгартириш камдан-кам ҳолларда юз беради ва кўпгина зиддиятли вазиятларда унчалик кузатилмайди ёки учрамайди.

Кўпгина ҳолатларда нозўравон кураш зиддиятли вазият ва жамиятни шунчалик ўзгартириб юборадики, бундай ҳолларда рақиб ўзи хоҳлаганча ҳаракат қила олмай қолади. Айнан шундай ўзгариш қолган учта механизмнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади: мослашиш, куч ишлатмасдан мажбурлаш ва вайрон қилиш. Уларнинг пайдо бўлиши кучларнинг нисбий ва мутлақ нисбати демократлар фойдасига ўзгаришига боғлиқ.

Агарда кун тартибида жиддий хусусиятга эга бўлмаган масалалар кўтарилса, чекланган кампания давомида муҳолифатнинг талаблари хавфли деб кўриб чиқилмаса, қаршилик кўрсатиш эса маълум даражада кучлар нисбатини ўзгартирса, ушбу қарама-қаршилик битим тузиш ёки ўзаро келишувга олиб келиши мумкин. Мисол учун, кўпгина иш ташлашлар ҳар бир томон ўз мақсадларининг айримларига эришиши билан якунланиши мумкин. Лекин уларнинг ҳеч бири мақсадларининг ҳаммасига эга бўла олмайди. Ҳукумат эса бундай битимни кескинликни юмшатиш, “одиллик” таассуротини юзага келтириш ёки тузумнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлаш учун ижобий сифатида кўриб чиқиши мумкин. Шу сабабли муаммоларни синчковлик билан танлаб олиш зарур ва кейинчалик мослаштириш механизми орқали шартномалар тузиш мумкин. Диктатурани ағдариш учун кураш бундай муаммолар сирасига кирмайди.

Нозўравон кураш ишончни ўзгартириш ёки мослашиш механизмига нисбатан анча кучли бўлиши мумкин. Ҳамкорлик қилишдан оммавий воз кечиш ва итоатсизлик ижтимоий ва сиёсий вазиятни, айниқса кучлар нисбатини шу даражада ўзгартириб юборадики, диктатураларнинг жамиятни ижтимоий ҳамда сиёсий жиҳатдан бошқариш қобиляти ўз-ўзидан йўқолади. Бундай ҳолларда рақибнинг қуроли кучлари ишончсиз бўлиб қолади ва қаршилик иштирокчиларига қарши жазо чораларини қўллашга доир буйруқларга бўйсунмай қўяди. Рақиб етакчилари ҳокимият тепасида қолиши ва аввалгидек ўзларининг бошланғич мақсадларига интилишига қарамай, самарали ҳаракат қилиш қобилятини йўқотади. Бу нозўравон мажбурлаш дейилади.

Айрим экстремал вазиятларда нозўравон мажбурлашга сабаб бўлувчи шартлар аҳамиятли натижаларни юзага келтиради. Бунда рақиб раҳнамолари



ҳаракат қилиш қобилиятини йўқотади ва унинг ҳокимият тузилмаси инкирозга юз тутади. Қаршилиқ ҳаракати иштирокчиларининг ўзини ўзи бошқариши, ҳамкорликни рад этиши ва итоатсизлиги кўлами шу даража кенгайдик, рақиб уларни ҳатто, назорат қила олмай қолади. Бюрократик аппарат ўз раҳбариятига бўйсунмай қўяди. Рақиб кўшинлари ва полицияси исён кўтаради. Рақибнинг домий издошлари ва аҳоли собиқ раҳбариятдан ажралиб чиқади ва уни бошқарув ҳуқуқидан маҳрум этади. Шу боис уларни ҳеч ким қўллаб-қувватламайди ва бўйсунмай қўяди. Ўзгартишларнинг тўртинчи – рақиб тизимини барбод қилиш механизмининг мукамаллиги туфайли унга таслим бўлмасликнинг иложи йўқ. Негаки, бу механизм тузумни бўлақларга бўлиб юборади.

Озод этиш стратегиясини режалаштиришда ушбу тўртта механизм ҳисобга олиши даркор. Баъзида улар кутилмаганда самара беради. Бироқ зиддиятлар пайтида бундай ўзгартишлар механизмининг битта ёки бир қанчасини танлаш стратегиянинг бир-бирининг ўрнини тўлдирадиган ўзига хос элементларини шакллантириш имконини беради. Механизмни (ёки механизмларни) танлаш кўплаб омиллар, жумладан, курашаётган гуруҳлар кучларининг мутлақ ва қиёсий нисбати, нозўравон курашаётган гуруҳнинг ёндашув ва мақсадларига боғлиқ.

### **Сиёсий бўйсунмасликни демократлаштириш самараси**

Нозўравон кураш услубларидан фойдаланиш куч ишлатиладиган санкцияларнинг марказий таъсирдан фарқли равишда сиёсий жамиятни бир қанча йўналишлар бўйича демократлаштиришга ёрдам беради.

Демократик таъсир кўрсатиш жиҳатларидан бири салбий ҳисобланади. Ушбу услуб қуролли кураш воситаларига қараганда, ҳокимият тепасида турган намояндалар бошчилигида диктатуранинг ўрнатиш ёки сақлаш мақсадида аҳолига қарши йўналтириладиган жазо чораларини қўллашни ўз ичига олмайди. Сиёсий бўйсунмаслик ҳаракати етакчилари ўз тарафдорларига таъсир ёки тазйиқ ўтказиши мумкин, лекин уларни ҳаракатга қўшилмагани ёки бошқа етакчилар томонга ўтиб кетгани учун қамокхонага ташламайди ёхуд қатл қилмайди.

Демократлаштириш жараёни самарадорлигининг бошқа томони ижобий саналади. Нозўравон кураш аҳолига ўз озодлигига эришиш ва ҳимоя қилиш учун мавжуд ёки бўлажак диктаторларга қарши фойдаланиш мумкин бўлган қаршилиқ кўрсатиш воситаларини беради. Қуйида демократлаштириш

самарадорлигининг нозўравон кураш билан боғлиқ бир қанча ижобий элементлари келтирилган:

Нозўравон курашиш тажрибаси аҳолининг тузум таҳдидларига ва зўравонлик билан боғлиқ жазоларга қарши туришда ишончини ҳамда қобилятини ошириши мумкин.

Нозўравон кураш ҳамкорлик қилишдан воз кечиш ва итоатсизлик воситаларини беради ва аҳоли бу воситалар ёрдамида ҳар қандай диктаторлик гуруҳининг нодемократик бошқарувига қаршилик кўрсатиши мумкин.

Нозўравон курашдан демократик эркинликлар, масалан, сўз ва матбуот, мустақил ташкилотлар эркинлиги, қатағон бошқарув олдида йиғилишлар ўтказиш эркинлиги амалиётини тасдиқлаш учун фойдаланилади.

Нозўравон кураш жамиятнинг юқорида қайд этилган мустақил гуруҳлар ва институтларининг сақланиб қолишига, тикланишига ва мустаҳкамланишига ёрдам беради. Улар демократияга эришиш учун жуда керак бўлиб, аҳолининг кучини сафарбар қилиш ва ҳар қандай имкониятли диктаторнинг қудратини чеклаб қўйиши мумкин.

Нозўравон кураш аҳолига диктаторлик ҳукуматига қаршли полиция ва қуролли кучларнинг жазо чораларига қаршилик кўрсата оладиган услубларни беради.

Нозўравон кураш аҳоли ва мустақил институтларга демократия йўлида ҳукумат тепасида турган намоёндаларнинг ҳукмронликни давом эттириш қобилятига путур етказиб, уларнинг куч манбаларини чеклаш ёки тўсиб қўйишга ёрдам берадиган воситаларни тақдим этади.

### **Нозўравон курашнинг мураккаблиги**

Нозўравон кураш кўплаб услублар ва қатор ўзгартишлар механизмларини ўз ичга олувчи, шунингдек, ахлоққа нисбатан маълум талабларга эга ижтимоий ҳаракатларнинг мураккаб воситаси ҳисобланади. Сиёсий бўйсунмаслик айниқса диктатурага нисбатан самарали бўлиши учун пухта режалаштириш ҳамда тайёгарликни талаб этади. Бўлажак иштирокчилар улардан нима талаб қилинишини яхши билишлари керак. Бунинг учун зарур ресурсларни топиш лозим. Стратеглар эса нозўравон курашни самарали қўллашни олдиндан таҳлил қилишлари даркор. Қуйида бу борада ўта муҳим элемент ҳисобланган стратегик режалаштириш заруриятини кўриб чиқамиз.

## **6-боб. Стратегик режалаштириш зарурияти**

Диктатурага қарши сиёсий бўйсунмаслик кампаниясини турли услублар билан бошлаш мумкин. Илгари бундай кураш деярли ҳар доим режалаштирилмаган ва кўпгина ҳолларда тасодифий бўлган. Авваллари бу каби қаршилик ҳаракатларининг бошланишига сабаб бўлган ноҳақликлар турли хил бўлган ва кўпинча янги золимлик, ҳурматга сазовор шахсни ҳибсга олиш ёки ўлдириш, янги қатағон сиёсати ёки буйруқни, озиқ-овқатнинг етишмаслигини, диний эътиқод ёхуд у билан боғлиқ маросимга ҳурматсизлик қилишни ўз ичига олган. Баъзида диктатуранинг муайян ҳаракатидан ғазабланган халқ унга қарши ҳаракатларни, нима билан тугашини ҳатто, ўйлаб ҳам кўрмасдан бошлаган. Бошқа ҳолларда кўркмас шахс ёки кичик гуруҳ бошлаган ҳаракат кейинчалик қўллаб-қувватланган. Бундай муайян ноҳақликларни бошидан кечирганлар ҳам курашга қўшилиб кетиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса кичик гуруҳ ёки айрим шахснинг қаршилик кўрсатишга даъвати кенг миқёсда қўллаб-қувватланиши мумкин.

Ички сабаблар туфайли юзага келган ҳаракат айрим ижобий хусусиятларни камраб олсада, камчиликларга ҳам эга бўлади. Кўпинча демократик ҳаракат иштирокчилари диктатуранинг шавфқатсизлигини кутмаганлиги сабабли қийноқларга бардош беролмасдан мағлубиятга учраган. Гоҳида режалаштиришнинг йўқлиги демократлар томонидан ҳалоқатли натижаларни юзага келтирувчи тасодифий қарорлар қабул қилинишига олиб келган. Истибдод тизими ағдарилсада, демократик тизимга ўтишда режалаштиришнинг мавжуд бўлмаслиги янги диктатуранинг пайдо бўлишига ёрдам берган.

### **Амалий режалаштириш**

Халқнинг режалаштирилмаган намоёишлари келажакда диктатурага қарши курашда шубҳасиз, муҳим ўрин тутди. Бироқ, айти пайтда, диктатурани ағдаришнинг самарали услуби, сиёсий вазият ва халқнинг кайфияти яхши бўлган фурсатни аниқлаш ҳамда кампанияни бошлаш услубини танлаш имконияти мавжуд. Бундай ҳолларда озодликка эришишнинг самарали йўллари танлаш учун вазиятни ва аҳолининг имкониятини реал баҳолашга асосланган жиддий таҳлил талаб этилади.

Бирон-бир мақсадга эришиш истаги мавжуд бўлса, уни қандай амалга оширишни режалаштириш фойдадан ҳоли эмас. Мақсад қанчалик муҳим ёки

оқибатлар қай даража жиддий бўлса, режалаштириш ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Стратегик режалаштириш нималар сафарбар қилиниши ва мавжуд барча ресурслардан самарали фойдаланиш эҳтимоллилигини оширади. Бу айниқса, чекланган ресурсларга эга ва тарафдорлари хавфга дучор бўлишига қарамай қудратли диктатурани ағдаришга интилаётган демократик ҳаракатга тааллуқлидир. Демократик ҳаракатдан фарқли ўлароқ, якка ҳокимлик, кўплаб моддий ресурслардан фойдаланади, яхши ташкил этилган куч ва қатъий ҳаракатлар қилиш қобилятига эга.

“Стратегияни режалаштириш” келажакда мавжуд вазиятни орзу қилинган ҳолатга, яъни диктатурани булғуси демократик тизимга айлантириш эҳтимоллилигини кўзда тутувчи ҳаракатлар изчиллигини ҳисобга олишни англатади.

Бундай мақсадларга эришиш режаси одатда, кампаниялар ва жабрланган халқ ҳамда жамиятни қўллаб-қувватлаш, диктатурани заифлаштиришга қаратилган, бошқа уюшган ҳаракатлар изчиллигидан иборат. Шунинг таъкидлаш керакки, мақсад нафақат мавжуд диктатурани ағдариш, балки демократик тизимни ташкил этиш ҳисобланади. Фақат мавжуд диктатурани ағдариш мақсади билан чекланадиган бош стратегия яна бир золимнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

### **Режалаштириш қийинчиликлари**

Дунёнинг турли жойларида айрим озодлик тарафдорлари озодликка эришиш йўлларининг муаммоларини пухта ўйлаб кўрмайди. Ташаббускорлар фақат айрим ҳоллардагина ҳаракатларни бошлашдан аввал, жиддий стратегик режалаштиришнинг ўта муҳимлигини тан олади. Натижада озодлик ҳаракатларида режалаштириш ҳар доим ҳам бўлмайди.

Ўз халқининг сиёсий эркинлигини таъминлашни орзу қилаётган одамлар нима учун ушбу мақсадга эришишнинг кенг қамровли стратегик режасини камдан-кам ҳолларда тайёрлайди? Таасуфки, демократик муҳолифат гуруҳларининг аксарият аъзолари кўпинча стратегик режалаштиришнинг зарурлигини тушунмайди, стратегик фикрлашга кўникмаган ёки ўргатилмаган. Бу осон вазифа эмас. Диктатура томонидан мунтазам таъқиб қилинадиган ва жорий ишлар билан ҳаддан ташқари банд бўлган қаршилик ҳаракати етакчилари кўпинча ҳимояланмаган бўлади ҳамда стратегик фикрлаш кўникмаларини ишлаб чиқиш учун вақт топа олмайди.

Бунинг ўрнига диктатура ташаббусларидан шунчаки таъсирланиш кенг тарқалган схема ҳисобланади. Муҳолифат шу тариқа диктаролик назоратини ўрнатишни секинлаштириб ёки тузумнинг янги сиёсати учун айрим муаммоларни юзага келтириб, ҳар доим ҳимояланади, чекланган эркинликни ёки озодлик таянчини сақлашга интилади.

Албатта, баъзи шахслар ёки гуруҳлар озодлик ҳаракатини кенг кўламда узоқ муддатга режалаштириш зарурлигини тушунмайди. Бунинг ўрнига улар ўз мақсадини қатъият билан узоқ вақт эълон қилса, у қандайдир йўл билан бўлсада, амалга ошади деб ҳисоблайди. Бошқалар эса, улар мавжуд муаммолар билан яшаб, воқеаларни ўз қараши ва олий мақсадига мувофиқ кузатса, ўз мақсадларининг рўёбга чиқиши учун барча имкониятларини ишга солади, деб ҳисоблайдилар. Инсонпарварлик мақсадларни қўллаб-қувватлаш ва олий мақсадларга содиқлик яхши албатта, лекин бу диктатурани ағдариш ва озодликка эришиш учун етарли эмас.

Диктатуранинг бошқа рақиблари ўз ҳаракатида зўравонликдан фойдаланса, озодликка эришиш мумкин деб ҳисоблайди. Бироқ юқорида зикр этилганидек, зўравонлик муваффақият келтирмайди. Зўравонлик озодликнинг ўрнига мағлубиятни, оммавий жабрланиш ёки бошқа кулфатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Кўпгина ҳолларда диктатура куч ишлатиладиган курашга яхши тайёрланган бўлади, ҳарбийлар эса демократларга камдан-кам ҳолларда шафқат қилади.

Бундан ташқари, нима қилиши кераклигини “ҳис қиладиган” ва шунга таянадиган фаоллар ҳам бор. Бундай ёндашув ўта кетган манманлик ҳисобланиши билан бир қаторда, озодликка эришишнинг бош стратегиясини тузиш учун ҳеч қандай йўл-йўриқ бўла олмайди.

Кимнингдир хаёлига келган “қойилмақом ғоя”га асосланган ҳаракатларнинг ўз камчиликлари бор. Бунинг ўрнига диктатурани қулатиш йўлида қўйиладиган “кейинги қадам”ни жиддий ҳисобга олишга асосланган ҳаракат талаб этилади. Қаршилик ҳаракати етакчилари стратегик таҳлилсиз ғалабани қўлга киритиш учун талаб этиладиган аниқ ҳаракатлар изчиллигини пўхта ўйламаганлиги сабабли, кўпинча “кейинги қадам” қандай бўлиши лозимлигини билмайди. Ижодкорлик ва қойилмақом ғоялар жуда муҳим, аммо улардан демократик кучларнинг стратегик аҳволини яхшилаш учун фойдаланиш керак.

Диктатурага қарши ишлатиш мумкин бўлган кўплаб ҳаракатларни жуда яхши билсада, лекин нимадан бошлашни тасаввур ҳам қила олмайдиган айрим кишилар “Ҳаммасини биргаликда амалга ошириш кераклиги” тўғрисида маслаҳат беради. Бундай маслаҳат фойда бериши мумкин, лекин анча кучсиз бўлган ҳаракатлар учун уни амалга ошириш имкони йўқ. Бундан ташқари, бу каби ёндашув нимадан бошлаш, саъй-ҳаракатларни нимага қаратиш ва чекланган ресурслардан қандай фойдаланиш лозимлигини кўрсатиб беролмайди.

Бошқа шахслар ва гуруҳлар эса ҳаракатларни фақат қисқа муддатли ёки тактика асосда режалаштириш зарурлигини эътироф этиши мумкин. Улар узок муддатли режалаштириш зарур ёки мумкинлигини тушунмайди. Гоҳида улар стратегик жиҳатдан фикрлаш ва таҳлил қилишга қодир эмас, майда масалалар билан ўзини чалғитиб, кўпинча ташаббусни қўлга олиш ўрнига рақибнинг ҳаракатларига жавоб қайтаради. Бундай раҳбарлар қисқа муддатли ҳаракатларга кўп куч сарфлаб, курашнинг умумий саъй-ҳаракатини мақсадга эришишга йўналтирадиган бир қанча муқобил йўллариини изламайди.

Айрим демократик ҳаракатлар диктатурани қулатишнинг кенг қамровли стратегиясини ишлаб чиқиш ўрнига саъй-ҳаракатларни бошқа муҳим сабабларга кўра жорий муаммоларни ҳал қилишга йўналтиради. Уларда диктатурани ўз кучи билан афдариш мумкинлиги тўғрисида қатъий ишонч йўқ. Шу боис бундай ҳаракатларни режалаштириш улар томонидан вақтни беҳуда сарфлаш ёки фойдасиз иш сифатида кўриб чиқилади. Қудратли ва золим диктатураларга қарши озодлик учун курашаётган одамлар кўпинча анча кучли ҳарбийлар ва полицияга қарши туради. Уларнинг тасаввурича, диктатура кўнгли туссаган ишни қилишга қодирдек туюлади. Бироқ бундай одамлар ҳеч қандай умид бўлмасада, диктатурага ўзининг ҳалоллиги сабабли ва балким, тарих учун ҳам қарши туради. Гарчи улар буни ҳеч қачон тан олмайди ва ёки англаган ҳолда бу ҳақда ўйламайди, уларга ўзларининг ҳаракати гўёки умидсиздек кўринади. Шу боис бундай одамлар учун узок муддатли стратегик режалаштиришнинг аҳамияти йўқ.

Бундай вазиятларда стратегик режалаштиришнинг йўқлиги кўпинча аянчли натижаларга олиб келади: ҳаракат кучлари майда бўлақларга бўлиниб кетади ва арзимас муаммоларга сарфланади, ҳаракатлар самарасиз бўлади, қурбонлар эса беҳуда бўлиб қолади. Агар демократлар стратегик режаларни ишлаб чиқмаса, ўз мақсадига эришиши амри маҳол. Ёмон режа, ҳаракатларнинг тасодифий бирикиши кенг кўламли қаршилиқ ҳаракатини олға силжитмайди.

Бунинг натижасида диктатура ўз назорати ва ҳокимиятни кенгайтириши мумкин.

Афсуски, озодликка эришишнинг кенг қамровли стратегик режаси камдан-кам ҳолларда ишлаб чиқилиши ёки умуман ишлаб чиқилмаслиги сабабли диктатуралар аслидагига қараганда янада барқарор туюлади. Улар кераклидан ортиқ йиллар ёки ўн йилликлар давомида, омон қолишади.

### **Стратегик режалаштиришнинг тўртта муҳим атамаси**

Стратегик фикрлаш мақсадлари учун тўртта асосий атама моҳиятига аниқлик киритиш лозим.

Бош стратегия қарама-қаршиликларда ўз мақсадига эришишга интилаётган гуруҳга тегишли ва мавжуд барча ресурсларни (иқтисодий, инсоний, маънавий, сиёсий, ташкилий ва ҳоказо) мувофиқлаштириш ва бевосита қўллаш учун фойдаланиладиган концепция ҳисобланади.

Бош стратегия асосий эътиборни зиддиятда гуруҳ мақсадлари ва ресурсларига қаратиб, қарама-қаршиликлар пайтида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг энг мос келадиган услубларини (масалан, оддий қуролли ҳаракатлар ёки нозўравон кураш) белгилайди. Ҳаракатлар етакчилари стратегик режани ишлаб чиқишда рақибга нисбатан қандай босим ва таъсир ўтказилишини баҳолаши ҳамда режалаштириши лозим. Сўнгра бош стратегия қаршилик кампаниясининг бошланғич ва кейинги ҳаракатларининг амалга оширилишини талаб этадиган шартлар бўйича ҳамда вақт доирасида қарорларни ўз ичига олиши лозим.

Бош стратегия кураш олиб боришнинг энг чекланган стратегиясини танлаш учун асосий доирасини ташкил этади. Шунингдек, бош стратегия маълум гуруҳлар олдига умумий вазифаларни қўйиш ва ресурсларни курашда фойдаланиш учун улар ўртасида тақсимлашни белгилайди.

Стратегия зиддият чоғида бош стратегия доирасида ҳаракат қилиб, аниқ мақсадларга эришишга тўртки берувчи концепция ҳисобланади. Стратегия курашни бошлаш ёки бошламаслик, уни қачон ва қандай олиб бориш ва бу курашда аниқ мақсадларни қўлга киритиш учун энг юқори самарага қандай эришиш мумкинлиги ҳақидаги саволларга жавоб беради. Стратегияни баъзида рассом ғояси, стратегик режани эса меъмор чизмаларига қийслаш мумкин (12).

Шунингдек, стратегия рақиб очик қаршилиқ кўрсатганда мағлубиятга учраши муқаррарлигига ишонч ҳосил қилиб, курашмасдан таслим бўлишига мажбур қиладиган қулай стратегик вазиятни шакллантиришга оид саъй-ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Акс ҳолда эса, рақиб таслим бўлмаса, қулай стратегик вазият демократларнинг ғалабасини таъминлайди. Бундан ташқари стратегия қўлга киритилган ғалабалардан фойдаланиш ҳаракатларини ҳам ўз ичига олади.

Стратегик режа курашнинг боришига қараб, кампания қандай ривожланиши ва унинг турли таркибий қисмлари мақсадга эришишга ёрдам бериши учун қай йўсинда қўшилиши мумкинлиги тўғрисида умумий тасаввур беради. Бунда тор қўламдаги операцияларда муайян жанговар гуруҳлардан оқилона фойдаланиш кўзда тутилади. Оқилона стратегияни режалаштиришда операция чоғида курашнинг танланган турли шакллари муваффақиятли қўллашга қўйилган талаблар ҳам эътиборга олиниши лозим. Курашнинг турли шакллари турли талабларни кўзда тутди. Табиийки, фақат “талаблар”нинг бажарилишигина муваффақиятга эришиш учун етарли эмас. Бунинг учун қўшимча омиллар ҳам талаб этилиши мумкин.

Демократлар стратегияни ишлаб чиқишда ўз мақсадларини аниқ тузиши ва бу мақсадларга эришиш учун кўрилатган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини баҳолаш услубларини аниқлаши лозим. Бундай таҳлил ва аниқлик стратегларга қўйилган ҳар бир мақсадга эришиш учун аниқ талаблар тузиш имконини беради. Шунингдек, аниқлик тактик режалаштиришга ҳам тааллуқлидир.

Ҳаракатлар тактикаси ва услубларидан стратегияни амалга ошириш учун фойдаланилади. Тактика мавжуд кучлардан фойда келтирмайдиган вазиятда энг кўп фойда кўриш учун оқилона фойдаланишни англатади. Тактика аниқ бир мақсадга эришиш учун кўрилган чекланган қўламдаги ҳаракат ҳисобланади. Тактикани танлаш қарама-қаршилиқнинг муайян босқичида мавжуд стратегияни ҳаётга тадбиқ этиш учун кураш воситаларидан қандай йўсинда фойдаланиш кераклиги ҳақидаги концепцияга асосланади. Самарадорликни ошириш учун эса стратегик мақсадларга эришишда ёрдам берадиган тактика ва услубларни диққат билан танлаш ҳамда қўллаш лозим. Стратегик мақсадларга эришишни тезлаштирмайдиган тактик ғалабалар охири-оқибат энгриянинг беҳуда сарфланишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, тактика бош стратегиянинг бир қисми ҳисобланган стратегия каби кенг қўламли стратегия доирасида қўлланиладиган чекланган миқёсдаги



ҳаракатлар билан шуғулланади. Тактика ҳар доим кураш билан боғлиқ бўлса, стратегия кенг кўламли ҳаракатларни кўзда тутлади. Муайян тактика жанг ёки кампания умумий стратегиясининг бир бўлаги сифатида қабул қилиниши мумкин. Тактика стратегияга қараганда қисқа муддатга, тор соҳаларда (географик, институционал ва бошқалар) ва кам сонли одамлар билан ёки чекланган мақсадларда қўлланилиши мумкин. Нозўравон курашларда тактик ва стратегик мақсад ўртасидаги тафовут қисман кураш мақсади аҳамиятсиз ёки муҳим ҳисобланишига боғлиқ.

Стратегик мақсадларга эришиш учун ҳужум билан олиб бориладиган тактик ҳаракатлар танланади. Тактик жанглار рақибга ҳал қилувчи зарба бериш учун қулай шароитлар яратишнинг воситалари саналади. Шу боис, тактик операцияларни режалаштириш ва ўтказишга жавобгар кишилар вазиятни тўғри баҳолаши ва бунинг учун энг мос услублардан фойдаланишни билишлари жуда муҳимдир. Ҳаракатларнинг бўлажак иштирокчилари танлаб олинган усуллар ва муайян ҳаракат услубларидан фойдаланишни ўрганиши лозим.

Услуб ҳаракатнинг аниқ қуроли ёки воситасини англатади. Бундай воситалар нозўравон кураш услуби доирасида курашнинг 5-бобда қайд этилган ўнлаб аниқ шакллари (масалан, турли хил иш ташлашлар, бойкотлар, сиёсий ҳамкорликдан бош тортиш) ўз ичига олади (Иловага қаранг).

Нозўравон кураш учун муҳим ва самарали стратегик режани ишлаб чиқиш бош стратегия, стратегия, тактика ва услубларни аниқ ифодалаш ҳамда танлашга боғлиқ.

Диктатурани ағдаришни пухталиқ билан стратегик режалаштиришда ақл-идрокдан кенг фойдаланишнинг талаб этилиши ушбу мунозаранинг асосий моҳияти ҳисобланади. Режалаштиришдаги муваффақиятсизлик ҳалокатга олиб келиши мумкин. Айни пайтда интеллектуал қобилиятдан самарали фойдаланиш стратегик йўналишни яратиши ва унга кўра, мавжуд ресурслардан тўғри фойдаланиш ва жамиятни озодлик ҳамда демократия мақсадлари сари олға йўналтириш мумкин.

## **7-боб. Стратегияни режалаштириш**

Қаршилик ҳаракати етакчилари муваффақият қозониш эҳтимоллигини ошириш учун жабрланган одамларни бирлаштириш, диктатурани

заифлаштириш ва кейинчалик йўқ қилиш ҳамда мустаҳкам демократияни ташкил этиш бўйича кенг қамровли ҳаракат режасини тузиши лозим. Бундай режани тузиш учун эса вазиятни ва самарали ҳаракат қилиш йўлларини синчковлик билан ўрганиш керак. Бундай пухта таҳлил озодлик учун курашишнинг бош стратегиясини ҳамда айрим ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқишнинг негизини ташкил этиши мумкин. Ҳолбуки, бош стратегия ва айрим ҳаракатлар стратегияларини ишлаб чиқиш алоҳида-алоҳида жараёнлар ҳисобланади. Айрим кампаниялар стратегиялари бош стратегия тайёрлангандан сўнггина батафсил ишлаб чиқиши мумкин. Айрим кампаниялар стратегиялари бош стратегия мақсадларига эришиш ва мустаҳкамлаш учун ишлаб чиқилади.

Қаршилик стратегиясини ишлаб чиқиш кўплаб масала ва вазифаларни ҳисобга олишни талаб этади. Бу ерда бош стратегия даражасида ҳам, айрим ҳаракатлар стратегияси даражасида ҳам ҳисобга олиниши лозим бўлган бир қанча муҳим омилларни қайд этиш жоиз. Бироқ ҳар қандай стратегик режалаштириш қаршилик ҳаракати режасини ишлаб чиқувчиларидан қарама-қаршиликдаги вазиятини чуқур тушунишни, жумладан, жисмоний, тарихий, ҳукуматга тегишли, ҳарбий, маданий, ижтимоий, сиёсий, психологик, иқтисодий ва халқаро омилларни кўриб чиқишини талаб қилади. Шунингдек, стратегиялар маълум бир кураш ва унинг сабабларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқиши мумкин.

Авваламбор, демократия етакчилари ва стратегия ишлаб чиқувчилардан иш мақсади ва муҳимлигини баҳолаш талаб этилади. Мақсадлар учун курашиш ўзини оқлайдими ва нима учун? Курашнинг ҳақиқий мақсадларини аниқлаш зарур. Юқорида зикр этилганидек, диктатурани ағдариш ёки мавжуд диктаторларни ҳокимиятдан четлаштиришнинг ўзи кифоя эмас. Демократик бошқарув тизимига эга озод жамиятни ташкил этиш мазкур қарама-қаршиликларнинг мақсади ҳисобланади. Ушбу масалани аниқ тушуниш бош стратегияни ва ундан келиб чиқадиган хусусий стратегияларни ишлаб чиқишга таъсир кўрсатади.

Чунончи, стратегияларда қуйида келтирилган саволларга ўхшаш кўплаб асосий саволларга жавоблар бўлиши лозим:

- Озодлик йўлида қандай асосий тўсиқлар турибди?
- Қандай омиллар озодликка эришишга ёрдам беради?
- Диктатура қандай асосий кучларга таянади?
- Диктатуранинг қандай заиф томонлари бор?

- Диктатура кучларининг манбалари қай даражада заиф?
- Қандай кучлар демократлар ва аҳолини қўллаб-қувватлайди?
- Демократик кучлар ҳамда асосий омманинг қандай заиф тамонлари мавжуд, ва улардан қутилиш чоралари.
- Қарама-қаршиликка жалб қилинмаган томонлар қандай мақомга эга, диктатурага ҳам, демократик ҳаракатга ҳам ким ва қандай усуллар билан ёрдам беради ёки ёрдам бериши мумкин?

## **Воситаларни танлаш**

Стратегияларни ишлаб чиқувчилар жорий зиддият пайтида фойдаланиладиган асосий кураш воситаларини бош стратегия даражасида танлаши лозим. Бу борада курашнинг оддий ҳарбий ҳаракатлар, партизанлар уруши, сиёсий бўйсунмаслик каби ва бошқа муқобил усулларига хос устунлик ва чеклашларни ҳам баҳолаш керак.

Стратеглар бу каби танловни амалга оширгач, қуйидаги саволларга эътибор қаратиши лозим: Танланган кураш тури демократик кучлар имкониятларига мос келадими? Танланган кураш усуллари жабрланган аҳолининг кучли томонларидан фойдаланадими? Курашнинг ушбу услублари диктатуранинг заиф томонларига мўлжалланганми ёки унинг кучли томонларига ҳужум қиладими? Танланган воситалар демократларга ўз кучларига ишонишга ёрдам берадими ёки учинчи томон ёхуд ташқи таъминотчиларга боғлиқ бўлишни талаб этадими? Танланган воситалар диктатурани қулатишда қандай ҳисса қўшиши мумкин? Бу воситалар қарама-қаршиликларнинг ривожланиши натижасида юзага келадиган қурбонлар сони ва вайронгарчиликлар кўламини камайтирадими ёки чеклайдими? Танланган воситалар диктатурани шартли равишда афдариш натижасида пайдо бўлган ҳукуматга қандай таъсир кўрсатади? Самарасиз деб топилган ҳаракат услублари ишлаб чиқилган бош стратегиядан ўчириб ташланиши лозим.

Олдинги бобларда сиёсий бўйсунмаслик курашнинг бошқа услубларига қараганда муайян устунликка эга эканлигини таъкидлаб ўтдик. Стратеглар аниқ вазиятни текшириб, сиёсий бўйсунмаслик юқорида келтирилган саволларга ижобий жавоб бера олиши ёки олмаслигини аниқлаши лозим.

## **Демократияни режалаштириш**

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, бош стратегиянинг диктатурага қарши курашининг асосий мақсади нафақат диктатурани тугатиш, балки янги диктатура таъсир ўтказа олмайдиган демократик тизимни ўрнатишдан

иборат. Танланган кураш воситалари ушбу мақсадларга мос келиши учун жамиятда самара берадиган ҳокимиятни тақсимлашда ўз ҳиссасини қўшиши керак. Диктатура шароитида аҳоли ва фуқаролик ташкилотлари жуда заиф, ҳукумат эса ҳаддан ташқари кучли бўлади. Янги ҳукмдорлар ушбу мутаносибликни ўзгартирмас экан, ўзлари ҳам хоҳласа, шундай диктаторлар бўлиши мумкин. Шу сабабли “сарой” ва давлат тўнтаришлари номақбул ишлардир.

Сиёсий бўйсунмаслик эса самарали кучни жамиятни диктатурага қарши сафарбар қилиш йўли билан тенг тақсимлашда ўз улушини қўшади. Бу масала бешинчи бобда батафсил келтирилган. Мазкур жараён турли йўллар билан кечиши мумкин. Курашнинг куч ишлатилмайдиган имкониятларини ишлаб чиқишда диктатурага зўравонлик билан жазолаш чоралари орқали аҳолини бундан буён бўйсундириш ва кўрқитиш имконини бермаслиги назарда тутилади. Аҳоли диктатор ҳокимиятига қаршилик кўрсатиш, баъзида эса ҳокимиятининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш учун кучли воситаларга эга бўлади. Бундан ташқари, халқ кучини сиёсий бўйсунмаслик орқали жалб қилиш жамиятнинг мустақил ташкилотларини янада кучайтиради. Бир марта қўлланилган самарали куч тажрибаси эсдан тез чиқмайди. Курашда орттирилган билим ва тажриба жамиятнинг ҳукумат тепасига келиши мумкин бўлган диктаторларга осонгина бўйсунмиш эҳтимоллигини пасайтиради. Кучлар нисбатидаги бундай ўзгариш пировардида мустаҳкам демократик жамиятни ўрнатиш эҳтимоллигини анча оширади.

### **Ташқи кўмак**

Бош стратегияни тайёрлаш жараёнида диктатурани ағдаришда ички қаршилик ва ташқи тазйиқнинг нисбий ролини баҳолаш лозим. Ушбу таҳлилда асосий кураш кучлари мамлакатнинг ичида ҳаракат қилиши кераклиги қайд этилган эди. Халқаро ёрдам даражаси ва мавжудлиги ички кураш билан кучайтирилади.

Қўшимча сифатида диктатурага нисбатан инсонпарварлик, ахлоқий ва диний асосларда жаҳон жамоатчилигининг салбий фикрини шакллантириш мумкин. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан диктатурага қарши дипломатик, сиёсий ва иқтисодий санкциялар қўллашга йўналтирилиши мумкин. Бундай санкциялар иқтисодий эмбарго ва қурол-яроқ етказиб бериш бўйича эмбарго кўринишига эга бўлиши, дипломатик муносабатлар даражасини пасайтириши ҳамда дипломатик алоқаларни узиши, диктаторлик бошқаруви мавжуд мамлакатларга иқтисодий ёрдам ва

инвестициялар жалб қилинишини тақиқлаши, диктаторлик ҳукуматини турли халқаро ташкилотлар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари таркибидан ўчириши мумкин. Бундан ташқари демократик кучларга бевосита молиявий ёрдам ва алоқа воситалари билан таъминлаш кўринишида халқаро кўмак берилиши мумкин.

### **Бош стратегияни ишлаб чиқиш**

Бош стратегияни ишлаб чиқувчилар вазиятни баҳолаш, воситаларни танлаш ва ташқи ёрдам ролини аниқлашга мувофиқ қарама-қаршиликнинг ривожланиш имкониятларининг умумий хомаки режасини тайёрлаши лозим. Бундай умумий режа жорий вазият, кутилаётган озодлик даври ва демократик тизимни ўрнатиш даврини камраб олиши керак. Ишлаб чиқувчилар бош стратегияни тайёрлашда кўплаб саволларга жавоб бериши зарур. Қуйидаги саволлар сиёсий бўйсунмасликнинг бош стратегиясини ишлаб чиқишда эътиборга олинishi лозим бўлган муайян омилларни ифода этади:

Узоқ муддатли курашни нимадан бошлаган маъқул? Жабрланган аҳоли дастлаб чекланган кўламда бўлсада, диктатурага қарши чиқиши учун ўзига етарли даражада ишонч ва кучга қандай эга бўлиши мумкин? Аҳолининг қаршилик кўрсатиш ва курашиш қобилияти вақт ўтиши ва тажриба эгаллаши сайин қанчалик ошиши мумкин? Қатор чекланган кампанияларнинг жамият устидан демократик ҳокимият ўрнатиш ва диктатурани чеклаш мақсадлари нималардан иборат?

Диктатурадан қутулиб қолган мустақил ташкилотлар борми ва улардан озодлик учун курашда фойдаланиш мумкинми? Жамиятнинг қандай ташкилотлари диктатура назоратидан озод этилиши мумкин, қандай ташкилотлар демократлар томонидан ўз мақсадларига эришиш ва диктаторлик бошқаруви давом этган шароитда ҳам демократик соҳаларни ташкил этиш учун қайта ташкил этилиши керак?

Қаршилик давомида уюшган кучни қандай мустаҳкамлаш мумкин? Иштирокчиларни қандай ўргатиш мумкин? Кураш жараёнида қандай ресурслар (пул, ускуналар ва ҳоказолар) талаб этилади? Аҳолини сафарбар қилишда қандай рамзий белгилар самарали бўлади?

Диктаторлар ҳокимиятининг манбалари қандай ҳаракатлар ёрдамида ва қандай босқичда аста-секин кучсизлантирилиши ҳамда тугатилиши мумкин? Курашаётган аҳоли бир пайтнинг ўзида куч ишлатмасдан зарур тартибни ўрнатган ҳолда, ўз курашида қандай иштирок эта олади? Жамият кураш

жараёнида ўзининг асосий эҳтиёжларини қандай қондиради? Зиддиятнинг ривожланиш жараёнида ижтимоий тартиб қандай сақланади? Демократик қаршилик кучлари ғалабага эришишда ўтиш даври имкони борича осон бўлиши учун собиқ диктаторлик жамиятининг институционал базасини ташкил этишни қандай давом эттиради?

Диктатурага қарши озодлик ҳаракатларининг ҳаммаси учун стратегияни ишлаб чиқишнинг намунали режаси бўлмаслигини ва уни тайёрлашнинг иложи йўқлигини эсдан чиқармаслик лозим. Диктатурани ағдариш ва демократик тизимни ўрнатиш бўйича олиб бориладиган ҳар бир кураш бир-биридан нима биландир фарқ қилади. Бир-бирига тамомила ўхшайдиган вазиятлар бўлмайди, ҳар бир диктатура бир қанча ўзига хос хусусиятга эга бўлади, шунингдек, озодлик учун курашаётган аҳолининг имкониятлари ҳам фарқ қилади. Бош стратегияни ишлаб чиқувчилар нафақат мазкур қарама-қаршиликдаги вазиятни, балки кураш учун танлаб олинган воситаларни ҳам чуқур тушуниши лозим.

Бош стратегия пухта ишлаб чиқилгандан сўнг ундан кенг омма фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Ҳаракатларда иштирок этиш истагини билдирган кўп сонли тарафдорлар умумий концепция ва айрим кўрсатмаларни эсдан чиқармаса, катта интилиш билан ҳаракат қилади. Бундай билимлар уларнинг маънавий руҳига, иштирок этишга тайёргарлиги ва тўғри ҳаракат қилишига ижобий таъсир кўрсатади. Умумий стратегиянинг асосий қоидалари ҳар ҳолда диктаторларга маълум бўлади, асосий қоидаларни билиш эса улар томонидан шафқатсиз жазоларни яширин ҳолда камайтиришига олиб келиши мумкин. Негаки, бу катағонлар уларнинг ўзларига қаратилган сиёсий акс таъсирга эга бўлиши мумкин. Бош стратегиянинг айрим хусусиятларидан хабардор бўлиш диктаторлар қароргоҳида ҳам яширин ҳолда келишмовчилик ва хоинликка олиб келиши мумкин.

Демократик кайфиятдаги гуруҳлар диктатурани ағдариш ва демократик тизимни ўрнатиш бўйича бош стратегик режани қабул қилгач, унинг рўёбга чиқишида қатъият кўрсатиши лозим. Бошланғич умумий стратегиядан фақат айрим ҳоллардагина четга чиқиш содир бўлиши мумкин. Ишлаб чиқувчилар танланган бош стратегия нотўғри тузилганига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач ёки кураш шароити жиддий ўзгаришларга дуч келганда, бош стратегияни ўзгартириши мумкин. Бундай ҳолат юзага келган тақдирда ҳам, ушбу ўзгартишлар фақат бош стратегия такроран жиддий текширилгач ва айнан шунга ўхшаш янги стратегик режа ишлаб чиқилиб, тасдиқлангандан сўнггина амалга оширилиши лозим.

## Кампания стратегиясини режалаштириш

Диктатурани ағдариш ва демократияни ўрнатиш учун мўлжаллаб ишлаб чиқилган бош стратегия қанчалик оқилона ва истиқболли бўлмасин, ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун диктаторлик ҳокимиятини барбод қилишга қаратилган кампанияларни ўтказишнинг айрим стратегияларини ҳам ишлаб чиқиш зарур. Бундай стратегиялар ўз навбатида, диктаторлик тузумига ҳал қилувчи зарбани берадиган барча тактик манёврларини ўз ичига олади. Тактика ва ҳаракатларнинг айрим услублари шундай танлаб олиниши керакки, улар ҳар бир аниқ стратегиянинг мақсадларига эришишда ёрдам бериши лозим. Бу ерда фақат стратегик даражадаги масалалар муҳокама қилинмоқда.

Асосий кампанияларни режалаштирадиган стратеглар бош стратегия ишлаб чиқувчилари сингари танлаб олинган кураш усулларининг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама идрок этишлари даркор. Сиёсий кураш режасини ишлаб чиқувчилар ҳарбий стратегияни ишлаб чиқиш учун кучлар тузилмаси, тактика, моддий-техника таъминот, қурол-яроғ, географик шароитларни билиши лозим бўлган армия офицерлари каби нозўравон курашнинг ўзига хос хусусиятлари ва стратегик тамойилларини унутмаслиги лозим. Бироқ нозўравон курашни билиш, ушбу қўлланмада келтирилган маслаҳатларга амал қилиш, бу ерда қайд этилган саволларга берилган жавоблар ҳам стратегияни ўз-ўзидан шакллантира олмайди. Стратегияни ишлаб чиқиш билимлар билан мустаҳкамланган ижодкорликни талаб қилади.

Қаршилик кўрсатувчи айрим кампанияларнинг стратегияларини, шунингдек, озодлик учун курашнинг узоқ муддатли ишланмаларини режалаштиришда сиёсий кураш стратеглари кўплаб вазифа ва муаммоларни кўриб чиқишлари лозим. Яъни:

Кампанияларнинг аниқ мақсадлари ва уларнинг бош стратегияни амалга оширишдаги улушини аниқлаш.

Танланган стратегияларнинг рўёбга чиқиши учун энг мос келадиган аниқ услублар ёки сиёсий қуролни танлаш. Алоҳида стратегик кампаниянинг ҳар бир умумий режасида курашда фойдаланиладиган тор доирадаги тактик режаларни аниқлаш лозим. Уларни диктатура ҳокимияга тазйиқ ўтказиш ва унинг манбаларига тўсқинлик қилишда қўллаш учун керак бўлади. Шунинг унутмаслик керакки, асосий мақсадларга эришиш тўғри танланган ва жорий этилган айрим кичик ҳаракатлар натижаларидан иборат бўлади.

Иқтисодий масалалар умумий сиёсий кураш билан боғлиқ бўлиши шарт ёки шарт эмаслигини ёхуд қандай боғлиқ бўлиши кераклигини аниқлаш. Агарда иқтисодий услублар курашда кенг қўлланадиган бўлса, диктатура ағдарилгандан сўнг уларнинг оқибатларини бартараф этишга эътибор қаратиш лозим. Акс ҳолда, демократик жамиятга ўтиш даври давомида тезкор қарорлар қабул қилинмаса, умидсизлик ва норозиликлар юзага келади. Бундай ҳолатлар иқтисодий офатга нукта қўйишга ваъда берадиган диктаторлик кучларнинг қайта тирилиши учун шароит яратади.

Қаршилик кўрсатиш курашини бошлаш учун энг яхши бошқарув тузилмаси ва алоқа тизимини олдиндан аниқлаш. Кураш жараёни давомида қаршилик кўрсатиш ҳаракати иштирокчилари ва аҳолининг узлуксиз бошқарувини таъминлаш учун қарорлар қабул қилиш ва алоқа тизимининг қандай воситаларини қўллаш мумкин?

Қаршилик ҳаракати янгиликларини асосий омма, диктаторлик кучлари ва халқаро оммавий ахборот воситаларига етказиш. Баёнот ва репортажлар ҳар доим далилларга қатъий асосланган бўлиши даркор. Бўрттириш ва асоссиз баёнотлар қаршилик ҳаракатига бўлган ишончни йўқотади.

Қарама-қаршиликнинг ривожланиши жараёнида ўз аҳолиси эҳтиёжларини қондириш учун амалий, ижтимоий, маърифий, иқтисодий ва сиёсий фаолиятни ўз имкониятларига асосланган ҳолда режалаштириш. Бундай лойиҳалар қарама- қаршиликда бевосита иштирок этмаётган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Айрим кампания ёки озодлик учун умумий курашни қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдамнинг маъқул турини аниқлаш. Ички кураш ташқи омилларга боғлиқ бўлмаслиги учун ташқи ёрдамни қандай жалб қилиш ва ундан қандай фойдаланиш мумкин? Бу борада ёрдам бериши мумкин бўлган ва маъқул келган ташқи гуруҳларга, масалан нодавлат ташкилотлар (ижтимоий ҳаракатлар, диний ва сиёсий гуруҳлар, касаба уюшмалари ва ҳоказолар), ҳукумат ёки БМТ ва унинг турли ташкилотларига эътибор қаратиш лозим.

Бундан ташқари, қаршилик кўрсатиш стратегиясини ишлаб чиқувчилар диктаторлик ҳокимиятига оммавий қаршилик пайтида ўз кучи билан тартибни сақлаш ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун чоралар кўриши лозим. Бу муқобил ва мустақил демократик тузилмаларни ташкил этиши ва ҳақиқий талабларни қондириши билан бир қаторда, тартибсизлик ҳамда қонунга риоя



қилмасликка чек қўйишга қаратилган даъватлар ва шафқатсиз жазоларга ишонишни пасайтиради.

### **Ҳамкорлик қилишни рад этиш ғоясини тарқатиш**

Аҳоли томонидан ҳамкорлик қилишдан бош тортиш ғоясининг қабул қилиниши диктатурага муваффақиятли қаршилик кўрсатишда муҳим омил ҳисобланади. “Маймунлар ҳукмдори” масалида (3-бобга қаранг) қайд этиб ўтилганидек, асосий ғоя оддий: кўпчилик тобе бўлган одамлар ақсарияти жазо чоралари мавжудлигига қарамай ҳамкорликдан бош тортса, золимона тизим ўз-ўзидан заифлашиб, кейинчалик қулайди.

Диктатура шароитида яшаётган одамлар ушбу концепция тўғрисида турли манбалардан билиб олган таниш бўлиши мумкин. Шундай бўлган тақдирда ҳам, демократик кучлар ҳамкорлик қилишни рад этиш ғоясини режали равишда тарқатиши ва оммалаштириши лозим. Жамиятда “Маймунлар ҳукмдори” ҳикояси ёки шунга ўхшаш воқеалар кенг тарқалиши ва яхши ўзлаштирилиши мумкин. Одамлар ҳамкорлик қилишдан бош тортишнинг асосий концепциясини қабул қилганидан сўнг уларда диктатура билан ҳамкорлик қилишдан воз кечиш тўғрисида бўладиган даъватларнинг муҳимлигини тушуниш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, улар бошқа вазиятларда ҳам ҳамкорлик қилишдан бош тортишнинг кўплаб шакллари ўзлари ўйлаб топиши мумкин.

Демократлар диктатура шароитида қаршилик кўрсатишга тааллуқли ғоялар, янгиликлар, йўриқномалар билан алмашиш бўйича уринишларнинг мураккаблиги ва хавфлилигига қарамай, кўпинча бу ишларни амалга ошириш мумкинлигини исботлайди. Ҳаттоки, фашистлар ва коммунизм тузуми пайтида ҳам қаршилик кўрсатиш ҳаракати аъзолари нафақат айрим шахслар, балки ноқонуний газеталар, варақалар, китоблар, кейинчалик эса аудио ва видеокассеталар чиқариш орқали кўплаб одамлар билан алоқа қилиш имконига эга бўлган.

Қаршилик кўрсатиш бўйича умумий йўриқномалар олдиндан ишлаб чиқилган стратегик режалаштириш ёрдамида тайёрланиши ва тарқатилиши мумкин. Бу йўриқномаларда аҳоли норозилик билдириши ва ҳамкорликни чеклаши мумкин бўлган ҳолатлар ҳамда шароитлар, шунингдек, ушбу ҳаракатларни амалга ошириш жоиз бўлган услублар баён этилиши мумкин. Энди эса, аҳоли демократия етакчилари билан алоқанинг ва аниқ йўриқномаларни чиқариш ёки олишнинг иложи йўқлигига қарамай, баъзи муҳим вазиятларда қандай

ҳаракат қилиш кераклигини тушуниб етади. Бундай йўриқномалар ҳар замон, сиёсий полиция томонидан обрўсизлантирадиган тадбирларга чорлаш мақсадида чиқариладиган сохта “қаршилик кўрсатиш йўриқномалари”ни аниқлаш услубларини ўз ичга олган.

## **Қатағон ва қарши чоралар**

Стратегия ишлаб чикувчилар диктатура томонидан демократик қаршилик ҳаракатига жавоб тариқасида қўлланиши мумкин бўлган чоралар ва жазолар, айниқса зўравонлик даражасини баҳолаши лозим. Бу борада юзага келиши мумкин бўлган кучайган жазоларга қандай қарши туриш, бартараф этиш ёки улардан қутулиб қолиш йўллари аниқлаш керак. Тактикадан келиб чиқиб, айрим ҳолларда аҳоли ва қаршилик ҳаракати аъзолари намоёишларда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган хавф тўғрисида тасаввурга эга бўлиши учун уларни ушбу хавф тўғрисида огоҳлантириш лозим. Агарда жиддий жазо чоралари қўлланадиган бўлса, қаршилик ҳаракатининг жароҳатланган аъзоларига тиббий ёрдам кўрсатишга тайёрланиш лозим.

Кампаниянинг мақсадига эришиш имконини бериш билан бир қаторда шафқатсиз жазолар қўлланиши эҳтимоллилигини камайтирадиган тактика ва услублардан фойдаланиш стратеглар учун жазолардан огоҳ этишнинг яхши услуби ҳисобланади. Мисол учун, диктатурага қарши намоёишлар ва тантанали юришлар жуда самарали бўлиши билан бирга унда иштирок этаётган минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келиши ҳам мумкин. Бироқ намоёишчилар бу тарзда ўз жонини қурбон қилгани билан диктатурага иш ташлашлар, фуқаро ходимлар томонидан ҳамкорлик қилишдан бош тортиш бўйича ўтказиладиган кенг қўламли тадбирлар сингари таъсир ўтказа олмайди.

Агарда фожеали оқибатларга олиб келадиган фитнали қаршилик ҳаракати таклиф этиладиган бўлса, ушбу ҳаракатни ўтказишдан фойда бўлиши ёки бўлмаслигини жиддий ўйлаб кўриш лозим. Бу борада қаршилик кўрсатиш ҳаракати иштирокчилари ва аҳоли кураш жараёнида ўзини тартибли тутадими ва зўравонликни қўлламайдими, улар зўравонлик ишлатишга ундовчи иғволарга учмайдими, деган саволлар юзага келади. Режаларни ишлаб чикувчилар куч ишлатилмайдиган ҳаракатларда тартибни сақлаш учун қандай чоралар кўриш мумкинлигини кўрсатиши ва шафқатсизликлардан ҳимоя воситасини ташкил этиши лозим. Шу ўринда савол туғилади: кафиллик, сиёсий баёнотлар, тартиб- интизомга риоя қилишга чорловчи варақалар, тажовузкорлик кайфиятидаги шахслар ва гуруҳларнинг намоёишлар ҳамда

бойкотларга даъватлари каби чораларга йўл қўйилиши мумкинми ва улар ўз самарасини берадими? Шунинг учун етакчилар ғаламисларнинг намоийшчилар орасида куч ишлатиш кераклиги тўғрисида ифво тарқатиш билан шуғулланадиган гумашталаридан эҳтиёт бўлиши керак.

### **Стратегик режага содиқлик**

Демократик кучлар батафсил стратегик режа тузилгандан сўнг диктаторларнинг бош стратегия ва муайян кампания стратегиясини рад этишга ундовчи аҳамиятсиз чораларига эътибор бермаслиги лозим. Негаки, бу асосий фаолиятни кераксиз муаммоларга қаратишга олиб келади. Диктатуранинг янги шафқатсизликларига қарши дарҳол пайдо бўлган ҳеч қандай ҳис-туйғу ёки фикрлар демократик қаршилиқ ҳаракатини унинг бош стратегияси ёки кампания стратегиясидан чалғитмаслиги даркор. Бу золимликлар демократик кучларни ўзининг пухта ишлаб чиқилган режаларидан воз кечиш ва ҳаттоки, диктаторларга, бу курашда, демократик кучларни йўқ қилишга ёрдам берувчи зўравонликларни содир этишга ундаш учун, махсус тайёрланган бўлиши ҳам мумкин.

Муҳим тадқиқотларнинг тўғрилиги эътироф пайдан бошлаб, демократик кайфиятдаги кучларнинг вазифалари аста секинлик билан олға қараб силжишдан иборат бўлади. Тактика ва оралик мақсадларда ўзгаришлар албатта, юз беради ва яхши етакчилар ҳар доим янги имкониятларни ишга солишга тайёр туришлари лозим. Бундай тафсилотлар бош стратегия ва муайян кампания мақсадларига зид бўлмаслиги керак. Танланган бош стратегия ва муайян кампаниялар стратегияларини режа асосида амалга ошириш маълум даражада муваффақиятга эришишда ёрдам беради.

### **8-боб. Сиёсий бўйсунмаслик амалиёти**

Аҳоли ожизлик ва қўрқувни ҳис этганда дастлабки вазифалар хавф-хатар билан боғлиқ бўлмаган ишончни мустаҳкамлайдиган хатти-ҳаракатлардан иборат бўлиши лозим. Бундай ҳаракатлар, масалан ўзига хос бўлмаган тарзда кийиниш, оммавий намоийши сифатида хизмат қилиши ва жамиятга норозилик тадбирларида бевосита иштирок этиш имконини бериши мумкин. Бошқа ҳолларда эса, сиёсат билан боғлиқ бўлмаган (юзасида) арзимас воқеалар (масалан, тоза сув таъминоти учун кураш) гуруҳ фаолиятига эътибор жалб қилиши мумкин. Бу борада стратеглар кенг жамоатчилик эътиборини ўзига жалб қила оладиган ва тақиқлаш қийин бўлган фаолиятни танлаши керак. Мазкур чекланган кампаниялар муваффақияти нафақат маълум бир

норозиликни бартараф этиш, балки катта имкониятларга эга бўлган аҳоли онгини ўзгартиришдан иборат.

Узоқ муддатли кураш кампанияларининг аксарият стратегиялари диктатурани бевосита ва тамомила йўқ қилишга эмас, балки муайян мақсадларга эришишга қаратилиши лозим. Ҳамма кампания ҳам ўз ҳаракатида аҳолининг барча қатламининг иштирок этишини талаб этмайди.

Қаршилик ҳаракати стратеглари бош стратегияни амалга оширишга мўлжалланган маълум бир кампаниялар изчиллигини ишлаб чиқишда узоқ муддатли курашнинг бошида, ўртасида ва натижани қўлга киритиш олдидан ўтказиладиган кампаниялар бир-биридан қандай фарқ қилишини тасаввур қилишлари керак.

### **Танланадиган қаршилик кўрсатиш**

Курашнинг бошланғич даврида турли аниқ мақсадларга эга айрим кампаниялар фойда келтириши мумкин. Бундай кампаниялар бирин-кетин амалга оширилиши, баъзида эса уларнинг икки ёки учтаси қисман бир вақтда содир этилиши мумкин.

“Танланадиган қаршилик кўрсатиш” стратегиясини режалаштиришда диктатурани сиқувга олишни ифодаловчи чекланган доирадаги специфик муаммоларни ёки норозиликларни аниқлаш даркор. Бу муаммолар кампанияларнинг умумий стратегия доирасидаги оралиқ стратегик мақсадларига эришиш учун қулай мақсадлар бўлиши мумкин.

Оралиқ стратегик мақсадлар демократик кучларнинг жорий ёки режалаштирилган кучи даражасида эришиб бўладиган бўлишлари керак. Бу жанговар руҳни сақлаш учун фойдали кетма-кет ғалабаларни қўлга киритишга ёрдам беради, шунингдек, узоқ муддатли курашда кучлар нисбатида ижобий ўзгаришларни таъминлайди.

Танланадиган қаршилик кўрсатиш стратегиялари асосан аниқ ижтимоий, иқтисодий ёки сиёсий муаммоларга қаратилиши зарур. Бундай танлов ижтимоий ва сиёсий тизимнинг диктаторлар назорати остида бўлмаган баъзи қисмларини сақлаб қолиш, уларнинг назорати остидаги айрим қисмларни қўлга киритиш ёки диктаторларнинг айрим мақсадларга эришишига тўсқинлик қилиш учун амалга оширилади. Юқорида қайд этилганидек, танланадиган қаршилик кўрсатиш кампаниялари агар имкони бўлса, диктатуранинг битта ёки бир қанча заиф жойига зарба бериши керак. Шу

тариқа демократлар ушбу таъсир кўрсатиш борасида кўпроқ самарага эга бўлиши мумкин.

Дастлаб, стратеглар биринчи кампания стратегиясини режалаштириши лозим. Унинг чекланган мақсадлари нимадан иборат бўлади ва танланган бош стратегияни амалга оширишга қандай ёрдам беради, деган саволларга жавоб топиши керак. Бу борада агар имкони бўлса, иккинчи, балким учинчи кампания стратегияларининг хомаки режасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу барча стратегиялар танланган бош стратегияни амалга оширишга қаратилиши ва унинг умумий кўрсатмалари доирасида ўтказилиши даркор.

### **Рамзий даъват**

Диктатурани йўқ қилиш бўйича янги кампанияни бошлашда дастлабки у ёки бу даражадаги аниқ сиёсий ҳаракатлар ўз кўлами билан чекланган бўлиши мумкин. Бу ҳаракатлар қисман аҳоли кайфиятини текшириш ва унга таъсир кўрсатиш, шунингдек, халқни ҳамкорликдан бош тортиш ва сиёсий бўйсунмаслик йўли билан курашни давом эттиришига тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилиши керак.

Дастлабки хатти-ҳаракатлар рамзий норозилик кўринишига эга бўлиши ёки ҳамкорликдан чекланган даражада ёхуд вақтинчалик воз кечиш тадбири бўлиши мумкин. Агар ҳаракат иштирокчилари камчиликни ташкил этса, дастлабки тадбир масалан, рамзий аҳамиятга эга жойга гуллар қўйишга айланиши мумкин. Иккинчи томондан, тадбирда кўпчилик одам иштирок этса, фаолиятни тўхтатиш ёки бир қанча дақиқа сукут сақлаш кўринишига эга бўлиши мумкин. Бошқа вазиятларда эса, бир қанча одам очлик эълон қилиши, рамзий аҳамиятга эга жойда намойиш уюштириши, талаблар томонидан машғулотларда бойкот эълон қилиниши ёки муҳим идора олдида ўтирган ҳолда иш ташлаш эълон қилиниши мумкин. Диктатура шароитида бундай тажовузкорона хатти-ҳаракатларга нисбатан кескин жазо чоралари кўрилади.

Диктатор саройи ёки сиёсий полиция маҳкамаси олдидаги майдони эгаллаб, баъзи рамзий намойишларни уюштириш, хавф-хатар мавжудлиги сабабли кампанияни бошлаш тавсия этилмайди.

Дастлабки рамзий норозилик намойишлари баъзида кенг кўламли миллий ва халқаро жамоатчиликни ўзига жалб қилади. 1988 йил Бирмадаги оммавий кўча намойишлари ёки 1989 йили Пекиндаги Тяньаньмань майдонида талабаларнинг йиғилиши ва очлик эълон қилгани бунга мисол бўла олади. Ҳар

икки ҳолатда ҳам намоишчилар орасида қурбонлар кўп бўлгани боис стратеглар кампанияни режалаштиришда жуда эҳтиёткор бўлиши лозим. Бундай намоишлар маънавий ва рухий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканлигига қарамай уларни диктатурани ағдариш жараёнида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки улар маълум маънода рамзий ҳисобланади ва диктаторлик ҳокимиятида вазиятни ўзгартиришга ёрдам бермайди.

Одатда, курашнинг дастлабки босқичида диктаторлик ҳокимияти манбаларини тез ва тўлиқ тўсиб қўйишнинг иложи йўқ. Тузумни ҳамкорлик қилишдан оммавий ва қатъий бош тортиш орқали ағдариш ва унга қаршилик кўрсатиш учун бутун жамият ва унинг деярли ҳамма ташкилотининг жалб қилиниши талаб этилади. Бундай ҳолат ҳали юз бергани йўқ ва бу каби натижага эришиш ниҳоятда қийин вазифа. Шу сабабли аксарият ҳолларда ҳамкорлик қилишдан тўлиқ бош тортиш ва бўйсинмаслик бўйича тезкор кампания диктатурага қарши курашаётган кампаниялар учун амалга ошириб бўлмайдиган стратегия ҳисобланади.

### **Жавобгарликни тақсимлаш**

Танланадиган қаршилик кўрсатиш жараёнида асосий кураш fronti бир қанча вақт аҳолининг битта ёки бир қанча қатлами билан таъминланади. Бошқа мақсадларни кўзлайдиган кейинги кампанияларда эса асосий кураш frontига аҳолининг бошқа қатламлари жалб қилинади. Масалан, талабалар ўқув жараёнидаги сабаблар бўйича намоишлар уюштириши, дин уламолари ва диндорлар эътиқод эркинлиги муаммосига эътиборни қаратиши, темир йўл ходимларининг хавфсизлик қоидаларига тартибли равишда амал қилиши темир йўл тизими ишини сусайтириши, журналистлар газеталарни ўз мақолаларининг босилиши тақиқлангани сабабли уларнинг ўрнига ҳеч нарса қўймасдан чоп этиш орқали цензурага қарши чиқиши, полиция демократик муҳолифатнинг қидирувдаги аъзоларини топиш ва ҳибсга олишда ҳар доим муваффақиятсизликка учраши мумкин. Қаршилик давом этаётган бир пайтда қаршилик кўрсатиш кампанияларини аҳоли қатламлари ва муаммоларга боғлиқ ҳолда режалаштириш аҳолининг маълум қатламининг фаоллигини пасайтириб қўйиши мумкин.

Танланадиган қаршилик кўрсатиш айниқса, диктатуранинг таъсир доирасида бўлмаган мустақил ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий гуруҳ ҳамда ташкилотларнинг мавжудлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишда жуда муҳимдир. Ҳокимиятнинг ушбу марказлари ташкилий базаларни ифодалайди ва аҳоли улар орқали диктатура назоратига тазйиқ ўтказиши ёки қаршилик

кўрсатиши мумкин. Кураш жараёнида бу марказлар диктатурага зарба берадиган асосий мўлжалларидан бирига айланиши мумкин.

### **Мўлжални диктаторлар ҳокимиятига қаратиш**

Узоқ муддатли кураш давомида дастлабки стратегиялар кенг кўламли ва жиддий тус олганда, стратеглар диктаторлар ҳукмронлиги манбаларини чеклаш йўллари аниқланиш лозим. Бундан кўзланган мақсад аҳолининг ҳамкорлик қилишдан бош тортишидан фойдаланган ҳолда, демократик кучлар учун янги ва янада қулай стратегик вазиятни яратиш ҳисобланади.

Стратеглар демократик кучларнинг таъсир доираси кенгайишига қараб, ҳамкорлик қилишдан воз кечиш ва итоатсизлик кўламини кенгайтириш орқали диктатура ҳокимиятининг манбаларини чеклашни режалаштириши, диктатурани сиёсий жиҳатдан кучсизлантириб ва охир-оқибат йўқ қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши даркор.

Бу борада демократик кучлар томонидан аввал диктатурага бўйсинган тарафдорлар ва гуруҳларни заифлаштириш жараёни пухта режалаштирилиши керак. Уларнинг ёрдами тузум томонидан амалга оширилган шафқатсизликларни фош этиш, диктаторлар сиёсатининг фожиали иқтисодий натижаларини намоиш этиш орқали кучсизлантириладими ёки диктатура ағдарилиши мумкинлигини англаш йўли билан заифлаштириладими? Диктатура тарафдорларини ҳеч бўлмаганда ўз фаолиятида “бетараф” бўлиб қолишга ишонтириш зарур ва уларни демократик ҳаракатнинг фаол тарафдорларига айлантириш мақсада мувофиқ бўлади.

Сиёсий бўйсинмаслик ва ҳамкорлик қилишдан бош тортишни режалаштириш ҳамда амалга ошириш жараёнида диктаторнинг барча асосий тарафдорлари ва маслаҳатчилари, жумладан уларнинг ички гуруҳлари, сиёсий партияси, полицияси, тўралари ва айниқса армиясига жиддий эътибор қаратиш муҳим масала ҳисобланади.

Демократик кучларнинг тажовузкор ҳарбийларга таъсир ўтказиш мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқарган ҳолда, диктаторларнинг қуроли кучлари – ҳам аскарлари, ҳам офицерларининг содиқлик даражасини синчковлик билан баҳолаш лозим. Яъни, армияга чақирилган кўплаб оддий аскарлар бахтсиз ва жабрланган бўлиши, кўпчилик аскар ва офицерлар тузумдан шахсий, оилавий ёки сиёсий сабабларга кўра норози бўлиши, яна қандай омиллар уларни демократик кучлар таъсирига тушишга мажбур қилиши мумкинлигини аниқлаш керак.

Озодлик курашининг бошидаёк, диктаторларнинг кўшинлари ва амалдорлари билан муносабат ўрнатишнинг алоҳида стратегиясини ишлаб чиқиш зарур. Демократик кучлар кўшинларни сўзлар, рамзлар ва хатти-ҳаракатлар ёрдамида озодлик кураши серҳаракат, қатъий ва шиддатли бўлишига ишонтириш керак. Армия кураш уларнинг ҳаётига таҳдид солиш учун эмас, балки диктатурани йўқ қилиш учун ишлаб чиқилган ўзига хос хусусиятга эга эканлигини англаши лозим. Пировардида бундай саъй-ҳаракатлар диктаторлар армиясини руҳан парчалаш ва уларнинг демократик ҳаракатни афзал кўришига қаратилади. Бу каби стратегиялар полиция ва давлат хизматчиларига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

Бироқ диктаторларнинг ҳарбийлашган тузилмаларининг раҳмини келтиришга ва бўйсунмасликка даъват қилишга ўринишлар қуролли кучларни мавжуд диктатурани ҳарбий тўнтариш йўли билан тез ағдаришга қизиқтириш сифатида қабул қилинмаслиги керак. Бундай сценария бўйича баривож демократиянинг пайдо бўлиши даргумон. Негаки, тўнтариш аҳоли ва ҳукмдорлар ўртасидаги кучлар нисбатини ўзгартирмайди. Шу боис армиянинг хайрихоҳ офицерларини диктатурага қарши ҳарбий тўнтариш ҳам, фуқаролар уруши ҳам фойда бермаслигини қандай бўлмасин тушунишга мажбур этишни режалаштириш лозим.

Хайрихоҳ офицерлар қуролли кучларда норозилик ва бўйсунмасликни тарқатиш, бўйруқларни атайлаб самарасиз қилиш, яширин тарзда рад этиш ва жазоларда иштирок этишдан бош тортишни қўллаб-қувватлаган ҳолда, демократик курашда муҳим роль ўйнаши мумкин. Шунингдек, ҳарбийлар демократик ҳаракатга нозўравон ёрдамнинг турли услубларини қўллаши мумкин. Жумладан, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаши, ахборот, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш, тиббий ёрдам кўрсатиш ва ҳоказолар.

Армия диктаторлар кучларининг ўта муҳим манбаларидан бири саналади. Чунки у итоатсиз аҳолига бевосита ҳужум қилиш ва уни жазолаш учун интизомли қисмлар ҳамда қуролдан фойдаланишга қодир. Бўйсунмаслик ҳаракати стратеглари полиция, бюрократлар аппарати ва қуролли кучлар тўлиқ диктатура томонида бўлса ва уннинг бўйруқларига итоат этса, уни ағдариш жуда қийин бўлишини эсдан чиқармаслиги лозим. Шу сабабли демократик ҳаракат стратеглари диктаторларнинг ҳарбийлашган тузилмаларининг содиқлигига путур етказиш стратегияси ўта муҳимлигини эътиборга олиши даркор.



Демократик кучлар қуролли кучлар ва полиция хизматчиларининг норозилиги ва бўйсунмаслиги уларнинг ўзи учун ҳам жуда хавфли эканини унутмаслиги керак. Чунки улар ҳар қандай бўйсунмаслик ҳаракати учун шафқатсиз жазоланиши ва ҳар қандай кўзғолон учун қатл этилиши мумкин. Демократик кучлар аскар ва офицерларни зудлик билан ғалаён кўтаришга чорламаслиги лозим. Бунинг ўрнига, агарда улар билан алоқа ўрнатилган бўлса, дастлабки босқичда қўллаш мумкин бўлган “яширин бўйсунмаслик”нинг кўплаб хавфсиз турлари мавжудлигини аниқ тушунтириш зарур. Масалан, полиция ва ҳарбийлар буйруқларни самарасиз бажариши, қидирувдаги одамларни топмаслиги, қаршилик кўрсатиш ҳаракати аъзоларини жазо чоралари, ҳибсга олиш ёки шаҳардан чиқариб юбориш масалалари режалаштирилаётганидан огоҳлантириши, шунингдек, юқори мансабдорларга муҳим ахборотни бермаслиги мумкин. Норози офицерлар мансаб бўйича ўзидан юқори турган командирларнинг жазо чораларини ўтказиш бўйича топшириқларини эътиборга олмаслиги, аскарлар намоёнчиликларга қарата эмас, балки баландга ўқ узиши, давлат хизматчилари эса зарур ҳужжатлар ва йўриқномалар солинган папкани йўқотиб қўйиши, секин ишлаши, “касал бўлиши” ва “тузалгунича” уйда ўтириши мумкин.

### **Стратегияни ўзгартириш**

Сиёсий бўйсунмаслик стратеглари бош стратегия ва муайян кампаниялар стратегияларининг бажарилиши самарадорлигини мунтазам баҳолаб бориши зарур. Масалан, кураш қутилгандан кўра қониқарсиз олиб борилаётган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда стратегияга қандай ўзгартишлар киритиш талаб этилаётганини ўйлаб кўриш керак. Ҳаракат кучини ошириш ва ташаббусни қўлга олиш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим? Бундай вазиятда муаммони аниқлаб, стратегик баҳолашни ўтказиш, балким курашиш вазифасини аҳолининг бошқа гуруҳига топшириш, қўшимча куч манбаларани сафарбар қилиш ёки бошқа ҳаракат йўналишини ишлаб чиқиш талаб этилади. Шундан сўнг зудлик билан янги режани амалга ошириш лозим.

Иккинчи томондан, агар кураш қутилгандан кўра муваффақиятли кечаётган ва диктатура тахмин қилганга қараганда эрта ағдариладиган бўлса, демократик кучлар диктатурани фалаж қилиш учун қутилмаган ғалабалардан қандай фойдаланиши ва олға интилиши мумкин? Бу масалаларни келгуси бобда муҳокама этамиз.

### **9-боб. Диктатурани қулатиш**

Қаршилик кўрсатишни кучайтириш, жамиятнинг диктатура самарали назорат қила олмайдиган жойларнинг пайдо бўлиши ва кенгайтирилиши, сиёсий бўйсунмасликнинг уюшқоқлик билан ўтказилган муваффақиятли кампанияларининг умумий натижаси ҳисобланади. Бу каби кампаниялар ҳамкорликдан қандай воз кечиш ва сиёсий бўйсунмасликни қандай ташкил этиш ҳақидаги муҳим тажрибага ҳам бой бўлиши мумкин. Бундай тажриба оммавий кўламда ҳамкорликдан бош тортиш ва сиёсий бўйсунмаслик вақти келганда катта ёрдам бериши мумкин.

3-бобда келтирилганидек, итоаткорлик, ҳамкорлик қилиш ва бўйсунмиш диктаторлар кучаларининг энг муҳим омиллари ҳисобланади. Диктаторлар кучи сиёсий ҳокимият манбаларидан фойдаланмас экан сусайиб бораверади ва охир- оқибат нобуд бўлади. Шундай қилиб, ёрдамдан маҳрум этиш диктатурани ағдариш учун ўта зарурий вазифа ҳисобланади. Куч манбалари сиёсий бўйсунмаслик таъсирига учраётганини кузатиш ҳам фойдалидир.

Тузумнинг қонунийлигига, яъни маънавий ва сиёсий обрўсига путур етказиш бўйича мавжуд воситалар орасида рамзий воз кечиш ва бўйсунмаслик тадбирлари ҳам бор. Тузум обрўси қанчалик юқори бўлса, унга бўйсунмиш ва у билан ҳамкорлик қилиш шунчалик кенг ҳамда ишончлидир. Диктатуранинг мавжудлигига жиддий хавф туғдириш учун уни маънавий жиҳатдан маъқулламаслик таъсир кўрсатиши керак. Тузумнинг бошқа куч манбаларидан фойдаланишини йўққа чиқариш учун уни ҳамкорлик ва бўйсунмишдан маҳрум этиш даркор.

Инсон ресурслари, ҳукмдорларга итоат этадиган, ҳамкорлик қиладиган ва ёрдам берадиган одамлар ҳамда гуруҳлар сони ва аҳамияти кучнинг иккинчи муҳим манбаи ҳисобланади. Аҳолининг кенг қатлами ҳамкорлик қилишдан бош тортса, тузум учун жиддий муаммолар юзага келади. Масалан, давлат хизматчилари самарасиз ишласа ёки ишга чиқмайдиган бўлса, маъмурият жиддий қийинчиликларга дуч келади.

Илгари махсус хизматлар ёки билимлар билан таъминлаган шахслар ёки гуруҳлар ҳам ҳамкорликдан воз кечадиган бўлса, диктаторларнинг ўз ҳукмини ўтказиш қобилияти заифлашади. Шу билан бирга, уларнинг батафсил ахборот асосида қарорлар қабул қилиш ва самарали сиёсатни ишлаб чиқиш қобилияти ҳам жиддий чекланади.

Агар одамларни ҳукмдорларга итоат этиш ва ёрдам кўрсатишга мажбурлайдиган номоддий омиллар, яъни руҳий ва мафкуравий таъсир заифлашса ёки ўз кучини йўқотса, аҳоли бўйсунмасликка ва ҳамкорлик қилишдан бош тортишга янада мойил бўлади.

Диктаторларнинг моддий ресурслардан фойдаланиш имконияти ҳам уларнинг ҳокимиятига бевосита таъсир кўрсатади. Молиявий ресурслар, иқтисодий тизим, мол-мулк, табиий ресурслар, транспорт ва алоқа воситаларини тузумнинг ҳақиқий ёки яширин рақиблари назорат қилса, диктатуранинг яна бир куч манбаи заифлашади. Иш ташлашлар, бойкотлар, иқтисодиёт, алоқа ва транспорт соҳасида ўзини ўзи мустақил идора қилиш кенгайганда ҳам тузум ўз кучини йўқотади.

Юқорида зикр этилганидек, диктаторларнинг кўрқитиш ёки санкциялар қўллаш қобилияти, яъни аҳолининг ўжар, бўйсунмайдиган ва ҳамкорлик қилишдан бўйин товлайдиган қатламини жазолаш уларнинг асосий куч манбаи ҳисобланади. Мазкур куч манбаини икки усул билан заифлаштириш мумкин. Биринчидан, агар аҳоли уруш давридаги каби бўйсунмаслик учун ўз жонини фидо қилишга ҳам тайёр бўлса, мавжуд санкцияларнинг самарадорлиги анча пасаяди (яъни, диктаторларнинг жазо чоралари етарли даража бўйсуннишни таъминламайди). Иккинчидан, полиция ва қуроли кучлар тузумдан норози бўлса, улар якка тартибда ёки биргаликда қаршилик ҳаракати қатнашчиларини ҳибсга олиш, калтаклаш ёки отиб ташлашга доир буйруқларни бажаришдан бўйин товлаши ёхуд тўғридан-тўғри рад этиши мумкин. Ваҳолонки, диктатура қатағонни амалга ошириш учун полиция ва қуроли кучларга таянмас экан, у жиддий хавфга рўпара келади.

Қисқача қилиб айтганда, илдиз отган диктатурага қарши кураш муваффақияти, ҳамкорликдан воз кечиш ва бўйсунмаслик, тузум куч манбаларани заифлаштиришини ва тўсиб қўйишини, талаб этади. Диктатура ҳокимияти ўзининг керакли куч манбаларини мунтазам янгиламас экан, у заифлашади ва пировардида парчаланади. Шундай қилиб, диктатурага сиёсий бўйсунмасликни стратегик жиҳатдан оқилона режалаштириш диктаторларнинг муҳим куч манбаларига йўналтирилиши лозим.

### **Озодликни кенгайтириш**

Танланадиган қаршилик кўрсатиш кампанияси даврида мустақил ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий институтларнинг кўпайиши сиёсий бўйсунмаслик билан бир қаторда жамиятнинг “демократия макони”ни изчил

кенгайтиради ва диктатура назоратини камайтиради. Аҳоли диктатурага қаршилик кўрсатаётган фуқаролик институтларининг мустақамланишига қараб, зудлик билан, диктатор истагига хилоф равишда уларнинг назорати доирасидан холи, бўлган мустақил жамиятни кўра боради. Диктатура “озодликнинг кенгайишини” тўхтатиш мақсадида аралашса, ушбу қўлга киритилган маконни ҳимоя қилиш учун нозўравон курашни қўллаш мумкин ва диктатура олдида яна битта кураш “фронти” пайдо бўлади.

Вақт ўтган сайин қаршилик кўрсатиш ва институционал қурилишнинг бундай уйғунлашиши ҳақиқатда ҳам озодликка эришишга ёрдам беради ва жамиятда куч нисбати тубдан ўзгаргани боис диктатурани ағдариб, демократик тизимни шак-шубҳасиз расман жорий этади.

1970-1990 йилларда Польшадаги жамият ва институтлар вазифаларининг қаршилик кўрсатиш ҳаракати иштирокчилари назоратига ўтиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Католиклар черкови таъқибларга дуч келишига қарамай ҳеч қачон коммунистлар назоратига тўлиқ бўйсунмаган. 1976 йилда зиёлилар ва ишчилар вакиллари ўзларининг сиёсий ғоясини илгари суриш учун ИХҚ (ишчиларни ҳимоя қилиш кўмитаси) каби кичик гуруҳларни ташкил этди. Бирдамлик касаба уюшмалари ташкилоти иш ташлашлар эълон қилиш ҳуқуқига эга эканлиги билан 1980 йилда ҳокимиятларни ўз қонунини қабул қилишга кўндирди. Деҳқонлар, талабалар ва бошқа кўплаб гуруҳлар ҳам ўзларининг мустақил ташкилотларини шакллантирди. Коммунистлар ушбу гуруҳлар кучлар нисбатини ўзгартирганини тушунгач, бирдамликни яна тақиқлади ва ҳарбий бошқарувни ишга солди.

Янги мустақил институтлар фавқулотда вазиятлар, кўплаб қамокқа олишлар ва шафқатсиз таъқибларга қарамай, фаолият кўрсатишни давом эттирди. Мисол учун, ўнлаб ноқонуний газета ва журналларни чоп этиш давом этди. Машҳур муаллифлар коммунистик нашриётлар ва ҳукумат босмаҳоналарини тан олмаган бир пайтда ноқонуний босмаҳоналар ҳар йили юзлаб китобларни чоп этди. Бу каби фаолиятлар жамиятнинг бошқа қатламларида ҳам амалга оширилди.

Ярузельскийнинг ҳарбий тузуми пайтида ҳарбий-коммунистик ҳукумат жамият бошига чиқиб олгани тўғрисида гапирилганди. Амалдорлар аввалгидек, ҳукумат бинолари ва хоналарини эгаллаб турган эди. Тузум жамиятга жазолаш, ҳибсга олиш, қамаш, босмаҳоналарни эгаллаб олиш ва ҳоказолар билан ҳужум қилишга қодир эди. Бироқ диктатура жамият устидан

назоратни аллақачон қўлдан бой берган эди. Шу боис тузумнинг жамият томонидан тўлиқ ағдарилиши фақат вақтга боғлиқ эди.

Тузум ҳукуматда ўз ўрнини эгаллаб турсада, баъзида демократик “параллель ҳукумат” тузиш имконияти пайдо бўлади. Ушбу янги ҳукумат аҳоли ва ҳамкорлик қилувчи фуқаролик институтларининг қўллаб-қувватлашидан фойдаланган ҳолда, рақиб-ҳукумат сифатида узоқ вақт фаолият кўрсатиши мумкин. Диктатура бундай вазиятда ҳукумат сифатидаги хусусиятларини йўқотиши мумкин. Оқибатда параллель демократик ҳукумат диктаторлик тузумини демократик тизимга ўтиш элементи сифатида тўлиқ алмаштириши мумкин. Сўнгра талаб этилган тартибда конституция қабул қилиниб, сайловлар ўтказилади.

### **Диктатурани қулатиш**

Жамиятни институционал ўзгартириш давомида бўйсунмаслик ва ҳамкорликдан бош тортиш ҳаракати янада кенгайиши мумкин. Демократик кучлар стратеглари танланадиган қаршилик кўрсатишдан оммавий бўйсунмасликка ўтиш вақтини олдиндан кўра билиши лозим. Аксарият ҳолларда қаршилик кўрсатиш ҳаракатини ташкил этиш, кучайтириш ёки кенгайтириш учун вақт талаб этилади, оммавий бўйсунмасликни ривожлантириш эса фақат бир неча йилдан сўнг рўй бериши мумкин. Бундай оралик даврда улкан сиёсий мақсадларга эга танланадиган қаршилик кўрсатиш кампанияларини ўтказиш ва уларга жамиятнинг барча қатламлари, кенг аҳоли оммасини жалб қилиш керак. Фаолиятни бу тарзда кенгайтириш чоғидаги қатъий ва интизомли сиёсий бўйсунмаслик шароитида диктатуранинг ички ожизлиги янада очиқ-ойдин намоён бўлади.

Кучли сиёсий бўйсунмасликни бирлаштириш ва мустақил институтларни ташкил этиш вақт ўтиши билан кенг халқаро ҳамжамият эътиборни жалб қилиши зарур. Шунингдек, ушбу ҳолат халқаро дипломатик миссиялар томонидан қоралаш, демократик кучларни қўллаб-қувватлаш учун (Польшада бўлганидек) бойкотлар ва эмбарго эълон қилишга олиб келиши мумкин.

Стратеглар айрим ҳолларда диктатура 1989 йилда Шарқий Германияда бўлгани каби, жуда тез фурсатда қулаши мумкинлигини инобатга олиши даркор. Бу диктатура аҳоли томонидан маъқулланмаслиги натижасида куч манбаларининг оммавий тарзда тўсилиши туфайли юз беради. Аммо бундай ҳоллар кам-камдан учрайди ва шунинг учун узоқ муддатли курашни (лекин қисқа курашга ҳам тайёр туриш керак) режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Озодлик кураши давомида унчалик муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган ғалабалар ҳам қайд этилиши керак. Негаки, зафар кучганлар ҳурматга сазовордир. Шу билан бирга, намойишлар билан байрам қилиш ҳам курашнинг келгуси босқичлари учун зарур бўлган маънавий руҳни кўтаришга ёрдам беради.

### **Муваффақиятга масъулиятли муносабатда бўлиш**

Бош стратегияни тузувчилар курашни муваффақият билан якунлаш мумкин бўлган ва маъқул усулларни олдиндан ҳисоб-китоб қилиши лозим. Бундан кўзланган мақсад эса, янги диктатура пайдо бўлишининг олдини олиш ва узоқ муддатли демократик тизимни босқичма-босқич ўрнатишни таъминлашдан иборат.

Демократлар кураш якунлангандан сўнг диктатурадан муваққат ҳукуматга ўтиш қандай ташкил этилишини аниқлаши керак. Бу даврда янги ва самарали фаолият кўрсата оладиган ҳукуматни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ бу янги ходимлардан ташкил топган эски ҳукумат бўлмаслиги лозим. Шу нуқтаи назардан, эски ҳукумат таркибининг қандай бўлимлари (масалан, сиёсий полиция) демократияга қарши кайфиятда бўлгани боис тўлиқ тугатилиши ва қандай бўлимларни келажакда демократик ислоҳотларни амалга ошириш учун қолдириш мумкинлигини аниқлаши даркор. Тўлиқ ҳукумат ваакуми тартибсизлик ёки янги диктатуранинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Диктатура ҳокимияти кулагандан сўнг унинг юқори мансабдор шахсларига нисбатан қўлланадиган сиёсатни олдиндан ўйлаб қўйиш керак. Масалан, диктаторлар ишини судда кўриб чиқиш мумкинми? Мамлакатни тарк этишларига ижозат бериш мумкинми? Сиёсий бўйсунмаслик, мамлакатни қайта куриш ва ғалабадан сўнг демократияни ўрнатиш заруратига мос келадиган бошқа қандай вариантлар пайдо бўлиши мумкин? Бу борада булғуси демократик тизим учун фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хунрезликларга йўл қўймаслик лозим.

Диктатура заифлашгач ёки барбод бўлгач, демократияга ўтишга доир аниқ режалар қўллаш учун тайёр бўлиши керак. Бундай режалар давлат ҳокимиятини бошқа гуруҳ томонидан тўнтариш ўтказиш орқали эгаллаб олинишининг олдини олишга ёрдам бериши зарур. Шу билан бирга, бу борада тўлиқ сиёсий ва шахс эркинликларига эга конституциявий демократик бошқарувни ўрнатиш режаси ҳам талаб этилади. Машаққат билан қўлга

киритилган ўзгаришларни режалаштириш йўқлиги сабабли бой бермаслик керак.

Аҳоли куч-қудратининг ортиши ва диктатура назорат қила олмай қолган мустақил демократик гуруҳлар ҳамда институтларнинг ривожланиши туфайли диктаторлар ўзларининг фириблари поёнига етаётганини ҳис қилади. Муассасаларнинг оммавий ёпилиши, умумий иш ташлашлар, ишга оммавий чиқмаслик, бўйсунмаслик намоёишлари ва бошқа тадбирлар диктаторлар ташкилотлари ва унга бўйсунган муассасаларга путур етказди. Оқилона ва оммавий кўламда ташкил этилган ҳамда узоқ вақт давом этган бундай бўйсунмаслик ва ҳамкорлик қилишдан бош тортиш натижасида диктаторлар ўз кучини йўқотади ва демократия ҳимоячилари куч ишлатмасдан ғалабани нишонлаши мумкин ва ниҳоят, диктатура қаршилиқ кўрсатган аҳоли олдида тиз чўқади.

Ҳар қандай саъй-ҳаракат ҳам осон ва баъзида тез муваффақият билан тугамайди. Шунинг учун унутмаслик керакки, урушларда мағлуб бўлганлар қанча бўлса, ғолиблар ҳам шунча бўлади. Бироқ сиёсий бўйсунмаслик ғалаба қозонишга аниқ имконият яратади. Юқорида зикр этилганидек, ушбу имконият оқилона бош стратегия, пухта ўйланган стратегик режалаштириш, машаққатли меҳнат ва интизомли мардонавор кураш билан анча кучайтирилиши мумкин.

## **10-боб. Узоқ муддатли демократия пойдевори**

Диктатуранинг қулаши албатта, тантанали байрам қилиш учун сабаб бўлади. Узоқ вақт жабрланган ва ғалаба учун ўз жонини ҳам фидо қилган одамлар завқланиш, дам олиш ва ҳурматга сазовор бўлишга ҳақлидир. Улар, ўзи ва сиёсий озодлик ғалабаси учун ёнма-ён туриб жанг қилганлар учун фахрлиниши керак. Бироқ бу кунни ҳамма ҳам кўра олмайди. Тириклар ва қурбон бўлганларни ўз мамлакатининг озодлик тарихини яратишга ёрдам берган қаҳрамонлар сифатида эслашади.

Бироқ бу билан ҳушёрликни йўқотмаслик керак. Диктатура сиёсий бўйсунмаслик ёрдамида муваффақиятли қулатилган тақдирда ҳам эски тузум йўқ қилингандан кейинги пала-партишликлар даврида янги истибдод тузумининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўриш лозим. Демократик кайфиятдаги кучлар етакчилари демократияга тартиб-интизомга риоя қилган ҳолда ўтишга олдиндан тайёр бўлиши зарур.

Диктаторлик тузилмаларига барҳам бериш керак. Бу борада конституциявий ва қонунчилик базасини, шунингдек, узоқ муддатли демократиянинг фаолият юритиш мезонларини шакллантириш даркор.

Диктатура, ағдарилгандан сўнг ҳар жиҳатдан мукамал жамият тез ташкил этилмаслигини унутмаслик керак. Мустабид тузумнинг барбод бўлиши озодликни кенгайтириш шарти билан жамиятни такомиллаштириш ва одамлар эҳтиёжларини тегишли равишда қондириш бўйича узоқ муддатли саъй-ҳаракатлар учун бошланғич туртки беради, холос. Жиддий сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар кўплаб одамлар ҳамда гуруҳларнинг ҳамкорлигини талаб қилган ҳолда, йиллар давомида ҳал этилади. Янги сиёсий тизим турли қараш ва ёндашишга эга одамларга келажакда амалий ишлашни давом эттириш ва муаммоларни ҳал қилиш сиёсатини ишлаб чиқиш имконини бериши лозим.

### **Янги диктатура таҳдиди**

Кўп йиллар муқаддам Арасту “золимона ҳукмронлик яна золимона ҳукмронликка айланиши мумкин”, деган эди (15). Бу борада Франция (якобчилар ва Наполеон), Россия (большевиклар), Эрон (Оятулло), Бирма (СЛОРС) ва бошқа мамлакатлар тарихини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бунинг боиси золимона тузумнинг қулаши айрим шахслар ёки гуруҳлар томонидан янги ҳукмдорларга айланиш имконияти пайдо бўлгани сифатида қабул қилинади. Уларнинг сабаблари турли хил, аммо натижаси эса деярли ҳар доим бир хил бўлади. Янги диктатура аввалгисига қараганда янада шафқатсиз бўлиши мумкин.

Эски тузум ҳукумати аъзолари диктатура қулашидан олдин халқнинг қаршилиқ кўрсатиш натижасида эришган ғалабасини қўлга киритиш мақсадида муғомбирлик билан гўёки, давлат тўнтариши бўлганини кўрсатиб, демократия учун курашдан олдин отни қамчилаб қолишга ҳаракат қилишлари мумкин. Улар диктатура барбод бўлганини эълон қилиши мумкин. Аслида эса, эски тузумнинг усти қопланган янги моделини зўрлаб қабул қилдиришга интилади.

### **Тўнтаришларнинг олдини олиш**

Янги озод этилган жамиятга қаратилган тўнтаришларнинг олдини олишга ёрдам берадиган кўплаб усуллар мавжуд. Баъзида ҳимояланишнинг бундай имкониятини билиш тўнтаришга йўл қўймаслик учун етарлидир. Тайёргарчилик бунинг олдини олади.



Фитначилар тўнтаришни амалга оширгандан сўнг зудлик билан унинг қонунийлигини, яъни ўзларининг мамлакатни бошқариш бўйича маънавий ва сиёсий ҳуқуқини тан олишни талаб этади. Шу сабабли тўнтаришдан ҳимояланишнинг биринчи асосий принципи – фитначилар ҳокимиятининг қонунийлигини рад этиш ҳисобланади.

Шунингдек, фитначилар учун фуқаролар етакчилари ва аҳоли уларни қўллаб-қувватлаши, улар кучсиз ва тобелигича қолиши керак. Фитначилар ожиз жамият устидан ўз назоратини мустаҳкамлаш учун мутахассислар, маслаҳатчилар, амалдорлар, давлат хизматчилари, маъмурлар ва судьялардан ҳамкорлик қилишни талаб қилади. Улар яна сиёсий тизим, фуқаролик институтлари, иқтисодиёт, полиция ва қуроли кучларни бошқарадиган одамларнинг бўйсунлигини, ўзларининг одатдаги вазифаларини фитначилар бўйруқлари ҳамда сиёсатига мувофиқ бажаришини талаб этади.

Тўнтаришдан ҳимояланишнинг иккинчи муҳим принципи фитначиларга ҳамкорлик қилишдан бош тортиш ва бўйсунмаслик йўли билан қаршилик кўрсатиш ҳисобланади. Яъни, фитначилар талаб қилаётган ҳамкорлик қилишни ва ёрдам кўрсатишни рад этиши керак. Диктатурага қаршилик кўрсатишда ишлатилган кураш воситаларидан янги таҳдидга ҳам қаршилик кўрсатиш учун фойдаланиш мумкин. Агарда тўнтаришнинг қонунийлиги тан олинмаса ва ҳамкорликдан воз кечилса, у сиёсий жиҳатдан заифлашиши натижасида барбод бўлиши ва демократик жамиятни қуриш имконияти яна пайдо бўлиши мумкин.

### **Конституцияни ишлаб чиқиш**

Янги демократик тизим демократик бошқарувнинг мақбул доираларини белгиловчи конституция ташкил этилишини талаб этади. Конституцияда ҳукумат мақсадлари, давлат ҳокимияти чегаралари, ҳукумат амалдорлари ва қонун чиқарувчилари сайланадиган сайлов кампанияларини ўтказиш услуби ва муддати, фуқароларнинг дахлсиз ҳуқуқлари ҳамда миллий ҳукуматнинг маҳаллий бошқарув органларига нисбатан муносабати ифодаланиши лозим.

Марказий ҳукумат агарда демократия асосида иш юритса, унинг доирасида ҳокимият қонунчилик, ижро ва суд жабҳалари ўртасида тўғри тақсимланиши белгиланиши керак. Полиция, разведка хизматлари ва қуроли кучларнинг фаолиятига нисбатан қатъий чеклашлар белгиланиши, уларга сиёсатга арилиши ман этилиши даркор.

Демократик тизимни сақлаш, диктаторлик йўналишлари ва чораларининг олдини олиш мақсадида конституция ҳудудий, туман ва маҳаллий бошқарув даражасида тартибга солинадиган муайян ҳуқуқларга эга федерал тизимни ўрнатиши лозим. Баъзи ҳолатларда эса Швейцариянинг кантонлар тизимидан фойдаланиш имконияти ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Ушбу тизимда унчалик катта бўлмаган ҳудудлар мамлакатнинг бир қисми сифатида асосий ваколатларга эга эканлиги қайд этилган.

Агарда мана шу низомларнинг кўпчилигини ўз ичига олган конституция янги озод мамлакат тарихида аввал ҳам мавжуд бўлган бўлса, унга керакли ва исталган тузатишлар киритган ҳолда яна қайтадан жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Фойдаси тегадиган эски конституция мавжуд бўлмаса, ўтиш даври конституциясидан фойдаланиш ёки янги конституцияни ишлаб чиқиш ҳам мумкин. Янги конституцияни тайёрлашда маълум вақт ва мулоҳаза юритиш талаб қилинади. Ушбу жараёнда янги матн ёки тузатишларни ратификация қилишда ҳалқнинг иштироки муҳим ҳисобланади. Бу борада конституцияга кейинчалик бажариш имкони бўлмайдиган мажбуриятларни ёки бошқарувни юқори даражада марказлаштиришни талаб этадиган низомларни ўта эҳтиёткорлик билан киритиш керак. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам янги диктатуранинг пайдо бўлишига имкон яратиши мумкин.

Конституция матни оддий ҳалқ учун тушунарли бўлиши, фақат ҳуқуқшунослар ва бошқа намоёндалар тушуниши мумкин бўлган тарзда ўта мураккаб ёки икки маъноли бўлмаслиги лозим.

### **Демократик мудофаа сиёсати**

Озод этилган мамлакатга ташқи таҳдид хавф солиши мумкинлиги туфайли мудофаа қудрати талаб этилади. Чунки хорижий давлатлар ҳам иқтисодий, сиёсий ёки ҳарбий ҳукмронлигини ўтказишга уриниши мумкин.

Ички демократияни сақлаш учун миллий мудофаа талабларига нисбатан сиёсий бўйсунмасликнинг асосий тамойилларини қўллаш масалаларини кўриб чиқиш лозим. Янги озод давлатлар қаршилиқ кўрсатиш қобилиятини бевосита фуқаролар қўлига топшириб, қудратли мудофаа кучларини ташкил этишга таянмаслиги мумкин. Чунки бу кучларнинг ўзи демократияга таҳдид солишга қодир ва бошқа эҳтиёжлар учун керакли йирик иқтисодий ресурсларни талаб этади.

Айрим гуруҳлар янги диктаторлар бўлишга интилиши боис конституциянинг ҳар қандай низомини рад этиши мумкинлигини унутмаслик зарур. Шу сабабли

аҳоли бўлажак диктаторларга қарши ўз ролини бажаришга ва сиёсий бўйсунмаслик ҳамда ҳамкорликдан бош тортишни қўллашга ҳар доим тайёр туриши лозим. Бундай кураш тажрибаси аввал ёрдамга муҳтож бўлган одамларда ўзини ўзи ҳурмат қилиш ҳиссини ва ишончини мустаҳкамлаган ҳолда, муҳим руҳий оқибатларни юзага келтириши мумкин.

### **Меҳнат билан эришилган масъулият**

Нозўравон курашнинг самараси фақат диктаторларни заифлаштириб уларни қулатишда эмас, балким жабрланганларни кучайтиришдadir. Бу услуб олдиндан ўзларини қурбон деб ҳис этган шахсларга бор кучларини ишлатиб, ўзларининг ҳаракатлари орқали эркинлик ва адолатга эришишга имкон беради. Шу кураш тажрибаси муҳим руҳий аҳамиятга эга, чунки у олдиндан заиф бўлган шахслар орасида ўзларини баҳолаш ва дадиллиги яхшиланишига ҳисса қўшади.

Жамиятнинг жорий ва пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилишга қодирлиги, демократик бошқарувни ўрнатиш учун нозўравон курашни қўллашнинг, узоқ муддатли муҳим ижобий натижаси ҳисобланади. Бу муаммолар ҳукуматда мансабдан фойдаланиш ва порахўрлик, ҳар қандай гуруҳга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, иқтисодий ноҳақлик, сиёсий тизимнинг демократик сифатига қўйиладиган чеклашларни ўз ичига олиши мумкин. Сиёсий бўйсунмасликни қўллаш бўйича тажриба орттирган аҳоли бўлажак диктатуралардан ўзини ҳимоя қила олади.

Озодликка эришгач, нозўравон курашни билиш, демократия, фуқаролар эркинлиги, майда миллатлар ҳақ-ҳуқуқлари, ҳудудий, туман ва маҳаллий бошқарув институтлари ваколатларини ҳимоя қилиш услубларидан фойдаланиш имконини беради. Бундай услублар ўз навбатида, айрим шахслар ёки гуруҳларга алоҳида муаммолар бўйича ўта норозилигини тинч ифода этиш имконини берадиган воситаларни яратади. Муҳолифат гуруҳлар эса ушбу муаммолар туфайли террорчилик ёки партизанлар урушини ишга солади.

Сиёсий бўйсунмаслик ёки нозўравон кураш масалаларини муҳокама қилишда фикр юритиш ўз халқини диктаторлик зулмидан озод қилиш ва инсон эркинлигини ҳурмат қиладиган ҳамда халққа жамиятни такомиллаштиришда иштирок этиш имконини берадиган узоқ муддатли демократик тизимни ўрнатишга интилаётган барча шахс ва гуруҳлар учун фойдали бўлиши мумкин.

Мазкур ишда билдирилган ғоялар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Диктатурадан озод бўлиш мумкин;

Озодликка эришиш учун ўта пухта таҳлил ва стратегик режалаштириш талаб этилади;

Огоҳлик, машаққатли меҳнат, интизомли кураш талаб этилади ва бу курашда ҳаттоки, кўплаб қурбонлар бўлиши ҳам мумкин;

“Озодлик ҳеч қачон текинга келмайди” деган ибора тўғри айтилган. Жабрланган халққа орзу қилинган озодликни берадиган ташқи куч йўқ. Одамлар унга эришишни ўзлари ўрганиши лозим. Бу эса осон иш эмас.

Агарда одамлар озодликка эришиш учун улардан нима талаб этилаётганини тушунса, машаққатли йўллар билан бўлса ҳам, охир-оқибат озодликка эришиш имконини берадиган ўз ҳаракатини ишлаб чиқишга қодир. Ана шунда улар ғайрат билан янги демократик тартибни ўрнатиши ва уни ҳимоя қилишга тайёрланиши мумкин. Бундай кураш натижасида қўлга киритилган озодлик узок яшайди, уни сақлаш ва янада мустаҳкамлаш тарафдори бўлган кучли одамлар ёрдамида қўллаб-қувватлаш мумкин.

## **Биринчи илова**

### **Куч ишлатилмайдиган ҳаракатлар услублари**

### **Ноўравон норозилик ва ишонтириш услублари**

**(Эслатма: бу иловада келтирилган услубларнинг кўпи Ўзбек халқининг маданияти, урф одатлари, сиёсий қарашларига тўғри келмайди. Шу сабаб 198 услубларни ҳаммасини бажариш шарт деб қабул қилиниши керак эмас.)**

#### **Расмий баёнотлар**

1. Оммавий чиқишлар
2. Норозилик ёки қўллаб-қувватлаш хатлари.
3. Ташкилотлар ва муассасалар декларациялари
4. Таниқли одамлар томонидан имзоланган оммавий баёнотлар
5. Айблаш ва мақсадлар декларациялари
6. Гуруҳ ёки оммавий аризалар

## **Кенг омма билан мулоқот қилиш**

7. Лозунглар, ҳажвий расмлар ва рамзлар
8. Байроқлар, плакатлар ва кўрғазмали воситалар
9. Варақалар, памфлетлар ва китоблар
10. Газета ва журналлар
11. Магнитофон ёзувлари, пластиканлар, радио, ТВ
12. Ҳаводаги ва ердаги ёзувлар

## **Гуруҳ тадбирлари**

13. Депутациялар
14. Ҳажвий мукофотлаш
15. Гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўзига жалб қилиш
16. Намойишлар уюштириш
17. Сохта сайловлар

## **Жамоатчиликнинг рамзий тадбирлари**

18. Байроқларни осиб, рамзий рангдаги буюмлардан фойдаланиш
19. Рамзларни кўтариб юриш
20. Ибодат қилиш
21. Рамзий объектларни топшириш
22. Норозилик юзасидан кийимларни ечиш
23. Ўз мулкани йўқ қилиш
24. Рамзий оловларни ёқиш (машъала, фонус, шамлар)
25. Портретлар кўрғазмаси
26. Норозилик сифатида расм чизиш
27. Янги кўча белгилари ва номларни қўйиш
28. Рамзий овозлар
29. Ерларни «рамзий» ўзлаштириш
30. Қўпол имо-ишоралар

## **Айрим одамларга босим ўтказиш**

31. Айрим шахсларни «изма-из таъқиб қилиш»
32. Расмий шахслар устидан кулиш
33. Аскарлар билан дўстлашиш
34. Бедорлик

## **Театр ва мусиқа**

35. Кулгили таклид
36. Пьеса ва мусиқали асарларни намойиш этиш
37. Қўшиқ айтиш

## **Маросимлар**

38. Саф тортиб юришлар
39. Парадлар
40. Диний маросимлар
41. Зиёрат қилиш
42. Автоколонналар

## **Ўлганларни хотирлаш**

43. Сиёсий мотам
44. Рамзий дафнлар
45. Намойишкорона дафнлар
46. Мозорларни ибодат қилиш

## **Жамоат йиғинлари**

47. Норозилик ёки қўллаб-қувватлаш йиғинлари
48. Норозилик митинглари
49. Маскировкаланган норозилик митинглари
50. Семинарлар

## **Кетиш ва рад этиш**

51. Намойишкорона кетиш
52. Сукут сақлаш
53. Ҳурматдан воз кечиш
54. Орқаси билан ўгирилиш

## **Ижтимоий ҳамкорликдан бош тортиш услублари Айрим одамларнинг қувғин қилиниши**

55. Ижтимоий бойкот
56. Сайланадиган ижтимоий бойкотлар
57. Эр-хотинлик бурчини бажаришдан бош тортиш

(«Лисистрат бўйича»)

58. Гаплашишдан бош тортиш

59. Ибодат қилишни тўхтатиш

### **Ижтимоий воқеалар, урф-одатлар ва ишда иштирок этишни рад этиш**

60. Ижтимоий ва спортдаги фаолиятни тўхтатиш

61. Ижтимоий воқеалар бойкоти

62. Талабаларнинг иш ташлашлари

63. Жамоатчилик томонидан бўйсинмаслик

64. Жамоат ташкилотларида аъзоликни тўхтатиш

### **Ижтимоий тизимдан четлашиш**

65. Уйдан чиқишдан бош тортиш

66. Ҳамкорлик қилишни шахсан тўлиқ рад этиш

67. Ишчиларнинг қочиб кетиши

68. Пана жойда яшириниш

69. Яшаш жойидан жамоа бўлиб кетиш

70. Норозилик юзасидан бошқа мамлакатга кўчиб кетиш («хижрат»)

### **Иқтисодий ҳамкорликдан воз кечиш услублари 1. Иқтисодий бойкотлар**

#### **Истеъмолчилар тадбирлари**

71. Истеъмолчилар бойкоти

72. Воз кечилган товарлардан фойдаланмаслик

73. Таркидунёчилик сиёсати

74. Ижара ҳақини тўлашдан бош тортиш

75. Ижарага олишни рад этиш

76. Умуммиллий истеъмолчилик бойкоти

77. Халқаро истеъмолчилик бойкоти

#### **Ишчилар ва ишлаб чиқарувчилар тадбирлари**

78. Ишчилар бойкоти

79. Ишлаб чиқарувчилар бойкоти

#### **Воситачилар тадбирлари**

80. Таъминотчи ва воситачилар бойкотлари

## **Хўжайинлар ва бошқарувчилар тадбирлари**

81. Савдогарлар бойкоти
82. Мулкни ижрага бериш ёки сотишдан бош тортиш
83. Локаут (хўжайин томонидан ишлаб чиқаришнинг тўхтатилиши)
84. Саноат ёрдамни кўрсатишдан воз кечиш
85. Савдогарларнинг умумий иш ташлашлари

## **Молиявий ресурслар эгаларининг тадбирлари**

86. Банкдаги омонатларни олиш
87. Гонорар, тўловлар, қўйилган маблағларни тўлашдан бош тортиш
88. Қарз ёки фоизларни тўлашни рад этиш
89. Жамғармалар ва кредитларга нисбатан талабчанликни ошириш
90. Даромад келтиришдан бош тортиш
91. Давлат пулини рад этиш

## **Ҳукумат ҳаракатлари**

92. Ички эмбарго эълон қилиш
93. Савдогарларнинг «қора рўйхати»
94. Етказиб берувчиларнинг халқаро эмбарго эълон қилиши
95. Сотиб олувчиларнинг халқаро эмбарго эълон қилиши
96. Халқаро савдо эмбаргоси

## **Рамзий ҳамкорлик қилишдан воз кечиш услублари 2. Иш ташлашлар**

### **Рамзий иш ташлашлар**

97. Норозилик юзасидан иш ташлаш
98. Тез тарқаш («яшин тезлигидаги иш ташлаш»)

### **Қишлоқ хўжалигидаги иш ташлашлар**

99. Дехқонларнинг иш ташлашлари
100. Қишлоқ хўжалиги ишчиларининг иш ташлашлари

### **Айрим гуруҳларнинг иш ташлашлари**

101. Мажбурий меҳнатдан бўйин товлаш
102. Маҳбусларнинг норозилик чиқишлари



- 103. Хунармандларнинг иш ташлашлари
- 104. Профессионал иш ташлашлар

### **Саноатда оддий иш ташлашлар**

- 105. Истаблишмент иш ташлашлари
- 106. Саноатда иш ташлашлар
- 107. Бирдамлик учун иш ташлашлар

### **Чекланган иш ташлашлар**

- 108. Қисман иш ташлашлар
- 109. «Бампер» (танланадиган, навбатма-навбат) иш ташлаш
- 110. Иш суръатини пасайтириш
- 111. «Кўрсатмага мувофиқ қатъий» ишлаш
- 112. «Касаллик туфайли» ишга чиқмаслик
- 113. Ишдан бўшаш йўли билан иш ташлаш
- 114. Чекланган иш ташлаш
- 115. Сайланадиган иш ташлаш

### **Кўп тармоқли иш ташлашлар**

- 116. Кенг тарқаладиган иш ташлашлар
- 117. Умумий иш ташлашлар

### **Иш ташлашларнинг корхоналарни иқтисодий ёпиш билан қўшилиши**

- 118. Ишлаш ва савдо қилишни тўхтатиш («хартал»)
- 119. Бутун иқтисодий фаолиятни тўхтатиш

### **Сиёсий ҳамкорликдан бош тортиш**

### **Ҳокимиятларни қўллаб-қувватлашни рад этиш**

- 120. Ҳокимиятларга содиқ бўлишдан бош тортиш
- 121. Жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашдан воз кечиш
- 122. Қаршилик кўрсатишга чорловчи адабиёт ва маърузалар

### **Фуқароларнинг ҳукумат билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиши**

- 123. Қонунчилик органларини бойкоти қилиш

- 124. Бойкот эълон қилиб, сайловларда иштирок этмаслик
- 125. Давлат муассасаларида ишлаш ва лавозимларини эгаллаш бойкоти
- 126. Давлат муассасалари, агентликлари ва бошқа органларига бойкот эълон қилиш
- 127. Давлат таълим муассасаларидан ишдан кетиш
- 128. Ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган ташкилотларнинг бойкоти
- 129. Кучларга тартибни сақлашда ёрдам беришдан бош тортиш
- 130. Шахсий мулк ва кўча белгиларини олиб ташлаш
- 131. Расмий шахслар тайинланишини рад этиш
- 132. Мавжуд институтларни тарқатиб юборишдан воз кечиш

### **Фуқаролар бўйсунушининг муқобили**

- 133. Истар-истамас ва секинлик билан бўйсунуш
- 134. Бевосита назорат бўлмаганида итоат этмаслик
- 135. Халқнинг бўйсунмаслиги
- 136. Яширин итоатсизлик
- 137. Йиғин ёки митинг пайтида тарқалиш тўғрисидаги буйруқни бажармаслик
- 138. Ўтирган ҳолда иш ташлаш
- 139. Армияга хизматдан қилиш ва депортациядан бош тортиш
- 140. Яширинишлар, қочиш ва сохта ҳужжатлар тайёрлаш
- 141. «Адолатсиз» қонунларга фуқароларнинг бўйсунмаслиги

### **Ҳукумат ходимларининг тадбирлари**

- 142. Ҳукумат вакилларига ёрдам кўрсатишдан бош тортиш
- 143. Буйруқлар ва ахборот беришни тўсиб қўйиш
- 144. Муассасаларнинг ишлашини кечиктириш ва тўсқинлик қилиш
- 145. Маъмурий ҳамкорликдан умумий воз кечиш
- 146. Судлар билан ҳамкорликдан воз кечиш
- 147. Ижроия органларининг атайлаб самарасиз ишлаши ва уларнинг ҳамкорлик қилишдан бўйин товлаши
- 148. Қўзғолон

### **Ҳукумат ичидаги тадбирлари**

- 149. Сохта-қонуний найранглар ва кечиктиришлар
- 150. Майда ҳукумат органлари билан ҳамкорлик қилишни рад этиш

### **Ҳукуматнинг халқаро тадбирлари**

- 151. Дипломатик ва бошқа ваколатхоналардаги ўзгаришлар
- 152. Дипломатик тадбирларни кечиктириш ва бекор қилиш
- 153. Дипломатик эътироф этишда бетараф бўлиш
- 154. Дипломатик алоқаларни ёмонлаштириш
- 155. Халқаро ташкилотлар таркибидан чиқиш
- 156. Халқаро ташкилотларга аъзо бўлишини рад этиш
- 157. Халқаро ташкилотлар таркибидан ўчириш

### **Куч ишлатмасдан аралашуш услублари Руҳий аралашув**

- 158. Офатларга ўзини гирифтор қилиш (ўзини ўзи ёқиш, чўктириш ва хоказолар)
- 159. Очлик эълон қилиш
  - а) маънавий тазйиқ туфайли очлик эълон қилиш б) оч қоринга иш ташлаш
  - в) «сатьяграх» руҳида очлик эълон қилиш
- 160. «Тескари» суд (судланувчи томонидан қораловчини айблаш учун суддан фойдаланиш)
- 161. Муҳолифни нозўравон руҳий ҳолдан тойдириш

### **Жисмоний аралашув**

- 162. Ўтириш
- 163. Тик туриш
- 164. Транспортдан тушмаслик
- 165. Ирқий камситишда тақиқланган пляжлардан фойдаланиш
- 166. Турган жойида юриш
- 167. Тақиқланган черковларда сиғиниш
- 168. Мулкни бериш талаби билан зўравонликсиз юриш қилиш
- 169. Муҳолиф назорат қилмайдиган ҳудудда куч ишлатмасдан ҳавода парвоз қилиш
- 170. Тақиқланган ҳудудга куч ишлатмасдан кириш (чегарадан чиқиш)
- 171. Муҳолифатнинг зўравонлиги ёки бошқа хатти-ҳаракатларига ўз танаси билан куч ишлатмасдан тўсқинлик қилиш (руҳий таъсир ўтказиш)
- 172. Ўз танаси билан куч ишлатмасдан тўсиш (жисмоний таъсир

кўрсатиш)

173. Нозўравон босиб олиш

### **Ижтимоий аралашув**

- 174. Янги ижтимоий тартибларни ўрнатиш
- 175. Иншоотларни тўлдириб ташлаш
- 176. Йўлларни тўсиб қўйиш
- 177. Тўхтовсиз маъруза қилиш
- 178. Кўчада ҳаваскорлик томошаларини уюштириш
- 179. Муқобил ижтимоий институтлар
- 180. Муқобил коммуникация тизимлари

### **Иқтисодий аралашув**

- 181. Қарши иш ташлаш
- 182. Иш тугагандан сўнг ишхонадан чиқмаслик
- 183. Ерни куч ишлатмасдан эгаллаб олиш
- 184. Қуршаб олишни бажаришни рад этиш
- 185. Сохта пул тайёрлашни сиёсий асослаш
- 186. Стратегик муҳим товарларни эҳтиётдан оммавий сотиб олиш
- 187. Бойликларни эгаллаб олиш
- 188. Демпинг
- 189. Фирмалар ва муассасаларга шафелик қилиш
- 190. Муқобил бозорлар
- 191. Муқобил транспорт тизимлари
- 192. Муқобил иқтисодиёт институтлари

### **Сиёсий аралашув**

- 193. Маъмурий тизимга ҳаддан зиёд иш юклаш
- 194. Махфий агентларни фош қилиш
- 195. Қамоққа тикишга интилиш
- 196. Фуқароларнинг «холис қонунларга» бўйсинмаслиги
- 197. Ҳамкорликсиз ишлаш
- 198. Икки марта суверинитетга эришиш ва параллель ҳукуматни ташкил этиш

## Иккинчи илова

### МИННАДДОРЧИЛИКЛАР ВА ДИКТАТОРЛИКДАН ДЕМОКРАТИЯГА КИТОБИНИНГ ХИҚОЯСИГА ТЕГИШЛИ МУЛОҲАЗА

Мен, бу эссенинг асли ёзилганида бир нечта миннаддорчилик билдирган эдим. Брюс Женкинс, менинг ёрдамчим, 1993 йилда ушбу нашрнинг моҳияти ва тақдимоти муаммоларини аниқлаш, қийин жиҳатларни (айниқса стратегияга нисбатан) аниқ тасаввур этишга доир муҳим тавсиялари, таркибий тузилишини қайтадан тайёрлаш ва муҳаррир тузатишларини киртишдаги ёрдами билан катта ҳисса қўшди.

Стивен Коудидан ҳам муҳаррарлик тузатишлари учун миннатдормиз. Доктор Кристофер Круглер ва Роберт Хелви муҳим танқидий мулоҳазалар ва маслаҳатлар берди. Доктор Хейзел Макферсон ва Патриция Паркмен Африка ва Лотин Америкасидаги кураш хусусида ахборот тақдим этди. Аммо, анализ ва натижаларнинг жавобгарлиги менинг устимдадир.

Сўнгги йилларда, айнақса Жамиля Рақиб ва олдинги йилларда ўрганилган маълумотлар туфайли таржималар учун махсус раҳбарий принциплар тайёрланди. Бу принциплар олдинги йилларда тайёрланмаган тилларда терминологияларнинг тузилишида керал бўлган.

“Диктатурадан Демократияга”, машҳур Бирма демократи, Khit Pyaing (The New Era Journal) муҳаррири, раҳматли У Тин Маунг Вин нинг илтимоси билан ёзилган.

Бу матнинг тайёрланиши қирқ йиллик нозўравон кураш, диктатура, тоталитар режимлар, қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатлари, сиёсий ғоялар, ижтимоий анализ ва бошқа соҳаларда ўрганиш ва ёзиш натижаларига асосланган. Мен, фақатгина Бирма ҳақида ёза олмасдим, чунки Бирмани яхши билмас эдим. Бинобарин, умумий анализни ёзишга қарор бердим.

Эссенинг дастлабки ривояти Khit Pyaing да бирма ва инглиз тилларида Тайланднинг Бангкок шаҳрида 1993 йилда нашр этилган. Кейинчалик буклет шаклида ҳар ики тилда (1994й.) ва яна бирма тилида (1996 ва 1997 йй.) чиқарилган. Буклетнинг Бангкокдаги асл нашрлари Бирманинг Демократия тиклаш Кўмитанинг ёрдами билан босилган. Бу нашрлар Бирмада

сургундагилар ва тараққийпарварлар орасида махфий равишда тарқатилди. Анализ фақатгина Бирма Рангун ҳукуматидан эркинликни хоҳлаётган Бирмадаги демократлар ва турли этник гуруҳлар учун мўлжалланганди. (Бирмаликлар Бирма иттифоқининг асосий ҳалқидир). У вақтда, анализнинг умумий бўлиши диктатор режимли ҳар мамлакатда актуал бўлишини кўзда тутмадим. Бироқ, бу, сўнгги йиллар ичида ўз мамлакатлари учун китобни она тилига таржима қилган ва тарқатган кишиларнинг фикридир. Бир неча киши китобнинг худди ўз мамлакатлари учун ёзилганидек ўқилганини билдирдилар.

Рангундаги SLORC ҳарбий диктатуралар вақтни йўқотмасдан бу публикацияни ёмонладилар. Газеталар, радио ва телевидение орқали амалга оширилган оғир ҳужумлар 1995 ва 1996 йилларда, ва, мавжуд маълумотларга кўра, сўнгги йилларда ҳам давом этган. 2005 йилгача инсонлар фақатгина таққ публикациянинг кўлларида бор бўлишидан етти йиллик қамоққа олинди.

Бошқа мамлакатларда эссенинг нашр этилиши учун тиришмаган бўлса ҳам, матнинг ўзича таржимаси ва тарқатилиши бошлади. Нашрнинг инглиз ривоятини индонезиялик талаба Бангкокдаги бир китоб дукконнинг дисплеида кўриб сотиб олиб уйга юборди.

У ерда Индонезия тилига таржима қилиниб 1997 йилда катта ношир тарафидан, Абдурраҳман Воҳиднинг сўзбоши билан нашр этилган. У пайтда бу киши дунёнинг энг катта мусулмон ташликоти Надхлатул Уламанинг бошида эди, ташликотнинг ўттиз беш миллион аъзоси мавжуд, сўнгги йилларда Индонезиянинг президенти бўлди.

Бу замон ичида, менинг Алберт Эйнштейн ташкилотдаги офисда кўлимда фақатгина Бангкокдаги инглиз буклетнинг копиялари мавжуд эди. Бир неча йил, келаётган талабларни копиялар билан қондирдик. Сўнгра, Калифорниядан Марек Зеласкиевич, Милошевич пайтида, Белград шахрига катаётганида ёнида у копиялардан олиб борди ва ижтимоий ҳаракат ташкилотига берди. Бу ташкилот матни таржима қилиб Сербияда нашр этти. Милошевич режимининг йиқилишидан сўнгра Сербияга борганимизда, буклетнинг оппозицион ҳаракатида жуда таъсирли бўлганини айтдилар.

Бунинг ёнида, истеъфодаги А.Қ.Ш. полковник Роберт Хелви тарафидан йигирма ёш серб учун нозўравон курашга тегишли, нозўравон курашнинг келиб чиқиши ва потенциали тўғрисида ўтказилган кенгаш жуда муҳимдир. Бу кишилар Милошевич тизимини йиқитган “Отпор” ташкилотининг аъзолари

бўлган. Одатда биз бу публикациянинг мамлакатдан мамлакатга қандай ўтганини билмаймиз. Интернет саҳифамизда матннинг сўнг йилларда мавжудлиги муҳим бўлди, лекин бу бирдан-бир омил эмас. Бу боғларни назорат остига олмоқ катта илмий лойиҳа бўлади. “Диктатурадан демократияга” – оғир анализ бўлиб ўқилиши қийиндир. Аммо, катта иш ва сарф керакли бўлса ҳам, тайёрланаётган камида йигирма саккизта (январ 2008й.) таржимаси учун жуда муҳимдир.

Бу публикация таржималарининг босма нашрлари ёки Интернет версиялари қуйидаги дилларда мавжуддир: амхарик (Эфиопия), араб, озарбайжон (Озарбайжон), бахаса (Индонезия), беларус, бирма, чен (Бирма), хитой (анъанавий ва мандарин), дивехи (Малдивлар), форс (Эрон), франсиз, грузин, олмон, жинг по (Бирма), карен (Бирма), хмер (Камбоджа), курт, кирғиз (Қирғизистон), непал, пушту (Афғонистон ва Покистон), рус, серб, испан, тибет, тигриния (Эритрея), украин, ўзбек (Ўзбекистон), ва Вьетнам. Бунинг ёнида, бир неча тагин тайёрлаш даврида.

1993 ва 2002 орасида фақатгина олти таржима мавжуд эди. 2003-2008 йиллар ичида бу рақам йигирма саккизга эришди.

Таржималарнинг тарқатилган жамоат ва тилларнинг турлилиги, биринчи марта бу матн билан тўқнашган инсонларнинг, анализнинг ўз жамоатлари билан алоқали бўлганлиги ҳақидаги дастлабки хулосасини қувватламоқда.

**Январ 2008**

**Алберт Эйнштейн Ташкилоти Бостон, Массачюсетс**

**Жин Шарп**

## **Учинчи илова**

### **ТАРЖИМА ВА НАШР ҲАКИДА МУЛОҲАЗА (инглиз тилида)**

Муаллиф, бу ҳужжатни қайта нашр, таржима ёки кўпайтирмакчи бўлган жисмоний шахслардан билдиришларини сўрайди. Билдиришни Алберт Эйнштейн ташкилотига юбориш мумкин (контакт маълумотлари бу эссенинг энг бошида мавжуддир, мазмундан олдин).

**КЕЛГУСИДА ЎҚИБ ЧИҚИШ УЧУН (инглиз тилида)**

1. The Anti-Coup by Gene Sharp and Bruce Jenkins. Boston: The Albert Einstein Institution, 2003.
2. Sharp's Dictionary of Power and Struggle: Language of Civil Resistance in Conflicts by Gene Sharp. New York: Oxford University Press, 2011.
3. On Strategic Nonviolent Conflict: Thinking About the Fundamentals by Robert L. Helvey. Boston: The Albert Einstein Institution, 2002.
4. The Politics of Nonviolent Action (3 vols.) by Gene Sharp. Boston: Extending Horizons Books, Porter Sargent Publishers, 1973.
5. Self-Liberation by Gene Sharp with the assistance of Jamila Raqib. Boston: The Albert Einstein Institution, 2010.
6. Social Power and Political Freedom by Gene Sharp. Boston: Extending Horizons Books, Porter Sargent Publishers, 1980.
7. There Are Realistic Alternatives by Gene Sharp. Boston: The Albert Einstein Institution, 2003.
8. Waging Nonviolent Struggle: 20th Century Practice and 21st Century Potential by Gene Sharp. Boston: Extending Horizons Books, Porter Sargent Publishers, 2005.

For order information, please contact: The Albert Einstein Institution  
 P .O. Box 455  
 East Boston, MA 02128, USA

Tel: USA +1 617-247-4882

Fax: USA +1 617-247-4035 E-mail: einstein@igc.org

Website: [www.aeinstein.org](http://www.aeinstein.org)

From Dictatorship to Democracy 93

## **МУАЛЛИФ ҲАҚИДА**

Ноўравон кураш “Клаузевицси” деб танилган Жин Шарп, Бостондаги Алберт Эйнштейн ташкилотининг катта илмий ходими ҳисобланади. У, бу ташкилотга, илмий иш, сиёсий таҳқиқот ва нозўравон курашни стратегик қўллаш таълимини, демократия, уруш, қирғин ва зулм олдида илгари суриш учун асос солган.

Доктор Шарп, яқин, ўттиз йил давомида, ўз таҳқиқотларини Гарвард Университети ва Миллатлараро Муносабатлар Марказида ўтказган. Оксфорд Университетида Сиёсий теория фалсафаси Доктори (1968 й.),



Жамиятшунослик магистри (1951 й.) ва Ижтимоий фанлар бакалаври (1949 й.) унвонларига мушарраф бўлган.

Доктор Шарп, нозўравон кураш, кучлар, диктатура, Ганди, мудофаа сиёсати каби мавзуларига оид бир қанча китоблар муаллифидир. Асарлари, қирк бешдан ортиқ тилда нашр этилган.